O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 19-iyul, shanba | № 58 (7563)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ



18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор иқтисодий ривожланиш давом этгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамлангани, тўлов интизоми ошгани, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мутаносиблиги кучайгани ҳақида гапирди. Босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда муайян ютуқларга эришилди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 103,8 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 104,0 фоиз ва пулли хизматлар ҳажми 104,4 фоиз ўсди.

Ушбу рақамлар иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси сифатида юртимизда бозор муносабатларини шакллантириш жараёнлари жадал ва самарали давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан ҳисобланувчи хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Ҳисобот даврида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

Президентимиз хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар талаблари тўла ва кўнгилдагидек ижро этилмаётганига алоҳида тўхталди.

Ўтган даврда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича, жумладан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Фармонлар ва уларнинг ижросига қаратилган ҳукумат қарорлари, дастурлар, бошқа муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишга йўналтирилган амалий ишлар давом этмоқда.

Мажлисда ана шу ҳужжатлар ижроси бўйича мавжуд аҳвол танқидий нуқтаи назардан теран таҳлил этилди.

(Давоми 2-бетда)

2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган асосий масала - бу 2003 йилнинг биринчи ярми якунларининг муҳокамаси.

Сизларга яхши маълумки, биз шу йил бошида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, 2003 йил ва кейинги йилларда иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган устувор йўналишларнинг аниқ дастурини белгилаб олган эдик.

Бугун ана шу дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида қандай ҳаракат қилаётганимизни танқидий ва принципиал нуқтаи назардан баҳолаш кўзда тутилмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ўтган вақт мобайнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчил ривожланиш ҳаракатлари давом этди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодиётимизда мутаносибликни кучайтириш йўлида ижобий натижаларга эришилди.

Биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,8 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқлари жадал ва изчил ривожланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми - 5,5 фоизга, истеъмол моллари - 4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - 3,8 фоизга, инвестициялар ҳажми эса 2,6 фоизга кўпайди. Аҳоли бандлиги ўсиш суръатларининг барқарорлиги сақлаб қолинди - бу кўрсаткич 102,8 фоизни ташкил этди.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 фоиз, реал даромадларни эса 8 фоизга кўпайтириш имкони пайдо бўлди.

Биз йил бошида мамлакатимизда бюджет соҳасида изчил ва қаттиқ кредит-молия сиёсатини ўтказиш, шу тартибга қатъий амал қилиш орқали бюджет даромадлар ва харажатлар қисмининг жорий йил учун тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш, шунингдек, бюджет камомадини қоплашга қаратилган инфляцион манбаларга барҳам беришга қарор қилган эдик.

Натижада биринчи ярим йилликда давлат бюджетининг бажарилиши таъминланди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан якунланди. Корхоналарнинг солиқ юкини енгиллаштириш ва солиқ тизимини унификация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам биринчи ярим йиллик якунларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Маълумки, 2003 йилдан бошлаб фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, юридик шахслар учун иш ҳақи фондидан ижтимоий суғурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга пасайтирилди. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаоллигини оширишга хизмат қилди. Биринчи ярим йиллик мобайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18 фоизга ортди ва у иқтисодиётга йўналтирилган барча инвестицияларнинг 46 фоизини ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

САНЪАТКОР «ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ» 5-бет

«ФАҚАТ ЧУҚУР БИЛИМЛИГИНА МАҚСАДИГА ЭРИШАДИ» 7-бет

ВАТАН ҲАҚИДАГИ ВАТАН 10-бет

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА ИБРАТ МАНБАИ 11-бет

БИРИНЧИ ҲАЛДИР70ЧДДР 14-бет

Yarim yil davomida 33 ta loyiha bo'yicha amaliy ishlarning boshlanmagani barchamizni qattiq tashvishga solishi lozim.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, фермер хўжаликларини ривожлантиришни янги поғонага кўтариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг кўламли суғурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этиш, айниқса, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш суст бораётгани оқибатида қурилиш ишларини вақтида бажариш ва объектларни фойдаланишга топшириш қониқарсиз аҳволда экани жиддий кўрсатиб ўтилди. Танлов савдолари ўтказишда қонун бузилишлари ҳамон давом этаётгани, қурилиш қийматининг ошириб борилиши ҳоллари мавжудлиги, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими талаб даражасида ривожланмаётгани, хусусий қурилиш ташкилотлари равнақига эътибор қаратилмаётгани қайд этилди.

Йиғилишда иқтисодий ва демократик янгиланишлар йўлига ғов-тўсиқ бўлаётган барча даражадаги бошқарув тизими нуқсонларини бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, шу жумладан, давлат статистика ва идоравий ҳисоботи тизимини қайта кўриб чиқиш ва бошқа долзарб вазифалар бўйича тегишли тавсиялар, кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазири Р.Азимов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов, Сирдарё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров ва Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожоновнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎзА.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMON

Mamlakatimiz Prezidenti farmoniga binoan To'xtapo'lat Tursunovich Risqiyev O'zbekiston Respublikasining Buyuk Britaniya va Shimoliy Irlandiya Birlashgan Qirolligidagi Favqulotda va Muxtor elchisi etib tayinlandi.

OLIY MAJLISDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisida Ijtimoiy masalalar va Bandlik qo'mitasi hamda Matbuot va axborot qo'mitasi tomonidan «Milliy an'analarni mustahkamlash va urf-odatlar hamda udumlarni shakllantirishda mahalla bilan ommaviy axborot vositalarining hamkorlik faoliyati» mavzuidagi anjuman tashkil etildi.

(Давоми 5-бетда)

2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тижорат банклари фаолиятида ҳам ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда. Олтин-валюта заҳираларимиз сезиларли даражада ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг жами маблағлари 32 фоизга ортди, кредитларнинг қайтарилиш даражаси яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, ўтган ярим йилликнинг ўзида берилган кредитлар ҳажмини 36 фоиз оширишга имкон туғдирди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда.

Буни одамларимизнинг депозит ҳисоб-рақамларига қўйган омонатлари 44 фоизга ортгани ҳам кўрсатиб турибди. Банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайди, хусусий ва минибанклар сони кескин равишда ортди. Мана шу ҳисобот даврининг ўзида хусусий банклар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 15 та минибанк фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 530 тадан ошиб кетди. Кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларининг банк тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди.

Қаттиқ пул-кредит сиёсатини ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чоралар, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш борасида амалга оширилган аниқ тадбирлар инфляция суръатларини пасайтиришда ижобий роль ўйнамоқда.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярмида инфляция суръатлари 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 4,2 фоиздан иборат бўлди. Бу эса, табиийки, миллий валюта - сўмимизни ҳар томонлама бақувват қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Биринчи ярим йилликда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банкларо валюта бозорини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида амалда миллий валютамизнинг алмашиш курслари унификация қилинди, биржадан ташқари ва бошқа валюта бозорларида шаклланган курслар ўртасидаги фарқ деярли барҳам топди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа, сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равишда сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Бу иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи керак. Бунинг учун эса бизда барча зарур омиллар - маблағ ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд.

Июнь ойида Халқаро валюта жамғармаси вакиллари Тошкентда бўлиб, мамлакатимизда валюта режимини эркинлаштириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимизга юқори баҳо берди.

Мазкур жамғарма билан ҳамкорликда жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютамиз конвертациясини таъминлашга доир ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

Бу режанинг муваффақиятли амалга оширилиши шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон учун Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига тегишли барча стандартларни қабул қилиш имконини беради.

Мамлакатимизнинг ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт таркибида ижобий силжишлар рўй бермоқда. Ўтган ярим йил мобайнида ташқи савдо айланмаси қарийб 23 фоизга, шу жумладан, экспорт 41 фоизга ошди.

Айни пайтда, биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тайёр маҳсулот экспортининг ҳажми 1,6 марта ўсганини, унинг экспорт таркибидаги улуши 35 фоиздан 41 фоизга кўтарилганини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Ташқи савдода 530 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди. Мамлакатимизнинг тўлов баланси янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон ўзининг барча ташқи мажбуриятлари бўйича ҳисобкитобларни ўз муддатида амалга оширмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари кенгайиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам тобора кучаймоқда.

Узоқ хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш ялпи экспорт ҳажмининг 77 фоизини, импорт эса 62 фоизни ташкил этмоқда. Бу — мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашиб, дунё бозорларидаги кескин рақобат шароитида ўз ўрнини эгаллаб, нуфузини мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далолатдир.

Ана шу сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналиши — бу ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Ярим йил мобайнида иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирини ташкил этади. Жами инвестицияларнинг 60 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Инвестициялар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлди, марказлашмаган манбалар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси 56 фоиздан 67 фоизга ўсди.

Ярим йилликда 200 миллион АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, шундан 65 миллиони тўғридан-тўғри инвестициялар бўлиб, уларнинг миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробарга ортди.

Жорий йилнинг ўтган даврида автомобиль ойналари ишлаб чиқарадиган «Автоойна» акциядорлик жамияти, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Олоттекс» қўшма корхонаси қувватлари ишга туширилди. «Шўртан» газ-конденсат конида юқори босим берувчи компрессор станцияси қурилиши тугалланиб, ускуналарни синаш ишлари бошланди.

Шунингдек, кўмир саноати конларини техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларнинг биринчи босқичи якунланди, «Сино» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида совутгичлар ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида нитрат кислотаси ва аммиакли селитра ишлаб чиқарадиган линия қурилишининг якуний босқичи тугалланмоқда.

Шу билан бирга, айрим уюшма ва компаниялар локализация, яъни маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ортда қолмоқда.

Бу кўрсаткичлар «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмасида 21,6 фоиз, «Ўзфармсаноат» давлат концернида 22,4 фоиз,

«Ўзпахтасаноат» уюшмасида 23,9 фоиз, «Файз» холдинг компаниясида 40 фоиз, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 40,3 фоиз, «Ўзкоммунхизмат» агентлигида 40,5 фоиз ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 40,9 фоизга бажарилган, холос.

Айниқса, ярим йил давомида 33 та лойиҳа бўйича амалий ишларнинг бошланмагани барчамизни қаттиқ ташвишга солиши лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Биз ярим йиллик фаолиятимиз якунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, миришкор ва фидойи деҳқонларимиз, ғаллакорларимизни жорий йилда дон етиштириш ва давлатга сотиш бўйича қўлга киритган улкан ғалабалари билан табриклаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан шу кунга қадар 4 миллион 300 минг тоннадан зиёд ғалла ҳосили ўриб-йиғиб олинди.

Сурхондарё вилояти ғаллакорлари мамлакатда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш бўйича белгиланган топшириқни бажардилар.

Андижон, Бухоро, Навоий, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, бугуннинг ўзида Тошкент ва Наманган меҳнаткашлари ҳам ўз мажбуриятларини муваффақият билан адо этдилар. Қолган вилоятларнинг ғаллакорлари ҳам зиммага олган мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Ҳозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланиб бораётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Ғалла етиштириш маданияти такомиллашиб бормоқда, республикамизнинг мураккаб иқлим шароитига мослашган янги, серҳосил буғдой навларини яратишга қаратилган селекция ишлари яхшиланмоқда, етиштирилаётган доннинг сифати ва истеъмол хусусиятлари ҳам сезиларли даражада ошмоқда.

Энг муҳими — одамларнинг, биринчи навбатда деҳқонларнинг ерга, ўз меҳнатининг натижасига бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда.

Бугун барчамиз қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш нақадар улкан самара беришини ғаллачилик соҳаси мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Сўнгги беш йил ичида суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги икки мартадан зиёд ортди ва бугунга келиб ҳар гектар ҳисобига ўртача 43-45 центнерни ташкил этмоқда. Лекин бу ҳали чегара эмас. Кўплаб хўжаликлар гектаридан 75-80 центнердан ҳосил кўтаришмоқда.

Бу йил мамлакатимиз бўйича, насиб этса, жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиштирилади. Ўз моҳият эътиборига кўра бу қадар улкан ғалабани бундан атиги 5-6 йил аввал, яъни биз мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган Миллий дастурни амалга оширишга киришган пайтларимизда фақатгина орзу қилиш мумкин эди, холос.

Қиёслаш учун шуни таъкидлашимиз керакки, 1990-1991 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонимизда 940 минг тонна ғалла етиштирилган, ўртача ҳосилдорлик эса 17 центнерни ташкил қилган.

Яъни, ўтган давр ичида ғалла ишлаб чиқариш 5,5 карра ўсган.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, барча ғаллакорларимизга, лафзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларимизга, барча қишлоқ меҳнаткашларига, хўжалик, туман ва вилоят раҳбарларига Ватанимизнинг қудрати, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга чексиз мамнуният бағишлайди.

Юқорида айтилганларга якун ясар эканмиз, ўтган давр ичида Ўзбекистон демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва изчил ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш йўлида салмоқли қадамлар қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Муҳтарам йиғилиш иштирокчилари!

Биз ўзимиз танлаган тараққиёт йўлининг ва иқсодиётимизни ислоҳ қилишнинг ҳар бир босқичида, шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб берадиган ва бошланган янгиланиш жараёнларининг мантиқий давоми бўлган устувор мақсад ва йўналишларни белгилаб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бундай дастурларимизни бажаришда, аввало, эришган натижаларимизни танқидий баҳолашимиз, бугун олға томон ҳаракат қилишимизга халақит бераётган долзарб муаммоларни аниқлаб олишимиз ва ишни уларни бартараф этиш асосида ташкил қилишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг биринчи чорагида қабул қилинган, хусусийлаштириш жараёнини ва иқтисодиётдаги хусусий секторнинг ролини кучайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва капитал қурилиш каби муҳим соҳаларда ислоҳотларни

(Давоми 3-бетда)

ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда)

чуқурлаштиришга қаратилган қатор фармонлари айнан ана шу масалаларга йўналтирилганини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши биласиз. Мазкур фармонларнинг асосий мазмуни ва бош йўналиши қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодий муносабатларни янада эркинлаштириш ва давлатнинг иқтисодий фаолият соҳасидаги ролини кескин чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат тузилмаларининг сабабсиз аралашувларини бартараф этиш.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва тезлаштириш, мамлакатда хусусий сектор, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривож топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корпоратив бошқарув тизимини тартибга солиш.

Учинчидан, ҳуқуқий механизмларни, шу жумладан, рақобатни ривожлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни шартнома асосида шакллантиришга ёрдам берадиган механизмларни кучайтириш, шартнома тузаётган томонларнинг ҳуқуқлари, ўзаро мажбурият ва масъулиятларини аниқ белгилаб қўйиш.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, бу масалалар ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг ҳаммаси эмас, балки бу йўлдаги энг муҳим, энг принципиал вазифалардир. Уларни амалга ошириш учун барчамиз қатъият ва изчиллик билан, белни маҳкам боғлаб ишлашимиз даркор.

Табиийки, юқорида зикр этилган фармонлар ва қарорлар ижросининг бориши тўғрисида қандайдир хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки уларнинг қабул қилинганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шу билан бирга, бизнинг бир жойда депсиниб туришга ҳам фурсатимиз йўқ эканини ҳаммамиз яхши англаб олишимиз лозим.

Шунинг учун, бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши билан боғлиқ, бизни кўп ташвишга солаётган ҳолатлар ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги ўта муҳим масала - хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва ана шу асосда хусусий корхоналарни тузишга кенг шароит туғдириб беришдан иборат. Эътироф этиш керакки, жорий йилда бу жараёнлар анча жадал бормоқда.

Айни пайтда корхоналарни хусусийлаштириш юзасидан қабул қилинган дастурни бажариш бўйича ишлар айрим идора ва вилоятлар томонидан етарли суръатлар билан олиб борилмаяпти.

Масалан, ярим йил мобайнида «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида борйўғи 2 та объект, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида - 3 та, Матбуот ва ахборот агентлигида - 4 та ва Халқ таълими вазирлигида 8 та объект хусусийлаштирилган, холос. Бу борада, айниқса, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Давлат активлари шаклидаги каттагина ресурсларга эга бўлган айрим вазирлик ва идоралар томонидан акцияларнинг эркин пакетларини сотиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда.

Буни ярим йил давомида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамда «Озиқ-овқатсаноат» уюшмасидаги мавжуд ресурсларнинг деярли сотилмагани ҳам кўрсатиб турибди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағ, белгиланган топшириққа нисбатан олганда, ярим йилда амалда қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этди:

«Ўзагромашсервис» уюшмаси бўйича - 6 фоиз, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўйича - 3 фоиз, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бўйича - 4 фоиз, Самарқанд вилояти бўйича - 30 фоиз, Жиззах вилояти бўйича - 32 фоиз, Наманган вилояти бўйича - 36 фоиз, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича - 38 фоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, хусусийлаштириш жараёнига, энг аввало, йирик корхоналарни хусусийлаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишларнинг бугунги аҳволи бизни мутлақо қониқтирмайди.

Бу эътироз биринчи галда «Ўзбекнефтгаз», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбектелеком» каби бошқа кўпгина акциядорлик компаниялари тизимидаги корхоналарга тегишлидир.

Ҳанузгача хусусийлаштириш лозим бўлган давлат мулкини баҳолаш усул-услублари ишлаб чиқилмаган, узоқ вақтлардан буён биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотилмай келаётган корхоналар активларини арзонлаштирилган қийматда сотиш бўйича механизмлар жорий этилмаган.

Яна ва яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман, ҳозирги ҳолатида ҳеч қандай фойда келтирмаслиги аниқ бўлган ва фақат зарар кўриб ишлаётган корхоналарни хусусий шахсларга сотиш ёки бутунлай тугатиш даркор.

Бу бизнинг қатъий сиёсатимиз бўлиши шарт. Ўзингиз бир яхши ўйлаб кўринг. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласи бўйича олиб борилаётган сиёсатимиз ва амалий ишларни бошлаганимизга ўн йилдан кўпроқ вақт ўтаяпти.

Акциялаштириш ва кимгадир сотишга арзийдиган ишлаб чиқариш корхоналарининг тақдири аллақачон ҳал бўлиши керак эди. Табиий савол туғилади - нима учун бугунги кунда ҳеч фойда бермаётган, лекин давлат маблағи ҳисобидан кун кечираётган корхона ва ташкилотлар ҳамон сақланиб қолмоқда?

Хўш, бундай ҳолат кимнинг ва кимларнинг манфаатига жавоб беради? Ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топиши зарур. Эгаси топилмаса - уни умуман тугатиш даркор.

Жойларда корпоратив бошқарув усулларини мустаҳкамлаш бўйича ишлар аллақачон бошланганига қарамай, шуни тан олиш керакки, кўпинча бу ишлар номигагина бўлиб, кутилган натижани бермаяпти. Кузатув кенгашлари аъзоларининг директорлар корпусига тобе бўлиб қолиш ҳолатлари ҳалибери барҳам топгани йўқ.

Ана шундай ҳолатлар «Ўзкимёсаноат» компанияси таркибидаги «Аммофос», «Ўзмашсаноат» уюшмасига қарашли «Подъёмник», «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасининг «Ўзмахсусавтоматика» ва «Портлатишсаноат» корхоналари, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси таркибидаги «Тошкент тажриба-механика заводи», «Ўзбексавдо» компаниясининг «Турон» ва бошқа кўпгина акциядорлик жамиятларида кўзга ташланмоқда.

Акциядорлик компаниялари ижро органларининг кўпгина раҳбарлари фаолиятини баҳолашда ҳали-бери талабчанлик ва қатъият етишмаяпти. Ўзингиз ўйланг, 2002 йилда олинган фойда миқдорининг сезиларли даражада пасайишига йўл қўйган 379 та акциядорлик жамиятидан 345 таси ёки 91 фоизида ижро органлари раҳбарларининг ўз мансаб лавозимида қолганини қандай баҳолаш мумкин? Боз устига, ўтган йилни зарар билан якунлаган 28 та акциядорлик жамиятидан 26 тасида ижрочи директорлар келгуси йилга яна қайта сайланганига нима деса бўлади?

Бу фактлар мисолида биринчи галда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар, заифлик ва принципсизлик ҳолатлари яққол кўриниб турибди. Айтиш керакки, Давлат мулки қўмитаси вазифаларни ҳали-ҳамон тўлиқ уддалай олмаяпти.

Яқинда ўтказилган аттестация шуни кўрсатдики, қўмитанинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий органларини профессионал жиҳатдан пухта тайёрланган кадрлар билан мустаҳкамлаш борасидаги ишлар қониқарсиз аҳволда. Бу соҳада ишлаётган ходимлар орасида Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ тасаввур эта олмайдиган тасодифий кишиларнинг кўплигига нима дейиш мумкин?

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, ҳозирги вақтда Давлат мулки қўмитаси тузилмалари ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, уларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга доир ҳукумат қарори тайёрланган ва у яқин орада қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармоннинг ижроси бўйича бир қанча муҳим ҳукумат қарорлари, биринчи галда, мазкур соҳани бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тузилмасини, унинг вилоятлар ва туманлардаги бўлинмаларини мустаҳкамлашга оид қарорлар қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда имкон қадар қисқа муддатда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизими ва унинг ҳудудий тузилмаларида ўтказилаётган ташкилий туб ўзгаришларни якунига етказиш, уларни муносиб кадрлар билан таъминлаш вазифаси долзарб бўлиб турибди.

Бу борада жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятига вазирликлар ва турли бошқарув тузилмалари томонидан бўладиган ҳар қандай маъмурий-буйруқбозлик уринишларига ва бошқа хил аралашишларга бутунлай чек қўйиш учун қатъиятлик билан изчил иш олиб бориш даркор.

Биз оддий бир масалани ҳал этиб олишимиз керак, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимида ҳар ким ўз ишини бажарсин: вазирлик ва унинг тузилмалари ўз иши билан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз иши билан шуғулланиши керак. Ва ҳар ким қонун бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар учун жавоб бериши лозим.

Ана шундагина тартиб бўлади, ана шундагина қониқарли пировард натижа бўлади. Бу талаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари фаолиятига ҳам бирдек тегишлидир.

Ҳозирги вақтда 2003-2005 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тайёрланди ва биз уни яқин орада кўриб чиқамиз. Бу муҳим масалада қарор қабул қилишдан аввал мамлакатимиздаги ҳар бир хўжалик, туман ва вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари, уларда юзага келаётган вазиятларни ҳисобга олиш, ақл тарозисига солиб кўриш керак.

Айниқса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Қишлоқ аҳлининг эҳтиёжларини замон талаблари даражасида таъминлай оладиган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани барпо этмасдан туриб, қишлоқ хўжалигида жиддий силжишларга эришишимиз, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришимиз қийин кечади.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Фармоннинг ижроси ҳам жиддий ташвиш уйғотади. Ўзингиз ўйланг, ислоҳотларнинг туб моҳиятини очиб берувчи қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар ҳанузгача тасдиқ учун киритилгани йўқ.

Бунинг оқибатида амалда қурилиш ишларини бошлаш ва объектларни ҳар томонлама тайёр ҳолда, «қулф-калит» қилиб фойдаланишга топшириш жуда суст бормоқда. Ваҳоланки, айнан шу ҳолат қурилишни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида белгиланган.

Пудратчи қурилиш ташкилотларини, айниқса, зарар кўриб ишлаётган ва рентабеллиги паст корхоналарни хусусийлаштириш, хусусий мулкка айлантириш жараёни ўта қониқарсиз бормоқда.

Бир қатор вилоятларда танлов савдоларини ўтказишда хусусий қурилиш ташкилотларининг иштироки ғоят паст даражада қолаётгани ҳам бежиз эмас. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида танлов савдосида ғолиб чиққанлар орасида бирорта хусусий ташкилот йўқ. Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида тендер ғолиблари орасида кичик ва ўрта бизнес вакиллари атиги 20 фоизни ташкил этади. Тошкент шаҳрида эса танлов савдосида ғолиб чиққан 34 ташкилотдан 21 таси давлат корхоналари ва акциядорлик жамиятлари ҳисобланади.

Ўтказилган танлов савдоларининг натижалари ва уларга тегишли ҳужжатларнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, деярли барча ҳудудларда танлов ўтказишнинг белгиланган тартибларини бузиш ҳолатлари давом этмоқда, танлов савдоларининг ошкоралиги таъминланмаяпти.

Йилнинг биринчи ярмида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан белгиланган тартиблар бузилгани учун жами 12 та, жумладан, Тошкент вилоятидан - 6 та, Сурхондарё вилоятидан - 3 та, Жиззах, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларидан биттадан танлов савдоси натижалари қабул қилинмаган.

Йилнинг биринчи ярмида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари томонидан текширилган 144 та объектнинг 139 тасида қурилиш материаллари нархи ва сарф-харажатлари нормаларини нотўғри қўллаш ҳисобига ишлар қиймати 414 миллион сўмга ошириб ёзилгани аниқланди.

Капитал қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар йўлида ғов бўлиб турган тўсиқлардан яна бири тегишли бозор инфратузилмаси - қурилиш техникаси ва механизмлари лизинги бўйича ихтисослашган компаниялар, тўла таркибдаги қурилиш-инжиниринг хизматлари билан шуғулланадиган инжиниринг компаниялари ва бошқаларнинг йўқлиги ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича қабул қилинган учта фармон ва дастурларнинг бажарилиши устидан мониторинг - назоратни таъминлаш учун Р.Азимов ва К.Тўлаганов бошчилигида махсус ҳукумат комиссияси тузилган.

Мазкур комиссия зиммасига қабул қилинган қарорларни ижро этиш бўйича мавжуд аҳволни яна бир бор танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, 2003 йилга мўлжалланган топшириқлар ва кўрсаткичларни сўзсиз бажаришга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Ҳурматли дўстлар!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнининг энг муҳим йўналишларини танқидий кўз билан баҳолар эканмиз, тобора кўпроқ шунга ишонч ҳосил қиламизки, биздаги эскича қараш илдизлари, энг аввало, амалдаги бошқарув тизимига бориб тақалади.

Тан олиш керакки, ҳозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди.

Яна шуни ҳам тан олишимиз лозимки, биз кўп ҳолларда эски маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимининг ҳамон давом этиб келаётган, ўта яшовчан қолипларидан воз кеча олмаяпмиз.

Келинг, мавжуд бошқарув тизимининг нуқсон ва иллатларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, баҳолайлик.

Аввало, кейинги йилларда қатор соҳа вазирликлари турли хўжалик бирлашмаларига, яъни корпорациялар, уюшмалар, компанияларга айлантирилганига қарамай, уларнинг моҳияти, иш усули ва услублари амалда деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Бугунги кунда бошқарув аппарати бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган вазифа билан - Ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ижроси билан биринчи галда шуғулланиши лозим.

Афсуски, бунинг ўрнига, у худди совет давридаги каби, ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олишга, соҳанинг ўзига хос «штаби» бўлишга интилмоқда. Бошқарув аппарати ходимларининг фаолиятида, аввалгидек, эски маъмурий-буйруқбозлик усуллари устунлик қиляпти.

Ўзининг ҳукмронлигини ўтказиш, ваколатларини суистеъмол қилиш, фойдаси бўлмаган турли буйруқ ва йўриқномалар, кўрсатмаю меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш бундай ходимларнинг, енгилроқ айтадиган бўлсак, бир касаллигига айланиб қолган.

(Давоми 4-бетда)

Biz boshqaruv apparatini isloh qilish jarayoni oson va silliq kechadi, degan xomxayollarga berilmasligimiz kerak.

2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида

(Давоми. Боши 1, 2, 3-бетларда)

Бу раҳбарлар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашиш, уларнинг ишини қандайдир қолипга солишга, ҳатто кадрлар масаласини ҳал қилишга уриниш одатларидан ҳали ҳам воз кечмаяпти. Баъзан шундай ақлга сиғмайдиган ишлар ҳам рўй бермоқдаки, беихтиёр ёқангни ушлайсан киши.

Масалан, корхоналар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этиладиган уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ёки бўшатади. Ваҳоланки, қонунга кўра, уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар назорати остида бўлмоғи лозим. Бу соҳадаги яна бир муаммо - турли бошқарув тузилмалари ва бўғинларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани билан боғлиқ.

Ҳаёт, тажриба шуни кўрсатадики, марказда, пойтахтда ташкил этилган ҳар қандай бошқарув органи, албатта, вилоят ва туманларда ўзига ҳисоб берувчи яна бир тузилмани яратади.

Бу тузилма эса, ўз навбатида, ўзининг бошлиқларига, ўринбосарларга ва уларга хизмат кўрсатувчи аппаратга ҳамда «техник персонал» деб аталадиган ходимларга эга бўлишга интилади.

Учинчи нуқсон - бу вазирлик ва идоралар ихтиёрида турли тақсимлаш вазифаларининг сақланиб қолиши билан боғлиқ бўлиб, ҳанузгача уларнинг аксарияти фонд ва лимитларга эгалик қилмоқда.

Одатда бундай вазиятларда - ҳатто ресурслар етарли бўлган ҳолатларда ҳам - сунъий тақчиллик вужудга келади. Бундан кўзланган мақсадни эса тушуниш қийин эмас. Амалдорлар ўзининг «куч-қудрати», аслида зўравонлигини намойиш этиб, шу ҳисобидан ўз манфаатини ўйлаши барчага аён бўлса керак.

Бунга бир неча мисол келтирмоқчиман.

1997 йилда Маҳаллий саноат вазирлиги тугатилган эди. Унинг таркибида, жумладан, техника ва моддий-хомашё ресурсларини бутун тизим бўйича марказлаштирилган тарзда тақсимловчи «Ўзмаҳаллий- таъминотсотиш» деган махсус бир тузилма ҳам бор эди.

Вазирлик тугатилгач, ушбу тузилма Тошкент «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо компанияси ихтиёрига ўтди. Бироқ лоқайдлик, тўғрироғи, юқори мансабда ўтирган амалдорларнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида ушбу тузилма маҳаллий саноатнинг ҳудудий бошқармалари ва корхоналари орасида пахта хомашёси ва унинг қайта ишланган маҳсулотларини харид қилиш бўйича квоталарни тақсимлаш вазифаларини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олган.

Охир-оқибатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва божхона органлари мазкур ташкилот томонидан пахта тозалаш корхоналари билан бирга пахта толасини сотиб олиш тартиби қўпол равишда бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни фош этди.

Маълум бўлишича, маҳаллий саноат корхоналарига паст навли пахта толаси ўрнига биринчи ва иккинчи навли тола берилиб, у эса паст навли момиқ сифатида расмийлаштирилиб, қонунга хилоф равишда мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилган.

Бугунги кунда Бош прокуратура бундай фактларнинг ҳар бирини батафсил ўрганиб чиқмоқда ва айбдорлар тегишли жазосини олади, албатта. Айни пайтда ушбу воситачилик тузилмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бироқ бу ўринда масаланинг илдизи чуқурроқ - тизимнинг ўзида, ресурсларни тақсимлаш механизмида яширинган бўлиб, у кўплаб ана шундай текинхўр тузилмаларнинг яшаши ва ривожланиши учун муҳит яратади.

Бунга «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси тизимидаги бемаза ишлар ҳам яққол мисол бўла олади. Ушбу тизимни қайта ташкил этиш бўйича қарор қабул қилингунга қадар нефть маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлаш масалалари билан республика миқёсида «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида «Вилоятнефтмаҳсулот» деб аталадиган унитар корхоналар, яна пастроғида учинчи бўғин бўлиб нефть базалари, тўртинчи бўғин бўлиб эса уларнинг филиаллари шуғулланиб келган. Агар хўжаликларнинг ўзидаги мавжуд нефть омборларини ҳам инобатга оладиган бўлсак, бу бешинчи бўғин ҳисобланади.

Кўриб турганингиздек, ҳар бир бўғинда ўзи ҳеч нарса ишлаб чиқармаса-да, лекин ўз мавқеига яраша тақсимлаш ваколатларига эга бўлган амалдорлар ўтирибди. Бу тақсимотнинг эса қандай амалга оширилиши ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Буни жойларда одамлар ўз кундалик тажрибасида яхши кўриб-билиб турибди.

Эндиликда «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси, хусусан, унинг марказий аппаратининг тузилмаси тубдан қайта кўриб чиқилди. Вилоят нефть маҳсулотлари идоралари тугатилди, мустақил юридик шахс сифатида фақат 25 та нефть базаси қолдирилди, қолганлари тугатилди ёки филиалга айлантирилди.

Биз бу ишни охиригача етказишимиз шарт, энг муҳими, ушбу тизимга канадай ёпишиб олган «чаққон»лардан қутулиш зарур. Бундай фактларнинг заминини бартараф этишнинг йўли битта. У ҳам бўлса, ресурсларни харид қилишнинг бозор механизмларини кенгроқ жорий этишдан иборат.

Иқтисодиёт вазирлиги барча манфаатдор тузилмалар билан бирга икки ой муддат ичида бу масалани батафсил таҳлил қилиб, турли фондлар, квоталар ҳамда лимитларни тубдан қисқартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши, тасдиқланадиган моддий баланслар рўйхатини қайта кўриб чиқиши, уларнинг кўпини асосий прогноз параметрларини асослашда зарур бўладиган ҳисоб-китоблар сифатида сақлаб қолиши керак.

Ҳисобот олиш, маълумот тўплаш ҳақида гапирганда, шуни айтиш жоизки, бу алоҳида масала. Бу, таъбир жоиз бўлса, кўпроқ бошқарув тизимимизнинг яна бир сурункали касаллигидир.

Бугунги кунда иқтисодиётда амал қилиб турган ҳисобот олишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи фавқулодда долзарб бўлиб турибди. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги учун муҳимдир.

Кенг кўламли, лекин баъзида ортиқча ва кераксиз бўлган, амалда деярли ҳеч ким фойдаланмайдиган маълумотларни тўплаш кўплаб бошқарув тузилмаларининг асосий фаолиятига айланиб қолган.

Биз бир масалани ўз олдимизга такрор ва такрор қатъият билан қўйишимиз керак - фақат ишлаб чиқариш ва реализация масаласини тезкорлик билан бошқариш учун зарур бўлган ҳисоботни, шу жумладан, баланс ва бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш, жорий ҳамда истиқбол прогнозларини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган ҳисоботнигина сақлаб қолиш лозим.

Бунда ҳисоботлар рўйхатини қисқартирибгина қолмасдан, балки уларнинг мазмун-моҳиятига чуқур кириб бориш, ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган кўрсаткичларни чиқариб ташлаш, шуни инобатга олган ҳолда, ортиқча маълумот тўплашни бекор қилиш ва тегишли бошқарув бўғинларини қисқартириш бўйича таклифлар тайёрлаш керак.

Бунинг учун, энг аввало, Давлат статистика қўмитаси, унинг жойлардаги органлари ҳамда қуйи ташкилотлардан мунтазам ҳисобот олиб турмаса ишсиз қолишдан қўрқадиган бошқарув тузилмалари - вазирликлар ва идоралар масъулиятни ўз зиммасига олиши даркор.

Биз бу масалага бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим шарти деб қарашимиз лозим.

Яқиндагина қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича олинадиган ҳисоботларни 60 фоиздан зиёд қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундай имконият ва резервлар бошқа соҳаларда ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, маъмурий бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим аҳамияти ва жиҳати бошқарув аппаратини сақлаб туришга сарфланадиган бюджет ва хўжалик харажатларини кескин қисқартириш зарурати билан боғликдир.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, бинобарин, корхоналар ва аҳоли зиммасидаги солиқ юкини камайтириш имкониятлари ҳам мана шу ерда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ушбу муаммонинг яна бир томони бор. Давлат бюрократик аппарати қанчалик катта бўлса, давлат номидан иш олиб борадиган айни ана шу аппаратни назорат қилиш зарурати ҳам шунчалик кучаяди.

Натижада ҳамма жойда - ҳокимликлар ва вазирликлар ҳузурида бўладими, ҳукумат ҳузурида бўладими, бошқарув аппаратининг қонунларни ва қабул қилинган қарорларни ижро этиш бўйича фаолиятини назорат қилиши лозим бўлган турли назорат хизматлари юзага келади. Ўз-ўзидан равшанки, давлат аппаратини ва умуман бошқарув ходимларини қисқартириш масаласи жамият ҳаётидаги энг жиддий хавф бўлмиш коррупцияга қарши курашда муҳим бир омил бўлади. Нега деганда, бу хавфли иллат бамисоли занг каби бошқарув тизимини емира бориши ва охир-оқибатда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига катта зарар етказиши мумкин.

Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, бизнинг назаримизда, қандай йўналишда амалга оширилмоғи керак? Ва биз бу ислоҳотдан қандай амалий натижаларни кутаяпмиз?

Биринчидан, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини кескин чеклаш, давлатнинг бошқарув тузилмалари ва уларнинг вазифаларини қисқартириш, давлат бошқарув органларини сақлаб туришга сарфланаётган харажатларни камайтириш.

Давлат вазифалари ва ваколатлари тобора кўпроқ жамоат, нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши керак. Лекин бу вазифалар шунчаки номига, хўжакўрсинга ўтказилмай, уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмлари яратилмоғи ҳамда аниқ манбалари белгилаб қўйилмоғи даркор.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг давлат органлари тасарруфида сақлаб қолинадиган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, уларни бажаришнинг аниқ тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш зарур. Бу тартиб-қоидалар давлат органлари ҳамда давлат хизматчиларининг мажбуриятларини қатъий белгилаб бериши, уларнинг фаолиятини амалий баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини яратиши лозим.

Иккинчидан, бошқарувни ўта марказлаштириш тамойилидан воз кечиш, айрим вазифаларни бошқарувнинг ҳудудий бўғинларига кенг кўламда ўтказиш, юқоридан пастгача бўлган ортиқча маъмурий тузилмаларни тугатиш зарур.

Барча даражадаги ҳокимият органларининг ислоҳотларни амалга ошириш, жойлардаги ишларнинг аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, бандлик муаммоларини ечиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини кўтариш борасидаги масъулиятини кучайтириш лозим.

Табиийки, бунда бозор иқтисодиёти тамойилларига сўзсиз риоя этилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда маъмурийлаштиришдан воз кечиш ўрнига уни шунчаки бошқарув тизимининг қуйи бўғинларига ўтказиб қўйишдек номақбул ҳолат юзага келиши мумкин.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, айрим идоравий, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тузилмаларини қайта тузиш, бирлаштириш, қисқартириш ва тугатиш асосида иқтисодиётнинг бошқарув тузилмалари самарадорлигини таъминлаш.

Бугунги кунда нафақат айрим бўғинларни, балки алоҳида идораларни ҳам сақлаб қолиш қай даражада мақсадга мувофиқ, деган масалани қайта кўриб чиқиш пайти келди. Чунки уларга қилинаётган сарф-харажатлар амалда ўзини деярли оқламаяпти.

Тўртинчидан, бошқарув тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш. Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларнинг ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмини жорий этиш.

Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг мавжуд бошқарув усул ва услубларини маъмурий-буйруқбозликдан халос қилиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини чеклашига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бешинчидан, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисоботларни ва қоғозбозликни қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш.

Лўнда қилиб айтганда, бошқарув тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган бизнинг асосий мақсадимиз бу:

— биринчидан, давлат, жамоат ва хўжалик субъектларини бошқаришнинг бутун тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришни таъминлаш;

— иккинчидан эса, уларни мамлакатимиз ҳаётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳозирги замон талабларига мос ҳолатга келтиришдан иборатдир.

Бошқарув тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов) кўрсатиб ўтилган барча йўналишлар юзасидан бир ой муддат ичида аниқ дастур ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Дарҳақиқат, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш зарурати аллақачон пишиб етилган ва бу ишни кечиктирмай амалга ошириш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи, замоннинг ўзи биздан шуни талаб этмоқда. Бу масалани ҳал этмасдан туриб чуқур иқтисодий ўзгаришларни ҳаётга тадбиқ этиш мумкин эмас, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айни пайтда биз бошқарув аппаратини ислоҳ қилиш жараёни осон ва силлиқ кечади, деган хомхаёлларга берилмаслигимиз керак.

Бу жараён кўплаб бошқарув ходимларининг манфаатларига, баъзан эса тақдирига бевосита дахл этишини унутмаслигимиз лозим.

Ва шу сабабли бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ана шу одамлар учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан имкон қадар безарар бўлишига ҳаракат қилишимиз керак.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида ислоҳотларни жамоатчилик назорати остида амалга ошириш, унинг моҳияти, мақсад-вазифаларининг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминлаш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундагина биз ушбу ислоҳотлардан кутилаётган натижа ва самараларга эриша оламиз.

Қадрли дўстлар!

Барчамизнинг энг олий мақсадимиз - эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини ривожланган демократик мамлакатлар даражасига кўтариш. Ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, бу борада халқимизнинг ишонч-умидларини оқламасликка мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ва биз бу олижаноб мақсад-муддаоларимизга, албатта, эришамиз, иншоолло.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож ва омад тилайман.

Sport musobaqalari borasida qilayotgan mehnatini qadrlagan holda Xalq ta'limi vazirligi Bahodir Abdurahimovni munosib taqdirladi. Unga "Xalq ta'limi a'lochisi" ko'krak nishoni berildi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

MINTAQAVIY SEMINAR

Toshkent viloyati hokimligida «Giyohvandlik - XXI asr vabosi» mavzuida mintaqaviy seminar-kengash bo'lib o'tdi. Oliy Majlisning Oila va ayollar muammolari komissiyasi tomonidan tashkil etilgan mazkur tadbirda Toshkent, Jizzax va Sirdaryo viloyatlarida giyohvandlikning oldini olish borasida amalga oshirilayotgan ishlar muhokama etildi.

QIMMATLI QOG'OZLAR RIVOJLANTIRISH UCHUN

Toshkentda Investittsiya institutlari milliy uyushmasi tomonidan «Xalqaro va milliy qimmatli qog'ozlar bozorlari» mavzuiga bag'ishlangan seminar o'tkazilmoqda. Unda yurtimizda faoliyat ko'rsatayotgan barcha banklarning vakillari ishtirok etishayapti. Shuningdek, tadbirda aksiyalar va obligatsiyalar bo'yicha xalqaro bozorlar, xususan, Rossiya, Qirg'iziston, O'zbekiston fond bozorlaridagi bugungi ahvol haqida mulohazalar o'rtoqlashilmoqda.

OITSga YO'L YO'Q

BMTning O'zbekistondagi vakolatxonasida O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi va BMTning OITS profilaktikasi bo'yicha tematik guruh o'rtasida loyiha imzolandi. Loyihaning umumiy qiymati 75,9 ming AQSH dollarini tashkil qiladi. Uning asosiy maqsadi esa O'zbekiston Mudofaa vazirligi va uning tuzulmalarida OITSning oldini olishga qaratilgan.

AFG'ON BOLALARIGA TUHFA

«Bunyodkor» yoshlar teleklubida mamlakatimiz yoshlarining Afg'oniston yoshlariga insonparvarlik yordamini jo'natish marosimi o'tkazildi. Unda Afg'onistonning mamlakatimizdagi Favqulodda va Muxtor elchisi Abdul Samad qatnashdi.

YANGI KENGASH

Toshkent Davlat texnika universiteti qoshida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida Oliy attestatsiya komissiyasi rayosati qarori bilan Markaziy Osiyoda birinchi bo'lib «Marksheyderiya» va «Geodeziya» yo'nalishlari bo'yicha nomzodlik ilmiy ishlarini himoya qilishning ixtisoslashtirilgan kengashi tashkil etildi.

САНЪАТКОР «ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ»

Мамлакатимизда бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" каби спорт мусобақаларини ўтказиш учун ҳар йили мамлакат миқёсида турли соҳа вакиллари катта иштиёқ билан тайёргарлик ишларини олиб боришади. Бу борада Республика миқёсидаги байрамларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий гуруҳининг ҳам ўз ўрни бор. Биз сўз юритмоқчи бўлган инсон Баҳодир Абдураҳимов шу гуруҳ раҳбари, бундан ташқари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори, санъатшунослик фанлари доктори.

Баҳодир Абдураҳимовнинг ёшлар спорт мусобақасидаги меҳнати нимада эканлигини ана энди англаб етгандирсиз?

Ҳа, Баҳодир Абдураҳимов юртимизда спорт мусобақалари йўлга қўйилгандан буён, шу мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларининг ташкиллаштирилишида, минглаб томошабинлар эътиборига манзур бўлишида ўз маҳоратини тўлатўкис намоён қилмоқда.

Спорт мусобақалари борасида қилаётган меҳнатини қадрлаган ҳолда Халқ таълими вазирлиги Баҳодир Абдураҳимовни муносиб тақдирлади. Унга "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони берилди.

Нишонни топширар экан, Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев жумладан шундай деди: "Барчамиз Баҳодир ака қилаётган ишларни, ёшлар спортига қўшаётган ҳиссасини яхши биламиз. Яқинда Хоразмда, Андижонда бўлиб ўтган спорт мусобақаларида ҳам Баҳодир аканинг жуда катта меҳнатларига гувоҳ бўлдик. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда у кишини "Халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирлашга қарор қилдик."

— Ростини айтсам мен бу нарсани кутмагандим,–дейди Баҳодир ака,– лекин "Халқ таълими аълочиси" нишонининг берилиши менда шунчалик кучли ҳаяжон уйғотдики, ёшларни тарбиялашда, улар онгига ватан туйғусини сингдириш учун қилган меҳнатимдан жудаям руҳланиб кетдим. Умримнинг охиригача ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, улар қалбида миллий ғурур туйғусининг янаям мустаҳкам ўрин олишига қўлимдан келган ҳиссамни қўшаман. Ўйлайманки, галдаги ўтказилажак "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг очилиш ва ёпилиш маъросимларини ҳам юрагимда бор илҳомим билан барча-барчага ёқадиган тарзда тайёрлашга ҳаракат қиламан. Ёш авлод онгида миллий ғурур, ватан туйғуси каби тушунчаларни уйғотишда барча имкониятимни сарфлайман. Яна бир бор халқ таълими ходимларига меҳнатимни тақдирлаганлари учун миннатдорчилик билдираман.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли
"Marifat" мухбири
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МУАММОЛАР БЎЛМАСЛИГИ УЧУН ШАРОИТ ТЎЛА-ТЎКИС БЎЛИШИ ЛОЗИМ

"Abiturient — 2003"

Мамлакатимизнинг яна бир забардаст авлоди, яъни умумтаълим мактабларининг битирувчилари мустақил ҳаёт сари йўл олишди. Уларнинг аксарият қисми ўз билимларини янада ошириш учун олийгоҳлар ва ўрта махсус билим юртлари сари ошиқишлари турган гап. Бу ўқув юртларида эса аллақачон ҳужжатлар қабули бошланиб кетди.

Жумладан, Фарғона Давлат университетида ҳам. Водий бўйича мухбиримиз қабул комиссиясининг масъул котиби Ҳабибулло Жўраевни суҳбатга тортди.

— Бу йили масъуллик ҳар қачонгидан ҳам оширилган. Энг аввало, биз бу йилги битирувчилар сони вилоятимизда 31 мингдан зиёд эканлигини ва тажрибадан келиб чиқиб, уларнинг аксарият қисми университетимизга ҳужжат топширишини ҳисобга олиб, ҳужжатлар қабул қилиш пунктларини ўртача 14 минг абитуриент учун хизмат қилиш имконияти даражасида бўлишини таъминлашни режалаштирганмиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, қабул тўғрисидаги эълонлар, оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам бериб борилди. Шунингдек, университетнинг эълонлар ойнасида аризалар қабул қилишнинг барча қоидалари ва эслатмалари илиб қўйилган. Ҳужжат топшириш учун келаётган ҳар бир абитуриент қандай ҳужжатлар топшириши ҳақида тўлиқ маълумотга эга. Қолаверса, ҳар бир қабул пунктида малакали консультант маслаҳатчилар бор.

Қабул комиссияси ишида тезкорлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида компьютер марказига қўшимча равишда алоҳида компьютерлар ўрнатилди. Бу эса Республика тест марказидан олинаётган ҳар бир маълумотни ўз вақтида абитуриентларга етказиш имкониятини беради. Шунингдек, зарур пайтда фойдаланиш учун "Дамас" русумли автомашина қабул комиссияси ихтиёрига берилган. Ишчи гуруҳ аъзолари вақтини тежаш мақсадида шу ернинг ўзида тушлик қилишади. Узоқдан қатновчи ходимларга ётоқхона берилган. Абитуриентлар учун ҳам ошхона, дам олиш жойлари хизмат қилади. Айниқса, тиббий пункт фаолиятининг йўлга қўйилишини кўпчилик маъқуллади.

Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, кўпчилик абитуриентлар тест варақаларини тўғри юргизишни билмаганлиги сабабли уларни бузиб ёки нотўғри бўяб қўйиш ҳоллари бўлиб туради. Уларнинг олдини олиш мақсадида ҳужжатларни қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги тилхатга асосий тартибдан тортиб, тест варақаларидан тўғри фойдаланишгача бўлган қоидалар илова тарзида абитуриентларга топширилмоқда.

Тест синовларини ўтказишда адолат, ҳалоллик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида институтнинг тажрибали ўқитувчи ва олимларидан таркиб топган аппеляция комиссияси иш олиб боради. Комиссия ҳар қандай муаммоларни ҳал этиш, турли саволларга ўз вақтида жавоб бериш имкониятларига эга.

Тест синовлари ўтказиладиган кун барча қулайликлар яратилган хоналар абитуриентлар хизматида бўлади. Барча йўналишлар бўйича ўтказилган синовлар телекамера орқали ташқарида жойлашган телеэкранларга узатилди.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ҳужжатларни ҳеч қандай муаммоларсиз қабул қилиб олиш, тест синовларини адолатли ўтказишда қабул ҳайъати аъзолари уюшқоқлик билан ишлашади. Энг иқтидорли, билимдон ёшлар талаба бўлиш шарафига муяссар бўлишади.

Суҳбатни Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ ёзиб олди.

Эълон қилинган қандайдир танловда иштирок этганларнинг барчаси ғолиб чиққиси келади. Аммо ғолибликка, танлов шартларига тўлиқ жавоб берадиган ишлар танланади. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими билан ҳамкорликда ўтган йили "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, ижтимоий-маданий ўзгаришлар ва миллий истиқлол ғояларини амалга оширувчи омилдир" мавзуига бағишланган таълим тизимининг энг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар танловини эълон қилган эди.

Ўтган куни ана шу танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди ва уни вазир С.Ғуломов очиб, бундай тадбирлар таълим сифатини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

— Танловга юқорида қайд этилган мавзу бўйича олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар илмий тадқиқот ва бошқа ташкилотлардаги олимлар томонидан тайёрланган 40 га яқин ишлар тушди, — деди вазир ўз сўзида. —Уларнинг ҳаммаси махсус экспертлар томонидан таҳлил этилиб, илмий-амалий даражалари аниқланди. 17та ишга 100—250 минг сўмлик мукофот пули ажратилди.

100-250 МИНГ СЎМЛИК МУКОФОТ

ўз соҳибларини рағбатлантиришига шубҳа йўқ

Амалга оширилган ишнинг қиммати, аввало, ҳаётда кўринади. Шу жиҳатдан қараганда, экспертлар юқори баҳолаган ишларга пул мукофотларининг берилиши ҳам ўзини оқлайди. Тадқиқот мавзулари эса бир-биридан долзарб.

Танловда ғолиб чиққан ишлар вазирлик ва олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими томонидан жорий йилнинг октябрь, ноябрь ойларида Тошкентда ўтадиган муҳандислик таълимини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман кун тартибидан жой олади. Шунингдек, улар мақола ҳолида "Кадрлар тайёрлаш сифати: муаммолар ва ечимлар" деган тўпламга ҳам киритилади.

МУХБИРИМИЗ

Biz boshqaruv apparatini isloh qilish jarayoni oson va silliq kechadi, degan xomxayollarga berilmasligimiz kerak.

2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида

(Давоми. Боши 1, 2, 3-бетларда)

Бу раҳбарлар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашиш, уларнинг ишини қандайдир қолипга солишга, ҳатто кадрлар масаласини ҳал қилишга уриниш одатларидан ҳали ҳам воз кечмаяпти. Баъзан шундай ақлга сиғмайдиган ишлар ҳам рўй бермоқдаки, беихтиёр ёқангни ушлайсан киши.

Масалан, корхоналар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этиладиган уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ёки бўшатади. Ваҳоланки, қонунга кўра, уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар назорати остида бўлмоғи лозим. Бу соҳадаги яна бир муаммо - турли бошқарув тузилмалари ва бўғинларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани билан боғлиқ.

Ҳаёт, тажриба шуни кўрсатадики, марказда, пойтахтда ташкил этилган ҳар қандай бошқарув органи, албатта, вилоят ва туманларда ўзига ҳисоб берувчи яна бир тузилмани яратади.

Бу тузилма эса, ўз навбатида, ўзининг бошлиқларига, ўринбосарларга ва уларга хизмат кўрсатувчи аппаратга ҳамда «техник персонал» деб аталадиган ходимларга эга бўлишга интилади.

Учинчи нуқсон - бу вазирлик ва идоралар ихтиёрида турли тақсимлаш вазифаларининг сақланиб қолиши билан боғлиқ бўлиб, ҳанузгача уларнинг аксарияти фонд ва лимитларга эгалик қилмоқда.

Одатда бундай вазиятларда - ҳатто ресурслар етарли бўлган ҳолатларда ҳам - сунъий тақчиллик вужудга келади. Бундан кўзланган мақсадни эса тушуниш қийин эмас. Амалдорлар ўзининг «куч-қудрати», аслида зўравонлигини намойиш этиб, шу ҳисобидан ўз манфаатини ўйлаши барчага аён бўлса керак.

Бунга бир неча мисол келтирмоқчиман.

1997 йилда Маҳаллий саноат вазирлиги тугатилган эди. Унинг таркибида, жумладан, техника ва моддий-хомашё ресурсларини бутун тизим бўйича марказлаштирилган тарзда тақсимловчи «Ўзмаҳаллий- таъминотсотиш» деган махсус бир тузилма ҳам бор эди.

Вазирлик тугатилгач, ушбу тузилма Тошкент «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо компанияси ихтиёрига ўтди. Бироқ лоқайдлик, тўғрироғи, юқори мансабда ўтирган амалдорларнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида ушбу тузилма маҳаллий саноатнинг ҳудудий бошқармалари ва корхоналари орасида пахта хомашёси ва унинг қайта ишланган маҳсулотларини харид қилиш бўйича квоталарни тақсимлаш вазифаларини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олган.

Охир-оқибатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва божхона органлари мазкур ташкилот томонидан пахта тозалаш корхоналари билан бирга пахта толасини сотиб олиш тартиби қўпол равишда бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни фош этди.

Маълум бўлишича, маҳаллий саноат корхоналарига паст навли пахта толаси ўрнига биринчи ва иккинчи навли тола берилиб, у эса паст навли момиқ сифатида расмийлаштирилиб, қонунга хилоф равишда мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилган.

Бугунги кунда Бош прокуратура бундай фактларнинг ҳар бирини батафсил ўрганиб чиқмоқда ва айбдорлар тегишли жазосини олади, албатта. Айни пайтда ушбу воситачилик тузилмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бироқ бу ўринда масаланинг илдизи чуқурроқ - тизимнинг ўзида, ресурсларни тақсимлаш механизмида яширинган бўлиб, у кўплаб ана шундай текинхўр тузилмаларнинг яшаши ва ривожланиши учун муҳит яратади.

Бунга «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси тизимидаги бемаза ишлар ҳам яққол мисол бўла олади. Ушбу тизимни қайта ташкил этиш бўйича қарор қабул қилингунга қадар нефть маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлаш масалалари билан республика миқёсида «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида «Вилоятнефтмаҳсулот» деб аталадиган унитар корхоналар, яна пастроғида учинчи бўғин бўлиб нефть базалари, тўртинчи бўғин бўлиб эса уларнинг филиаллари шуғулланиб келган. Агар хўжаликларнинг ўзидаги мавжуд нефть омборларини ҳам инобатга оладиган бўлсак, бу бешинчи бўғин ҳисобланади.

Кўриб турганингиздек, ҳар бир бўғинда ўзи ҳеч нарса ишлаб чиқармаса-да, лекин ўз мавқеига яраша тақсимлаш ваколатларига эга бўлган амалдорлар ўтирибди. Бу тақсимотнинг эса қандай амалга оширилиши ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Буни жойларда одамлар ўз кундалик тажрибасида яхши кўриб-билиб турибди.

Эндиликда «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси, хусусан, унинг марказий аппаратининг тузилмаси тубдан қайта кўриб чиқилди. Вилоят нефть маҳсулотлари идоралари тугатилди, мустақил юридик шахс сифатида фақат 25 та нефть базаси қолдирилди, қолганлари тугатилди ёки филиалга айлантирилди.

Биз бу ишни охиригача етказишимиз шарт, энг муҳими, ушбу тизимга канадай ёпишиб олган «чаққон»лардан қутулиш зарур. Бундай фактларнинг заминини бартараф этишнинг йўли битта. У ҳам бўлса, ресурсларни харид қилишнинг бозор механизмларини кенгроқ жорий этишдан иборат.

Иқтисодиёт вазирлиги барча манфаатдор тузилмалар билан бирга икки ой муддат ичида бу масалани батафсил таҳлил қилиб, турли фондлар, квоталар ҳамда лимитларни тубдан қисқартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши, тасдиқланадиган моддий баланслар рўйхатини қайта кўриб чиқиши, уларнинг кўпини асосий прогноз параметрларини асослашда зарур бўладиган ҳисоб-китоблар сифатида сақлаб қолиши керак.

Ҳисобот олиш, маълумот тўплаш ҳақида гапирганда, шуни айтиш жоизки, бу алоҳида масала. Бу, таъбир жоиз бўлса, кўпроқ бошқарув тизимимизнинг яна бир сурункали касаллигидир.

Бугунги кунда иқтисодиётда амал қилиб турган ҳисобот олишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи фавқулодда долзарб бўлиб турибди. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги учун муҳимдир.

Кенг кўламли, лекин баъзида ортиқча ва кераксиз бўлган, амалда деярли ҳеч ким фойдаланмайдиган маълумотларни тўплаш кўплаб бошқарув тузилмаларининг асосий фаолиятига айланиб қолган.

Биз бир масалани ўз олдимизга такрор ва такрор қатъият билан қўйишимиз керак - фақат ишлаб чиқариш ва реализация масаласини тезкорлик билан бошқариш учун зарур бўлган ҳисоботни, шу жумладан, баланс ва бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш, жорий ҳамда истиқбол прогнозларини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган ҳисоботнигина сақлаб қолиш лозим.

Бунда ҳисоботлар рўйхатини қисқартирибгина қолмасдан, балки уларнинг мазмун-моҳиятига чуқур кириб бориш, ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган кўрсаткичларни чиқариб ташлаш, шуни инобатга олган ҳолда, ортиқча маълумот тўплашни бекор қилиш ва тегишли бошқарув бўғинларини қисқартириш бўйича таклифлар тайёрлаш керак.

Бунинг учун, энг аввало, Давлат статистика қўмитаси, унинг жойлардаги органлари ҳамда қуйи ташкилотлардан мунтазам ҳисобот олиб турмаса ишсиз қолишдан қўрқадиган бошқарув тузилмалари - вазирликлар ва идоралар масъулиятни ўз зиммасига олиши даркор.

Биз бу масалага бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим шарти деб қарашимиз лозим.

Яқиндагина қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича олинадиган ҳисоботларни 60 фоиздан зиёд қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундай имконият ва резервлар бошқа соҳаларда ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, маъмурий бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим аҳамияти ва жиҳати бошқарув аппаратини сақлаб туришга сарфланадиган бюджет ва хўжалик харажатларини кескин қисқартириш зарурати билан боғлиқдир.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, бинобарин, корхоналар ва аҳоли зиммасидаги солиқ юкини камайтириш имкониятлари ҳам мана шу ерда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ушбу муаммонинг яна бир томони бор. Давлат бюрократик аппарати қанчалик катта бўлса, давлат номидан иш олиб борадиган айни ана шу аппаратни назорат қилиш зарурати ҳам шунчалик кучаяди.

Натижада ҳамма жойда - ҳокимликлар ва вазирликлар ҳузурида бўладими, ҳукумат ҳузурида бўладими, бошқарув аппаратининг қонунларни ва қабул қилинган қарорларни ижро этиш бўйича фаолиятини назорат қилиши лозим бўлган турли назорат хизматлари юзага келади. Ўз-ўзидан равшанки, давлат аппаратини ва умуман бошқарув ходимларини қисқартириш масаласи жамият ҳаётидаги энг жиддий хавф бўлмиш коррупцияга қарши курашда муҳим бир омил бўлади. Нега деганда, бу хавфли иллат бамисоли занг каби бошқарув тизимини емира бориши ва охир-оқибатда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига катта зарар етказиши мумкин.

Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, бизнинг назаримизда, қандай йўналишда амалга оширилмоғи керак? Ва биз бу ислоҳотдан қандай амалий натижаларни кутаяпмиз?

Биринчидан, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини кескин чеклаш, давлатнинг бошқарув тузилмалари ва уларнинг вазифаларини қисқартириш, давлат бошқарув органларини сақлаб туришга сарфланаётган харажатларни камайтириш.

Давлат вазифалари ва ваколатлари тобора кўпроқ жамоат, нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши керак. Лекин бу вазифалар шунчаки номига, хўжакўрсинга ўтказилмай, уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмлари яратилмоғи ҳамда аниқ манбалари белгилаб қўйилмоғи даркор.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг давлат органлари тасарруфида сақлаб қолинадиган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, уларни бажаришнинг аниқ тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш зарур. Бу тартиб-қоидалар давлат органлари ҳамда давлат хизматчиларининг мажбуриятларини қатъий белгилаб бериши, уларнинг фаолиятини амалий баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини яратиши лозим.

Иккинчидан, бошқарувни ўта марказлаштириш тамойилидан воз кечиш, айрим вазифаларни бошқарувнинг ҳудудий бўғинларига кенг кўламда ўтказиш, юқоридан пастгача бўлган ортиқча маъмурий тузилмаларни тугатиш зарур.

Барча даражадаги ҳокимият органларининг ислоҳотларни амалга ошириш, жойлардаги ишларнинг аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, бандлик муаммоларини ечиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини кўтариш борасидаги масъулиятини кучайтириш лозим.

Табиийки, бунда бозор иқтисодиёти тамойилларига сўзсиз риоя этилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда маъмурийлаштиришдан воз кечиш ўрнига уни шунчаки бошқарув тизимининг қуйи бўғинларига ўтказиб қўйишдек номақбул ҳолат юзага келиши мумкин.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, айрим идоравий, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тузилмаларини қайта тузиш, бирлаштириш, қисқартириш ва тугатиш асосида иқтисодиётнинг бошқарув тузилмалари самарадорлигини таъминлаш.

Бугунги кунда нафақат айрим бўғинларни, балки алоҳида идораларни ҳам сақлаб қолиш қай даражада мақсадга мувофиқ, деган масалани қайта кўриб чиқиш пайти келди. Чунки уларга қилинаётган сарф-харажатлар амалда ўзини деярли оқламаяпти.

Тўртинчидан, бошқарув тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш. Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларнинг ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмини жорий этиш.

Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг мавжуд бошқарув усул ва услубларини маъмурий-буйруқбозликдан халос қилиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини чеклашига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бешинчидан, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисоботларни ва қоғозбозликни қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш.

Лўнда қилиб айтганда, бошқарув тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган бизнинг асосий мақсадимиз бу:

— биринчидан, давлат, жамоат ва хўжалик субъектларини бошқаришнинг бутун тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришни таъминлаш;

— иккинчидан эса, уларни мамлакатимиз ҳаётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳозирги замон талабларига мос ҳолатга келтиришдан иборатдир.

Бошқарув тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов) кўрсатиб ўтилган барча йўналишлар юзасидан бир ой муддат ичида аниқ дастур ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Дарҳақиқат, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш зарурати аллақачон пишиб етилган ва бу ишни кечиктирмай амалга ошириш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи, замоннинг ўзи биздан шуни талаб этмоқда. Бу масалани ҳал этмасдан туриб чуқур иқтисодий ўзгаришларни ҳаётга тадбиқ этиш мумкин эмас, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айни пайтда биз бошқарув аппаратини ислоҳ қилиш жараёни осон ва силлиқ кечади, деган хомхаёлларга берилмаслигимиз керак.

Бу жараён кўплаб бошқарув ходимларининг манфаатларига, баъзан эса тақдирига бевосита дахл этишини унутмаслигимиз лозим.

Ва шу сабабли бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ана шу одамлар учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан имкон қадар безарар бўлишига ҳаракат қилишимиз керак.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида ислоҳотларни жамоатчилик назорати остида амалга ошириш, унинг моҳияти, мақсад-вазифаларининг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминлаш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундагина биз ушбу ислоҳотлардан кутилаётган натижа ва самараларга эриша оламиз.

Қадрли дўстлар!

Барчамизнинг энг олий мақсадимиз - эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини ривожланган демократик мамлакатлар даражасига кўтариш. Ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, бу борада халқимизнинг ишонч-умидларини оқламасликка мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ва биз бу олижаноб мақсад-муддаоларимизга, албатта, эришамиз, иншоолло.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож ва омад тилайман.

Sport musobaqalari borasida qilayotgan mehnatini qadrlagan holda Xalq ta'limi vazirligi Bahodir Abdurahimovni munosib taqdirladi. Unga "Xalq ta'limi a'lochisi" ko'krak nishoni berildi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

MINTAQAVIY SEMINAR

Toshkent viloyati hokimligida «Giyohvandlik - XXI asr vabosi» mavzuida mintaqaviy seminar-kengash bo'lib o'tdi. Oliy Majlisning Oila va ayollar muammolari komissiyasi tomonidan tashkil etilgan mazkur tadbirda Toshkent, Jizzax va Sirdaryo viloyatlarida giyohvandlikning oldini olish borasida amalga oshirilayotgan ishlar muhokama etildi.

QIMMATLI QOG'OZLAR RIVOJLANTIRISH UCHUN

Toshkentda Investittsiya institutlari milliy uyushmasi tomonidan «Xalqaro va milliy qimmatli qog'ozlar bozorlari» mavzuiga bag'ishlangan seminar o'tkazilmoqda. Unda yurtimizda faoliyat ko'rsatayotgan barcha banklarning vakillari ishtirok etishayapti. Shuningdek, tadbirda aksiyalar va obligatsiyalar bo'yicha xalqaro bozorlar, xususan, Rossiya, Qirg'iziston, O'zbekiston fond bozorlaridagi bugungi ahvol haqida mulohazalar o'rtoqlashilmoqda.

OITSga YO'L YO'Q

BMTning O'zbekistondagi vakolatxonasida O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi va BMTning OITS profilaktikasi bo'yicha tematik guruh o'rtasida loyiha imzolandi. Loyihaning umumiy qiymati 75,9 ming AQSH dollarini tashkil qiladi. Uning asosiy maqsadi esa O'zbekiston Mudofaa vazirligi va uning tuzulmalarida OITSning oldini olishga qaratilgan.

AFG'ON BOLALARIGA TUHFA

«Bunyodkor» yoshlar teleklubida mamlakatimiz yoshlarining Afg'oniston yoshlariga insonparvarlik yordamini jo'natish marosimi o'tkazildi. Unda Afg'onistonning mamlakatimizdagi Favqulodda va Muxtor elchisi Abdul Samad qatnashdi.

YANGI KENGASH

Toshkent Davlat texnika universiteti qoshida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida Oliy attestatsiya komissiyasi rayosati qarori bilan Markaziy Osiyoda birinchi bo'lib «Marksheyderiya» va «Geodeziya» yo'nalishlari bo'yicha nomzodlik ilmiy ishlarini himoya qilishning ixtisoslashtirilgan kengashi tashkil etildi.

САНЪАТКОР «ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ»

Мамлакатимизда бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" каби спорт мусобақаларини ўтказиш учун ҳар йили мамлакат миқёсида турли соҳа вакиллари катта иштиёқ билан тайёргарлик ишларини олиб боришади. Бу борада Республика миқёсидаги байрамларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий гуруҳининг ҳам ўз ўрни бор. Биз сўз юритмоқчи бўлган инсон Баҳодир Абдураҳимов шу гуруҳ раҳбари, бундан ташқари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори, санъатшунослик фанлари доктори.

Баҳодир Абдураҳимовнинг ёшлар спорт мусобақасидаги меҳнати нимада эканлигини ана энди англаб етгандирсиз?

Ҳа, Баҳодир Абдураҳимов юртимизда спорт мусобақалари йўлга қўйилгандан буён, шу мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларининг ташкиллаштирилишида, минглаб томошабинлар эътиборига манзур бўлишида ўз маҳоратини тўлатўкис намоён қилмоқда.

Спорт мусобақалари борасида қилаётган меҳнатини қадрлаган ҳолда Халқ таълими вазирлиги Баҳодир Абдураҳимовни муносиб тақдирлади. Унга "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони берилди.

Нишонни топширар экан, Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев жумладан шундай деди: "Барчамиз Баҳодир ака қилаётган ишларни, ёшлар спортига қўшаётган ҳиссасини яхши биламиз. Яқинда Хоразмда, Андижонда бўлиб ўтган спорт мусобақаларида ҳам Баҳодир аканинг жуда катта меҳнатларига гувоҳ бўлдик. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда у кишини "Халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирлашга қарор қилдик."

— Ростини айтсам мен бу нарсани кутмагандим,–дейди Баҳодир ака,– лекин "Халқ таълими аълочиси" нишонининг берилиши менда шунчалик кучли ҳаяжон уйғотдики, ёшларни тарбиялашда, улар онгига ватан туйғусини сингдириш учун қилган меҳнатимдан жудаям руҳланиб кетдим. Умримнинг охиригача ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, улар қалбида миллий ғурур туйғусининг янаям мустаҳкам ўрин олишига қўлимдан келган ҳиссамни қўшаман. Ўйлайманки, галдаги ўтказилажак "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг очилиш ва ёпилиш маъросимларини ҳам юрагимда бор илҳомим билан барча-барчага ёқадиган тарзда тайёрлашга ҳаракат қиламан. Ёш авлод онгида миллий ғурур, ватан туйғуси каби тушунчаларни уйғотишда барча имкониятимни сарфлайман. Яна бир бор халқ таълими ходимларига меҳнатимни тақдирлаганлари учун миннатдорчилик билдираман.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли
"Marifat" мухбири
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МУАММОЛАР БЎЛМАСЛИГИ УЧУН ШАРОИТ ТЎЛА-ТЎКИС БЎЛИШИ ЛОЗИМ

"Abiturient — 2003"

Мамлакатимизнинг яна бир забардаст авлоди, яъни умумтаълим мактабларининг битирувчилари мустақил ҳаёт сари йўл олишди. Уларнинг аксарият қисми ўз билимларини янада ошириш учун олийгоҳлар ва ўрта махсус билим юртлари сари ошиқишлари турган гап. Бу ўқув юртларида эса аллақачон ҳужжатлар қабули бошланиб кетди.

Жумладан, Фарғона Давлат университетида ҳам. Водий бўйича мухбиримиз қабул комиссиясининг масъул котиби Ҳабибулло Жўраевни суҳбатга тортди.

— Бу йили масъуллик ҳар қачонгидан ҳам оширилган. Энг аввало, биз бу йилги битирувчилар сони вилоятимизда 31 мингдан зиёд эканлигини ва тажрибадан келиб чиқиб, уларнинг аксарият қисми университетимизга ҳужжат топширишни ҳисобга олиб, ҳужжатлар қабул қилиш пунктларини ўртача 14 минг абитуриент учун хизмат қилиш имконияти даражасида бўлишини таъминлашни режалаштирганмиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, қабул тўғрисидаги эълонлар, оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам бериб борилди. Шунингдек, университетнинг эълонлар ойнасида аризалар қабул қилишнинг барча қоидалари ва эслатмалари илиб қўйилган. Ҳужжат топшириш учун келаётган ҳар бир абитуриент қандай ҳужжатлар топшириши ҳақида тўлиқ маълумотга эга. Қолаверса, ҳар бир қабул пунктида малакали консультант маслаҳатчилар бор.

Қабул комиссияси ишида тезкорлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида компьютер марказига қўшимча равишда алоҳида компьютерлар ўрнатилди. Бу эса Республика тест марказидан олинаётган ҳар бир маълумотни ўз вақтида абитуриентларга етказиш имкониятини беради. Шунингдек, зарур пайтда фойдаланиш учун "Дамас" русумли автомашина қабул комиссияси ихтиёрига берилган. Ишчи гуруҳ аъзолари вақтини тежаш мақсадида шу ернинг ўзида тушлик қилишади. Узоқдан қатновчи ходимларга ётоқхона берилган. Абитуриентлар учун ҳам ошхона, дам олиш жойлари хизмат қилади. Айниқса, тиббий пункт фаолиятининг йўлга қўйилишини кўпчилик маъқуллади.

Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, кўпчилик абитуриентлар тест варақаларини тўғри юргизишни билмаганлиги сабабли уларни бузиб ёки нотўғри бўяб қўйиш ҳоллари бўлиб туради. Уларнинг олдини олиш мақсадида ҳужжатларни қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги тилхатга асосий тартибдан тортиб, тест варақаларидан тўғри фойдаланишгача бўлган қоидалар илова тарзида абитуриентларга топширилмоқда.

Тест синовларини ўтказишда адолат, ҳалоллик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида институтнинг тажрибали ўқитувчи ва олимларидан таркиб топган аппеляция комиссияси иш олиб боради. Комиссия ҳар қандай муаммоларни ҳал этиш, турли саволларга ўз вақтида жавоб бериш имкониятларига эга.

Тест синовлари ўтказиладиган кун барча қулайликлар яратилган хоналар абитуриентлар хизматида бўлади. Барча йўналишлар бўйича ўтказилган синовлар телекамера орқали ташқарида жойлашган телеэкранларга узатилди.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ҳужжатларни ҳеч қандай муаммоларсиз қабул қилиб олиш, тест синовларини адолатли ўтказишда қабул ҳайъати аъзолари уюшқоқлик билан ишлашади. Энг иқтидорли, билимдон ёшлар талаба бўлиш шарафига муяссар бўлишади.

Суҳбатни Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ ёзиб олди.

Эълон қилинган қандайдир танловда иштирок этганларнинг барчаси ғолиб чиққиси келади. Аммо ғолибликка, танлов шартларига тўлиқ жавоб берадиган ишлар танланади. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими билан ҳамкорликда ўтган йили "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, ижтимоий-маданий ўзгаришлар ва миллий истиқлол ғояларини амалга оширувчи омилдир" мавзуига бағишланган таълим тизимининг энг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар танловини эълон қилган эди.

Ўтган куни ана шу танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди ва уни вазир С.Ғуломов очиб, бундай тадбирлар таълим сифатини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

— Танловга юқорида қайд этилган мавзу бўйича олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар илмий тадқиқот ва бошқа ташкилотлардаги олимлар томонидан тайёрланган 40 га яқин ишлар тушди, — деди вазир ўз сўзида. —Уларнинг ҳаммаси махсус экспертлар томонидан таҳлил этилиб, илмий-амалий даражалари аниқланди. 17та ишга 100—250 минг сўмлик мукофот пули ажратилди.

Амалга оширилган ишнинг қиммати, аввало, ҳаётда кўринади. Шу жиҳатдан қараганда, экспертлар юқори баҳолаган ишларга пул мукофотларининг берилиши ҳам ўзини оқлайди. Тадқиқот мавзулари эса бир-биридан долзарб.

Танловда ғолиб чиққан ишлар вазирлик ва олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими томонидан жорий йилнинг октябрь, ноябрь ойларида Тошкентда ўтадиган муҳандислик таълимини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман кун тартибидан жой олади. Шунингдек, улар мақола ҳолида "Кадрлар тайёрлаш сифати: муаммолар ва ечимлар" деган тўпламга ҳам киритилади.

МУХБИРИМИЗ

100-250 МИНГ СЎМЛИК МУКОФОТ

ўз соҳибларини рағбатлантиришига шубҳа йўқ

Jismoniy tarbiya, "Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash" va "Inson xavfsizligi asoslari"dan dars beruvchi o'qituvchilar o'z ishlarini rejalashtirish uchun avgust kengashining sho'ba yig'ilishlarini interfaol metodda o'tkazilishi tavsiya etiladi.

БОШ ПЕДАГОГИК КЕНГАШЛАРИМИЗ ЮКСАК САМАРАДОРЛИК АСОСИДА ЎТСИН

Анъанавий август кенгашлари ишини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вазирлик тавсиялари

(Охири. Боши ўтган сонларда)

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, ЧАҚИРИҚҚАЧА ЁШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

Болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2003 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йиғилиш баёни" жисмоний тарбия ўқитувчилари учун дастурил амал сифатида қабул қилиниши ва ижро учун ўз ишларини режалаштиришлари зарур.

Анъанавий август кенгашида таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг давом этаётганлиги, ДТС, тажриба-синовдан ўтган ва ҳозирги кунда узлуксиз таълимни жорий этиш учун узвийлашган фан дастурининг тажриба-синовдан ўтказилганлиги ҳақида маълумот бериш лозим.

"Методик хизмат кўрсатиш йили"да маъруза қилувчиларнинг диққати янги педагогик технологияларга қаратилиши ва унда интерфаол методлардан фойдаланишлари тавсия этилади. Бошланғич таълим тизимида рейтингга ўтилганлиги жорий йилда 5-синфларнинг рейтинг тизимига ўтиши муносабати билан рейтинг фаолияти ҳақида қандай ютуқ ва камчиликлари юзага келгани тўғрисидаги фикрларни (ўқитувчиларнинг иш фаолиятидан келиб чиққан ҳолда) тинглаш фойдалидир.

Жисмоний тарбиянинг дастур талаб меъёрларини, "Умид ниҳоллари" ҳамда "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестларини топшириш жараёнида яхши натижалар кўрсатиш учун ўқувчилардан дарсдан ташқари вақтларда мустақил шуғулланишлари талаб қилинади. Дарсдан, мактабдан ташқари вақтда шуғулланишни онгли равишда амалга ошириш, жисмоний тарбия бўйича билим доирасини кенгайтиришлари мақсадида 1-синф учун "Жисмоний тарбия алифбоси", 2-4-синфлар учун "Саломатлик йўли", ва 5-9-синфлар учун "Жисмоний тарбия"дан дарсликлар яратилаяпти.

Янги ўқув йилида 10-синфлар учун қайта тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фанидан 10-синф ўқувчилари учун дастур"ни амалга ошириш 11-синф ўқувчилари учун амалдаги 1998 йил нашр этилган дастур бўйича ишлаш ҳақида тўхталиш керак.

Жисмоний тарбия, "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" ва "Инсон хавфсизлиги асослари"дан дарс берувчи ўқитувчилар ўз ишларини режалаштириш учун август кенгашининг шўъба йиғилишларини интерфаол методда ўтказилиши тавсия этилади. Бу методда энг долзарб ва муаммоли мавзу танлаб олинади. Мавзуни мунозара, дебат, ақлий ҳужум ва ҳ.к. орқали ечиш мумкин.

Танлаб олинган мавзу аввал якка тартибда, жуфтликда ва кичик гуруҳларда фикрлар билдирилиб, ишлаш жараёнида мавзуларнинг муаммоларини ечиш йўллари изланади. Муаммоларни ҳал этиш учун ўз имкониятларини чамалаб кўриб, қайси йўллар билан ҳал этиш мумкинлигини ёки бартараф этиш учун қарама-қаршиликларни енгиш йўллари ҳақида тўхталадилар. Бу йўналишда олиб борилган кенгаш йиғилишлари ўқитувчиларга ўқув йили давомидаги бажарилиши лозим бўлган ишларини режалаштиришда анча ёрдам беради, деб ўйлаймиз. **Шўъба йиғилишлари қуйидаги мавзулар бўйича ўтказилиши тавсия этилади:**

— 2003-2004 ўқув йилида 10-синф ўқувчиларини қайта кўриб тўлдирилган, лотин алифбосида нашр этилган дастур асосида ўқитиш;

— миллий ғоя ва миллий мафкурани ўқувчилар онгига жисмоний тарбия дарслари жараёнида сингдириш;

— жисмоний тарбия дарсларида спортнинг миллий турларини ривожлантириш жараёнида миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишнинг аҳамияти;

— ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик ва саломатлик даражасини аниқлашда "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тест синовларини қабул қилиш (тажрибадан);

— ўқув йили давомида ўтказилиши лозим бўлган "Умид ниҳоллари", "Спорт байрамлари" ва ҳоказо спорт мусобақаларини режалаштириш ва юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш;

— "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилиши баёни" бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси ҳақида.

ЧАҚИРИҚҚАЧА ЁШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Чақириққача ёшларни тайёрлаш фани 10-11-синфларда амалдаги дастур асосида ўтилади. Лекин 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган қонунлар асосида таълим муассасаларидаги ҳарбий хизмат турларининг ўзгаришларини ўрганиб чиқиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ўз ишларини режалаштиришда қуйидаги мавзулар ҳам муҳокама этилиши тавсия этилади:

1. "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" — ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг асосий қисми бўлиб, умумий таълим муассасаларининг мажбурий фани (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги "Умумий ҳарбий мажбуриятлар ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги янги қонунидан).

2. Янги ислоҳот: Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги янги стратегияси.

3. Ўзбекистон Республикасида шартнома асосида янги шаклдаги хизматларни шакллантириш Ўзбекистон келажагини қуришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

4. Ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши муносабати билан умумтаълим муассасаларида ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик даражаларининг савиясини ошириш.

Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик воситалари орқали ўқувчи-ёшларда зарурий ҳарбий-амалий ҳаракат малакаларини шакллантириш.

5. Чақириққача ёшларни тайёрлаш амалий машғулотлари орқали ўқувчи-ёшларда психологик турғунликни тарбиялаш.

Чақириққача ёшларни тайёрлаш фанига таллуқли Х.Жўраевнинг "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" ўқув қўлланмаси нашр этилиши режалаштирилган. Ушбу қўлланмадан ўқув йили давомида фойдаланишни тавсия этамиз.

ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш минимум талаблари ҳамда "Инсон хавфсизлиги асослари" ўқув дастурини бажаришни таъминлаш қуйидагича амалга оширилади.

Ўқув йилининг иккинчи ярим йилидан бошлаб, 1-4-синфларда 6 соат жисмоний тарбия дарсининг назарий қисмида; 5-9-синфларда 8 соат биология ва кимё фанлари таркибида; 10-11-синфларда "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" (35 соат) таркибида ўқитилади.

Инсон хавфсизлиги асослари алоҳида фан сифатида ўқитилмаслиги сабабли ажратилган соатлар кам бўлишидан қатъи назар қуйидагиларни амалга ошириш лозим. Жумладан:

— Умумтаълим мактабларида якуний дарс сифатида фуқаро муҳофазаси кунини ўтказиш (тажрибадан);

— ўқувчиларда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

— умумтаълим мактабларининг "Инсон хавфсизлиги асослари" дарслари жараёнида янги педагогик технологияларнинг интерфаол усулларини қўллаш (тажрибадан);

— фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари;

— ўқувчилар ўртасида "Соғлом турмуш тарзи"ни тарғиб қилиш;

— ўқув хонасини ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозлаш (тажрибадан).

Ёшларни ҳақиқий ватанпарвар, фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда умумий ўрта таълим мактабларида ўтиладиган «Чақириққача ёшларни тайёрлаш» фанининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, мазкур дарсда ўқувчилар нафақат амалий, балки назарий билимга эга бўлишлари талаб этилади.

Суратда: Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги лицей-интернатнинг олий тоифали муаллими Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Аҳмаджон Холматов навбатдаги машғулотда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МАХСУС ТАЪЛИМ

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар махсус таълим муассасалари ходимлари туман (шаҳар)да бўлиб ўтадиган ялпи ва шўъба йиғилишларида қатнашиб, умумтаълим фанлари бўйича янгилик, қўйилган талабларни махсус мактабларнинг ўқув жараёнига қўллаш учун асос қилиб оладилар. Шўъба йиғилишларида кўзи ожиз, кар ва заиф эшитувчи, нутқи нуқсонли, таянч ҳаракат аъзолари шикастланган, руҳий ривожланиши сустлашган болалар таълимида ДТС талабларининг бажарилиши, фойдаланилаётган дарсликлар таҳлили, махсус таълим жараёнида интерфаол методларнинг қўлланилиши, илғор иш тажрибаларни қўллаш бўйича баҳс-мунозаралар юритилиши тавсия этилади.

Махсус мактабларда махсус таълим жараёнини ташкил этиш 2003-2004 ўқув йили учун ишлаб чиқилган ўқув режалар, тушунтириш хатлари талаблари асосида ташкил этилади.

2003-2004 ўқув йилида махсус мактабларнинг барча йўналишлари (ёрдамчи мактаблар бундан мустасно) бўйича мактаб, мактаб-интернатларнинг 1-9-синфлари давлат таълим стандартлари талаблари асосида яратилган дастур ва қўлланмалар, 10-11- синфлар, шунингдек, ёрдамчи мактабларнинг 1-9-синфлари амалдаги дастурлар асосида ўқитилади.

Янги ўқув йилида фойдаланиш учун чоп этилаётган янги дастурлар:

Ёрдамчи мактаблар учун:

1. О.Худоёрова. "Тасвирий санъат" (1-6-синф).
2. Б.Толипов. "Чилангарлик" (1-9-синф).
3. С.Исомиддинов. "Ватан туйғуси" (5-9-синф).
4. Л.Эргашева. "География" (6-8-синф).

Махсус мактабгача таълим муассасалари учун:

1. Г.Хлебожорова, "Эшитишда нуқсони бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим беришда кўргазмали дидактик қуроллардан фойдаланиш".
2. Р.Шомаҳмудова, Х.Калбаева, "Нутқида нуқсони бўлган болаларни ташхис қилиш" (тиббий, педагогик-психологик комиссиялар учун методик тавсиянома).
3. Л.Мўминова, М.Аюпова. Нутқнинг фонетик-фонематик ривожланишида камчилиги бўлган болалар таълими дастури.
4. Р.Шомаҳмудова. "Тўғри талаффузга ўргатиш ва нутқни ўстириш", методик қўлланма.
5. Муаллифлар гуруҳи. "Махсус мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган машғулотлар тахминий ишланмалари", методик қўлланма.

2003-2004 ўқув йили август кенгашларида махсус мактабгача таълим муассасалари учун алоҳида шўъбада иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Унда махсус мактабгача таълим муассасалари; дефектолог, логопед, психологлари, сурдопедагоглари ва тарбиячилар ўз олдиларидаги вазифаларни аниқ белгилаб олишларига имконият яратилади. Шу билан бирга, махсус мактабгача таълим муассасалари учун давлат таълим талабларининг лойиҳаси билан танишадилар.

Шўъба йиғилишларида қуйидаги мавзуларда баҳс-мунозара юритиш тавсия этилади:

— махсус таълим жараёнида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этиш йўллари;

— махсус таълим жараёнини ташкил этишда янги педагогик технологияларни қўллаш давр талабидир;

— педагогларнинг касб маҳоратини оширишда таълим муассасаси методик уюшмалари хизматининг ўрни;

— руҳий ва жисмоний ривожланиш нуқсонини бартараф этишда оила ва педагогларнинг ҳамкорлиги;

— кўриш қобилияти бузилган болаларни эркин ҳаракат қилишга ўргатиш масалалари;

— алоҳида ёрдамга муҳтож ногирон болаларни эркин фикр юритиш, мустақил ижодий ишлашга ўргатиш усуллари;

— махсус мактаб ўқувчиларининг мафкуравий онгини шакллантиришда экологик тарбиянинг аҳамияти;

— ногирон ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда нутқ ўстириш омилидан фойдаланиш.

ИЗОҲ: Республика таълим маркази таълим қозиқ, тожик ва қирғиз тилларида олиб бориладиган мактаблар учун ҳам анъанавий август кенгашлари бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқди. Хусусан, таълим қозоқ тилида олиб бориладиган таълим муассасалари ўқитувчилари анъанавий август кенгашлари методик тавсиялари тўғрисидаги маълумотни "Нурли жол" газетасининг 2003 йил 4 июнь (41-сони) сонидан олишлари мумкин. Қирғиз тили фани бўйича методик тавсиялар вилоятлар халқ таълими бошқармаларига 2003 йил 25 май куни 17-05-131-сонли хат орқали жўнатилган бўлса, тожик тили фани бўйича методик тавсиялар "Овози тожик" газетасининг 2003 йил 16 июль сонида чоп этилди.

Методик тавсиялар Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган.

Республика таълим маркази

Бугун кўпчилик абитуриент ёшлар хаёлида бир савол: Тест имтиҳонларидан қандай ўтарканман? Шу билан бирга тест ўтказиш тартибида, саволлар таркибида ўзгариш йўқмикан, балки бошқа янгиликлар бордир, каби саволлар ҳам йўқ эмас. Ана шу эҳтиёжни эътиборга олиб, мухбиримиз Ўзбекистон Давлат тест маркази директори Баҳром ИСМОИЛОВга мурожаат қилди.

Bugunning mavzusi

«ФАҚАТ ЧУҚУР БИЛИМЛИГИНА МАҚСАДИГА ЭРИШАДИ»

— Ҳурматли Баҳром Маҳмудович, янги раҳбар сифатида ишни ўргандингиз. Илк таассуротлар – қандай ютуқлар ва камчиликларга дуч келдингиз?

— Ўтган давр мобайнида Давлат тест маркази (ДТМ) зиммасидаги вазифаларни масъулият билан бажариб келган. Энг асосийси, тест синовлари ўтказилишини ҳамда унинг кенг жабҳаларда қўлланилишининг ҳаётий зарурият эканлигини исботлаган. Буни ДТМга жойлардаги турли соҳада фаолият кўрсатаётган фуқароларимиздан келаётган хат ва хабарлар мазмуни ҳам исбот этиб турибди. Шунингдек, тест синовларини ўтказишда кенг жамоатчиликнинг, қолаверса, ҳокимият вакилларининг иштирок этиши ҳам жараённинг ошкоравий, демократик тамойиллар асосида ташкил этилганлигидан далолат беради. Ва тест синовлари ўтказилишидаги заруриятнинг асосли эканлигини исбот этиб, қабул жараёнига хавотир билан қарашнинг олдини олади. Дарвоқе, тест синовларининг ютуқлари тўғрисида кўпроқ абитуриентлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик фикр-мулоҳаза билдирса, ўринли бўлади.

Тест саволларини шакллантириш борасидаги ишлар мазмуни сон ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши керак. Тест саволларини сифат жиҳатдан амалиётда синаб кўриш ишларини ҳам кенгайтириш зарур. Бундан ташқари "Ахборотнома", "Вестник" каби журналларни илмий-услубий, дидактик материал сифатида ҳам мазмунан, ҳам шаклан янгилаш зарурати бор.

Келгусида тест саволлари блокининг кенгайиши умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартлари билан мос бўлиши лозим. Шунингдек, халқаро тажриба ва тестологияга оид стандартлар талабидан келиб чиқиб, тест синовларини ўтказиш ва тузиш ишларини янада такомиллаштириш зарур. Халқаро жамғармалар ва шу соҳада фаолият кўрсатаётган ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Айнан тест синовларини ўтказишга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни, жойлардан танланадиган вакиллар, ҳокимликлар томонидан тавсия этиладиган аудитория раҳбари ва кузатувчиларининг масъулиятини оширишга оид ташкилий ишларни меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширишни янада такомиллаштириш шарт.

— Бу йилги қабул имтиҳонларида ўзгаришлар борми? Айни пайтда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Тест синовларини ўтказишга оид жиддий ўзгаришлар деярли йўқ. Янгидан ташкил этилган олий таълим муассасалари Тошкент аграр университетининг Нукус филиали ва Навоий давлат кончилик институти Олмалиқ филиалида алоҳида танлов ўтказилади. Шунингдек, Плеханов номли Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳар филиалига ҳам талабалар қабули тест синовлари асосида амалга оширилади. Яна айтиш лозимки, болалар спортини ривожлантиришга хос янги йўналишларга давлат грантлари сони кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги 227-сонли қарорига биноан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, махсус тавсияномага эга бўлган абитуриентларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 20 фоизи айрим таълим йўналишларига қўшиш имтиёзи қўлланилади.

2003 йил олий таълим муассасаларига талабалар қабули жараёнига оид меъёрий ҳужжатлар эълон қилинди. Абитуриентлар учун ташкилий ишлар: аудиториялар, тест материаллари, аудитория раҳбари ва кузатувчиларини тайёрлашга оид амалий ишлар олиб борилмоқда.

— Шу кунларда абитуриентларга турли хилда "ёрдам берувчилар" кўпайди. Улар орасида "репетиторлар" ўзини оқлаётгандек. Бундан ташқари, "тестларга жавоблар калити" деган қўлбола "китобча"лар, "шпаргалка"лар бор. Улар қандай пайдо бўлади, деб ўйлайсиз? Унга қарши қандай чоралар кўриш даркор?

— Рақобатбардош кадр бўлиб шаклланиш учун изланувчи, маълумот олувчи шахс бўлиш лозим. Шунинг учун ҳам талаба бўлиш ҳолатига орзу-ҳавас эмас, балки мукаммал характер хусусиятига эга шахслар рақобати сифатида қараш кераклиги ҳам келиб чиқади.

Бу ҳолат замирида эса ўқиб-ўрганиш, кенг мушоҳадали изланиш ётади. Чунончи, айнан шу каби илмий асосланган хусусиятларга мойиллиги бўлмаган абитуриент (тўғрироғи — ота-она ёки бошқа "ҳомий") "калит", "шпаргалка"лар тўғрисида ўйлайди ва турли "мишмиш"ларни тарқатади.

ДТМ доимо ўз зиммасидаги иш хусусиятидан келиб чиқиб, давлат таълим стандартларига мувофиқ тест саволлари жамғармасини янги мазмунда шакллантирган. Шунинг ўзи турли хил "шпаргалкачи"ларга ишонмаслик кераклигини билдиради. Чунки ДТМ тест саволлари жамғармасини умумий ўрта таълим дастурлари мазмунидан келиб чиқиб мазмунан тўлиқ янгилади. Бундан ташқари, бирорта ҳам объектив ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслик зарур, яъни танлов ва баҳоланиш зарурияти бор экан, ундан муваффақиятли ўтишнинг турли хил йўлларини ўйлаб топишга интилиш бўлган. Ҳимояланишнинг стандартлашган ҳамда синовдан ўтган ижобий йўллари борки, буни ҳам ДТМ тест синовлари давомида қўллайди. Энг асосий, ҳимоя ва ягона йўл абитуриентнинг ўз билимига ишонишидир. Шунинг учун абитуриентлар билими ва малакасини оширишга ёрдам берадиган йўллардан унумли ва тушуниб фойдаланишлари зарур.

— Айрим мутахассисларнинг фикрича, педагогика институтларига нутқида нуқсони бор абитуриентлар ҳам тест топшириб имтиҳондан ўтишлари мумкин экан. Тест тизимини янада такомиллаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Нутқида нуқсони бор абитуриентнинг тест синовларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар берилмоқда. Тест синовларига оид бу каби муаммолар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ягона ечимга олиб келиниши лозим.

Тест синовларининг жорий этилиши, энг аввало, иқтидорли, талантли ёшларни танлаб олиш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Тест тизимини янада такомиллаштириш борасидаги ташкилий ишлар бошлаб юборилган.

Тест синовларини қонун ҳужжатлари асосида узлуксиз таълим жараёнига татбиқ этиш борасида ҳам амалий ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, тест тузиш, тест ўтказиш ишлари тарқоқ ва ҳимояланмаган ҳолда олиб борилиши анъанага айланиб, турли тайёрлов марказлари, тест марказлари ташкил этилган. Бизнингча, тест ва уни қўллаш сиёсатини олиб бориш бу каби турли хилликларга барҳам беришни талаб этади.

Тест топшириқларини қайта ишлаш ва билимлар базасини шакллантириш борасидаги таклифлар ҳамда хорижий давлатлар стандартлари ўрганиб чиқилмоқда. Тестология соҳасида илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, тест тузувчиларга сертификатлар бериш ва тестология соҳасида илмий салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш ишлари келгусида амалга ошириш зарур бўлган долзарб муаммолардан биридир. Тест ўтказиш тартиблари ва қоидаларига ягона стандартлар ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш, тест тизимидаги стандартлаштириш ва тартиблаштиришга оид ишларни бугундан бошлашимиз керак. Албатта, замонавий ахборот технологиялари орқали ва Интернет ёрдамида, масофадан туриб тест хизматлари кўрсатишни амалга ошираяпмиз. Жорий йилнинг 12 июлидан бошлаб Интернетда www. test. uz деб номланган янги сайт очилди. Бу сайтда тестга оид маълумотлар, олий ўқув юртлари йўналишлари, қабул квоталари ва кундалик аризалар тушиши тўғрисидаги охирги ахборотлар эълон қилинмоқда.

Тест синови – бу баҳолаш усули. Мамлакатимизда жорий этилган тест синовлари адолатли усул сифатида чет элларда қўлланилаётган тест усулларидан мазмунан ва мақсадига кўра кўпам фарқ қилмайди. Биз ҳам тест синовлари муваффақиятли қўлланиб келаётган мамлакатлар тажрибасини кенгроқ ўргансак янада яхшироқ натижаларга эришишимиз тезлашган бўларди. Зеро, тест синовини абитуриент одилона қабул қилиб, ўзининг ҳақиқий интеллектуал имконияти баҳоланганлигини сезиб, тест синови унинг келгуси фаолиятида ёрдам берувчи восита эканлигига ишонч ҳосил қилиши шарт.

— Шу мавзуга оид яна бир савол. Қайси давлатдаги тест тизими нисбатан такомиллашган деб ўйлайсиз? Уларнинг афзалликлари нимада?

— Тест тизими АҚШ, Англия, Франция, Туркия каби мамлакатларда анча такомиллашган.

— 1 августда минглаб абитуриентларимиз тест имтиҳонларини топширадилар. Уларга маслаҳатларингиз, тилакларингиз.

— Абитуриентларнинг тест синовларини топширишлари учун белгиланган муддатга ҳам оз фурсат қолмоқда. Истагим, улар тест синовларининг одилона, холис, ўрнатилган тартибда ўтишини назорат қилиб, эзгу ниятларига эришсин. Ўсиб келаётган ёшларимиз доимо ўзининг билими, қобилияти ва тафаккурига ишонишини тилаб қоламан.

5 ball joriy yilda ta'lim muassasasi uchun yangi yoki qo'shimcha binolar qurilishi rejasi to'liq amalga oshirilganida qo'yiladi.

Ma'rifat

Metodika kabineti huzuridagi kutubxona faoliyati Xalq ta'limi vazirligining 2002 yil 8 iyuldagi 109-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan «Tuman (shahar) xalq ta'limi bo'limi qoshidagi metodika kabineti kutubxonasi to'g'risida Nizom» talablariga to'liq javob berishi lozim.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ЯНГИ 2003-2004 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲАМДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА ИШЛАШГА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРАРО РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Газетамизнинг ўтган сонида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларини янги 2003-2004 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича туманлараро республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида Низом матни эълон қилинган эди. Қуйида кўрик-танлов шартларини баҳолаш ва ҳужжатларнинг юритилиш тартиби билан танишишингиз мумкин.

Таълим муассасаларини янги 2003-2004 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича туманлараро республика кўрик-танловида таълим муассасалари ва туман, шаҳарлар фаолиятини баҳолаш мезонлари

Таълим муассасалари қуйидаги шартлар ва баллар асосида баҳоланади:

1. Таълим муассасалари бино ва иншоотларининг жорий ва капитал таъмирланиш сифати — 1 баллдан 10 баллгача;

Изоҳ: 10 балл муассаса биносини ташқи ва ички таъмирлаш ишлари барча меъёрларга тўлиқ жавоб берганида қўйилади. Бунда муассаса биносининг томи, ички иситиш ва электр тизими, барча эшик ва деразалари, полларининг бутлиги, санузел ва канализация тизими (ёки махсус ўралар)нинг созлиги, ахлат ташлаш жойларининг тартибга келтирилгани алоҳида эътиборга олиниши лозим.

2. Қурилиш режаларининг бажарилиши ва сифати — 1 баллдан 5 баллгача;

Изоҳ: 5 балл жорий йилда таълим муассасаси учун янги ёки қўшимча бинолар қурилиши режаси тўлиқ амалга оширилганида қўйилади.

3. Таълим муассасаси томорқаси ва ҳовлисининг ҳолати — атрофининг ўралганлиги, дарахтларнинг мавжудлиги, уларнинг парваришланганлиги, ҳудуднинг ободонлаштирилганлиги — 1 баллдан 10 баллгача:

Изоҳ: 10 балл мактаб ҳудуди тўлиқ девор ёки панжара билан ўралган, томорқаси ва ҳовлисида мевали ёки ёғочбоп дарахтлар экилган, уларга шакл берилиб, парваришланган ҳамда мактабга даромад келтираётган бўлса қўйилади.

4. Мактабда ўқув-тажриба (Биология ва география фанларидан) ҳамда автомайдончанинг мавжудлиги, уларнинг ҳолати — 1 баллдан 5 баллгача;

Изоҳ: 5 балл муассасада автомайдонча машғулотлар вақтида фойдаланиладиган зарур жиҳозлар билан таъминланган, география майдончасидаги жиҳозлар тўлиқ ишлаётган ҳолатда, биология фанидан ўқув тажриба майдончаси (Иссиқхона бўлиши ҳам мумкин) да тажриба-кузатув ишларини олиб бориш учун меъёрларда белгиланган ўсимлик турлари ўстирилаётган бўлса қўйилади. Бунда ўтган ўқув йилида бу майдончаларда олиб борилган амалий машғулотлар ва кузатувлар натижалари ҳам ўрганилиши лозим.

5. Фан кабинетлари, синф ҳамда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳоналари, меҳнат таълими устахоналарининг ҳолати — 1 балдан 10 баллгача;

Изоҳ: 10 балл синф хонаси, фан кабинети, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда меҳнат таълими устахоналари Халқ таълими вазирлиги томонидан 2001 йилда тасдиқланган «Умумтаълим фаннари бўйича ўқув-кўргазмали қурол ва воситаларнинг намунавий рўйхати» да ва бошқа ҳужжатларда белгиланган меъёрлар асосида ўқув-кўргазмали қуроллар ва воситалар билан таъминланган, сифатли жорий таъмирлаш ўтказилганда берилади. Шу билан бирга синф хоналаридаги парталар, стол-стуллар болалар ёшига мос ва маркировка қилинган, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш хоналарида касб-ҳунар турлари, туман, шаҳар, вилоят ҳамда Республикадаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, улардаги касб-ҳунар йўналишлари тўғрисида ахборотлар бўлмоғи, улар доимий янгиланиб туриши лозим. Таълим муассасасининг касб-ҳунар таълими муассасалари билан алоқалари, биргаликдаги фаолиятлари самарадорлиги ҳам ўрганилади;

6. Ўқитишнинг техник воситалари мавжудлиги ва улардан фойдаланиш ахволи — 1 баллдан 10 баллгача.

Изоҳ: 10 балл фан кабинетлари ўқитишнинг техник воситалари билан тўлиқ таъминланган, барчаси ишчи ҳолатида ва яхши сақланаётган, улардан самарали фойдаланилаётган бўлса берилади.

7. Муассасанинг спорт зали ва спорт майдонининг янги ўқув йилига тайёргарлиги — 1 баллдан 10 баллгача бахоланади:

Изоҳ: 10 балл берилиши учун мактаб спорт майдонида футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари, узоққа, баландликка сакраш майдончалари, югуриш йўлаклари мавжуд бўлган ва тегишли жиҳозлар билан таъминланган, спорт зали таъмирланган, полига волейбол ва баскетбол майдонлари шакли чизилган, дераза ойналари бутланган, тегишли жиҳозлар билан таъминланган, ечиниш ва кийиниш хоналари талабларга жавоб бера оладиган бўлиши лозим.

8. Таълим муассасасидаги ошхона ёки буфетнинг мавжудлиги, унинг ҳолати, ошхона жиҳозларининг санитария талабларига жавоб бериши — 1 баллдан 5 баллгача баҳоланади.

Изоҳ: 5 балл норматив бўйича жиҳозланган, ошхонадаги совитувчи ҳамда технологик жиҳозлар тўлиқ ишлаётган, ушбу жиҳоз ва мебеллар санитария талабларига жавоб берадиган, умумий овқатланиш ҳамда куни узайтирилган гуруҳлар ташкил этиладиган мактабга қўйилади.

9. Ўқувчилар соғлиғини сақлаш бўйича ишларнинг ташкил этилиши — 1 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Изоҳ: 10 балл алоҳида тиббий хона ташкил этилган, тиббий мутахассис, зарур жиҳозлар ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармонлар билан нормативлар асосида таъминланган, педагог ходимлари ва ўқувчилари тиббий кўриклардан белгиланган тартибда мунтазам ўтказиб туриладиган (бу муассасада мавжуд ҳужжатлар асосида таҳлил қилинади) таълим муассасасига берилади.

10. Таълим муассасаси, туман, шаҳарларда методика кабинетининг кутубхоналари ахволи — 1 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Изоҳ: 10 балл дарслик ва бадиий адабиётлар, қироатхона учун алоҳида хоналари мавжуд, муассасада таълим олаётган ҳар бир ўқувчи ҳамда ишлаётган жами ўқитувчилари аъзо бўлган, улар билан мунтазам иш олиб бораётган таълим муассасаси кутубхонасига берилади. Шу билан бирга ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши 95 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Методика кабинети ҳузуридаги кутубхона фаолияти Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 8 июлдаги 109-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими қошидаги методика кабинети кутубхонаси тўғрисида Низом» талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

11. Таълим муассасаларининг педагог кадрлар билан таъминланганлиги — 1 баллдан 5 баллгача баҳоланади.

Изоҳ: 5 балл педагог кадрларни ўз ихтисосликлари ва мутахассисликлари бўйича жой-жойига қўя олган, малака ошириш ёки қайта тайёрлашдан ўз муддатида ўтказган, улардан самарали фойдаланаётган таълим муассасасига берилади. Хусусан, 2003-2004 ўқув йилида 10-синфларда дарс берувчи ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фани бўйича тасдиқланган янги ўқув дастурлари ҳамда лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида дарс ўтиши учун қайта тайёргарликдан ўтган бўлиши шарт.

12. Умумий ўрта таълим мактаби жойлашган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болалар ҳисобининг олиб борилиши (Бу банд фақат умумий ўрта таълим мактабларига тегишли) — 1 баллдан 5 баллгача баҳоланади.

Изоҳ: 5 балл Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 25 апрелдаги 4/1-сонли ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган йўриқнома қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда иш олиб бораётган мактабларга берилади.

Таълим муассасаларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлигини ўрганиш.

1. Таълим муассасасида қиш мавсумини ўтказиш учун етарли миқдорда ўтин, кўмир ва печка ёқилғиларининг жамғарилиши ва белгиланган тартиб асосида сақланиш ҳолати — 1-баллдан 10 баллгача баҳоланади;

Изоҳ: 10 балл юқоридаги ёқилғи турларини куз-қиш мавсуми учун етарли миқдорда жамғарган, уларни сақлаш қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда сақлаётган муассасаларга берилади.

2. Капитал ёки жорий таъмирланган таълим объектларидаги иситиш қозонхоналари ва печкаларини мутасадди ташкилотлар ҳамда ёнғиннинг олдини олиш маҳаллий идоралари ёрдамида махсус текширувдан ўтказиш, уларнинг ёнғинга қарши воситалар билан таъминланиши 1 баллдан 5 баллгача баҳоланади;

Изоҳ: 5 балл иситиш қозонхоналари ва печларини таъмирдан чиқариб, тегишли ташкилотларнинг ушбу иситиш мосламаларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида рухсатномаларини олган, муассаса ҳовлисида ёнғинга қарши сув захиралари сақланадиган ҳовузларни тозалаб, уларда фавқулодда вазиятларда фойдаланиш учун етарли сув захираларини сақлаётган, ёнғинга қарши бурчакларда зарур анжомлар мавжуд бўлган муассасага берилади.

3. Таълим муассасаларида маркетинг. Қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва бошқалар орқали бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш ахволи — 1 баллдан 5 баллгача баҳоланади.

Изоҳ: 5 балл бюджетдан ташқари маблағлар топиб, улардан амалдаги қоидаларга мувофиқ тўғри фойдалана олаётган, ҳисоб рақамида камида 3 млн. сўм маблағга эга бўлган муассасаларга берилади.

4. Янги мактаб бинолари қурилишида, бинолари таъмирлаш ва зарурий жиҳозлар билан таъминлашда ҳомий ва оталиқ ташкилотлар, юридик шахслар иштирокини таъминлаш 1 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Изоҳ: 10 баллгача баҳо таълим муассасалари ҳамда туман, шаҳарларга ушбу ёрдам турларини жалб этиш — яъни ҳудуд аҳолисининг имкониятларини ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам ҳажмини ҳисобга олган ҳолда нисбатан белгиланади.

5. Ҳудуд таълим тизимига чет эл инвестицияларини жалб этиш ахволи ва самарадорлиги — 0 баллдан 10 баллгача белгиланади.

Изоҳ: 10 балл таълим муассасалари ҳамда туман, шаҳарларга халқаро ташкилотлар лойиҳаларида иштироки, олинган грантлар ва маблағлар (жиҳозлар ҳам бўлиши мумкин) миқдорига қараб нисбатан белгиланади.

Эслатма: Шартлар бўйича таълим муассасаларига қўйилиши мумкин бўлган балларнинг максимал даражаси изоҳланди. Изоҳларда белгиланган шартларга тўлиқ жавоб бермайдиган муассасаларнинг ҳолати эса максимал балл шартларига нисбатан кўрсаткичлар фоизлари ҳисобланиб баҳоланади.

Илова

Таълим муассасасининг янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлиги юзасидан қабул

ДАЛОЛАТНОМАСИ

«___» _____ _____ - тумани (шаҳри)

I. Таълим муассасаси тўғрисида умумий маълумотлар

1.Тўлиқ номи_____

2.Манзилгоҳи _____
телефони

3. Директорнинг фамилияси, исми, шарифи_____

4. Мактаб биносининг тури, қурилган йили_____

5. _____ ўқув йилида ўқувчилар контингенти_____ кишини ташкил этади, шу жумладан синфлар бўйича 1-4_____5-9 _____ 10-11_____киши.

6. Биринчи сменада _____ синфнинг _____ўқувчиси, иккинчи сменада_____ синфнинг _____ўқувчиси, учинчи сменада _____ синфнинг ўқувчиси таълим олишади.

7. Ихтисослаштириб ўқитиш бўйича маълумот.

Тартиб рақами	Йўналишлар	Фанлар	Синфлар	Ўқувчилар
1	2	3	4	5

1. Ихтисослаштириб ўқитиш.

8. Куни узайтирилган гуруҳлар бўйича маълумот

Тартиб рақами	Гуруҳлар сони	Синфлар	Ўқувчилар сони	Ётоқхоналар борлиги	Ўқув ва ўйин хоналарининг борлиги

II. Ҳокимиятнинг _____ йил _____ сонли қарори (фармойиши)га биноан қуйидаги таркибдаги комиссия текшириш ўтказди:

1. - туман (шаҳар) ҳокимиятининг вакили, комиссия раҳбари:
2. - туман (шаҳар) ХТБ нинг ходими:
3. - туман (шаҳар) халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг вакили:
4. - санитария -эпидемиология станциясининг ходими:
5. - умумий овқатланиш корхонасининг ходими:
6. - ёнғиннинг олдини олиш масалаларини назорат қилувчи ташкилот ходими:
7. - маҳалла қўмитасининг вакили ва ҳ.к.

III. Комиссия қуйидагиларни аниқлади:

Таълим муассасасининг моддий - техника базаси тўғрисида:

1. Таъмирлаш сифати:

Капитал_____

Жорий: _____

2. Қурилиш режаларининг бажарилиши ва сифати _____

қурилиш ва таъмирлаш ишлари қайси ташкилот томонидан бажарилган Эътирозлар ва таклифлар _____

3. Таълим муассасасида томорқанинг мавжудлиги ва ҳолати

Дарахтлар сони _____ шу жумладан мевали дарахтлар _____ толлар _____ гуллар_____

4. Ўқув -тажриба майдончасининг мавжудлиги ва ҳолати_____

5. Таълим муассасасида панжараларнинг мавжудлиги ва ҳолати

6. Фан хоналарининг ҳолати

Тартиб рақами	Фан хоналарининг номи	Сони		Ўқув асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш Нормативга мос		Ўқитувчилар томонидан тайёрланган тарқатма дидактик материалларнинг мавжудлиги	Фан хоналарини жиҳозлашнинг истиқбол режасининг мавжудлиги	Мебеллар ахволи
		талабга кўра	амалда	нормативга мос	қисман			

1. Она тили ва адабиёти
2. Ўзбекистон тарихи ва ҳ.к.

7. Устахоналарнинг ахволи

Тартиб рақами	Устахоналар	Майдони	Иш жойларининг сони		Асбоб-ускуналар ва инструментлар борлиги (норматив бўйича)	Ёритиш ҳолати	Техника хавфсизлиги ҳолати
			норматив	аслида			

1. Дурадгорлик
2. Чилангарлик
3. Тикувчилик ва ҳ.к.
4. Фан хоналари, устахоналар ва бошқа биноларнинг ёритилиш ахволи

5. Ўқув-техника воситаларининг мавжудлиги, уларнинг ахволи ва сақланиши_____

Тартиб рақами	Номи	Тури	Умумий сони	Шулардан ишлатилмайдиганлари	Сабаблари	Сақланиш қоидаларига риоя қилиш ахволи

1. Электрон ҳисоблаш машиналари
2. Видеомагнитафонлар
3. Лингафон асбоб-ускуналари
4. Графопроекторлар
5. Магнитафонлар
6. Телевизорлар ва ҳ.к.

10. Спорт майдончалари залининг мавжудлиги, унинг майдони, асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги, уларнинг ахволи

11. Ошхоналарнинг мавжудлиги ва ахволи

Жойлар		Совитувчи жиҳозлар		Технологик жиҳозлар		Ошхонанинг санитария ҳолати
Норматив бўйича	Аслида	Норматив бўйича	Аслида	Норматив бўйича	Аслида	

12. Ўқувчиларнинг овқатланишини ташкил этиш _____

Куни узайтирилган гуруҳларда овқатланишни ташкил этиш

Бошланғич синф ўқувчиларини овқатлантириш_____

13. Ўқувчилар соғликларини сақлаш чора-тадбирлари_____

Тиббий кўрикдан ўтганлар сони:
6 ёшлилар_____
бошланғич синфлар ўқувчилари _____
5-11-синф ўқувчилари _____

Тиббий ва стоматология кабинетларининг мавжудлиги, уларнинг жиҳозланиши ва ҳолати _____

Таълим муассасасида ўқувчилар соғлиғи устидан тиббий назоратни қайси ташкилот амалга оширади _____

Ўқувчиларнинг ичимлик суви билан таъминланганлик ахволи _____

14. Ўқув ва ўқув методик адабиётлар билан таъминланганлик ахволи

15. Ўқув режасига кирган ҳамма фанлар бўйича дарсликларнинг келиб тушиш ахволининг таҳлили

Тартиб рақами	Фанлар (синфлар)	Дарсликларнинг керакли сони	Ўтган ўқув йилидан қолганлар сони	Янги келиб тушганлари	Етишмайдиган дарсликлар сони	Уларни қоплаш имкониятлари

1. Она тили ва адабиёти
2. Математика ва ҳ.к.

Фанлар кесимида методик адабиётларнинг келиб тушиш ахволининг таҳлили

Ўқув ва бадиий адабиётлар кутубхона фондидагиларнинг ҳисоб-китоби, сақланиши ва таъмирланиши ахволи

16. Ўқув-тарбия муассасасининг педагогик кадрлар билан таъминланганлик ахволи

Тартиб рақами	Фанлар	Соатлар сони	Керакли ўқитувчилар сони	Мавжуд ўқитувчилар сони	Ўқитувчиларга бўлган буюртма	Янги келган ходимлар сони	Етиш майдиган ходимлар сони	Уларни қоплаш имкониятлари

17. Ўзбекистон Президенти Фармонлари ҳамда Республика ҳукумати қарорлари асосида педагогик ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ахволи

18. Мактаб ва бошқа тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ахволи

19. Болалар ва ўсмирларнинг микроучастка бўйича ҳисобининг мавжудлиги

1-синфга борадиган болаларнинг ҳисоби _____

Оилада таълимни амалга оширувчиларнинг ҳисоби _____

20. Ўқувчиларнинг мактаб формаси билан таъминланганлик ахволи

21. Ўқув-тарбия муассасасининг кузги-қишки мавсумга тайёргарлигининг ахволи _____

Иситиш системасининг ахволи _____

Ёқилғи, кўмирнинг мавжудлиги, уларни сақлашнинг ахволи _____

Канализациянинг ахволи _____

22. Ўқув-тарбия муассасасида техника ва ёнғин хавфсизлигининг ахволи

23. Бошқа масалалар _____

Комиссиянинг хулосалари:_____

Комиссия раиси _____(Ф.И.Ш.)
(имзо)

Комиссия аъзолари:

1.
2.
3.
4.
5.
6.

____вилояти _____туман(шаҳар)идаги таълим муассасаларининг янги ўқув йили ҳамда куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлигини баҳолаш экрани.

Т/р	Таълим муассасалари	Танлов шартлари ва баллар																	Жами баллар
		1 1-10	2 1-5	3 1-10	4 1-5	5 1-10	6 1-10	7 1-10	8 1-5	9 1-10	10 1-10	11 1-5	12 1-5	1 1-10	2 1-5	3 1-10	4 1-5	5 0-10	
Жами баллар йиғиндиси																			

Комиссия аъзолари:

1.
2.
3.
4.
5.

Эслатма: Мазкур экран «... баҳолаш мезонлари» шартлари асосида тўлдирилади.

2-устундаги жами баллар йиғиндиси туман, шаҳарларнинг кўрсаткичини белгилайди.

Баллар йиғиндиси эса тўпланган бирон шарт бўйича жами баллар йиғиндисининг таълим муассасалари сонига нисбатидан келиб чиқади.

Охирги устундаги жами баллар эса айрим олинган таълим муассасасининг баҳолар йиғиндисини белгилайди.

Darhaqiqat, odamlar orasidagi mehr-oqibat, qarindoshlik, qondoshlik, bag'rikenglik rishtalari mahallada — kichik Vatanda tug'iladi, rivojlanadi.

2003 yil — «Obod mahalla yili»

ВАТАН ҲАҚИДАГИ ВАТАН

Ватаннинг муқаддаслиги нимада? Унинг шаънига битилган таърифлар, ташбеҳлар бениҳоя. Аммо сўз ганжинасидаги энг сара сўзлар ҳам, энг топиб айтилган таъриф ҳам унга бўлган чин муҳаббат олдида беҳад содда, самимий муносабат олдида қуруқ, ҳиссиз каломдан ўзга нарса эмас.

... Ватан ҳақида гап кетганида, у ҳақда ёзганимда, ваъз ўқиганимда, негадир, кўз олдимда ҳ-у-в қорли тоғлар ортидаги кичкина қишлоқ келаверади. Тилим унинг қандай ошён эканлигидан сўз очган заҳоти, ҳаёлим ўша томонларга чопади. Туғилган юртим Фарғона, болалигим ўтган Янгиқўрғон қишлоғи кўз ўнгимда гавдаланаверади. Маълум ва номаълум бўлган бу қишлоқни кўпчилик билар, балки билмаслиги ҳам мумкин. Маълумлиги Расулқори Мамадалиевдай ҳофизи, Акрамжон ва Ўктамжон Юсуповлардай қизиқчи, сўз усталари, Низомиддин Маҳмудовдай заҳматкаш олимлари билан. Номаълумлиги эса ҳамма қишлоқлар сингари оддий қишлоқ. Одамлари бағрикенг, меҳмондўст, самимий, соддадил ва меҳнатсевар. Уларни тез-тез кўргим келади. Шундай дамларда димоғим далалар тупроғининг, тонгда соғилган сигир сутининг, бувим (онам) ёпган нонинг ҳидини туяди. Жонимни қўярга жой тополмайман, ҳеч нарсадан кўнглим тўлмайди, нимадир етишмаётгандай бўлаверади. Ўзимдаги бу ҳолатни нозик тасвирлай олмайман. Уни сўз билан ифода этиб бўлмайди. Бу ҳолатни туйиш, идрок этиш, ҳис қилиш кифоя. Уларни жамлаб — СОҒИНЧ деб аташ мумкин.

Ҳар гал мени Янгиқўрғонга дилимнинг қаърида ётган ана шу соғинч етаклайди. Фақат жигарларимни, туғишганларимни эмас, қишлоғимнинг ҳар бир одамини, уйини, дарахтини, ўт-ўлани, боғ-роғини, қўй-қўзисини бирдай соғинаман. Улар менга нақадар қадрли ва имоним комилки, мен ҳам уларга шундай қадрлиман. Қишлоғим ҳам мени соғинади. Маҳаллага кириб борар эканман, ҳамма — бола-бақрадан, хола-момогача пешвоз чиқишади менга. Бувим қатори қуни-қўшнилар ҳам хурсанд бўлишади. Икки-уч йўқлашади. Улар билан мириқиб суҳбатлашаман. Пойтахтнинг янгиликларини сўрашади, ўзлари қишлоқдаги ўзгаришлар, йиғим-терим, рўзғор-тирикчилик, миш-мишлар ҳақида сўзлайдилар. Баъзан, узоқ муддат кўришмаганимизгами ёки менга шаҳарнинг нуқси уриб қолганидан "сиз"лаб гапирадилар. Шунда "сизламанглар мени, бегона эмасман" дейман ўпкаланиб. Бувим кулиб болалигимдаги воқеани эслайди: "Бир куни Назира кўчадан хуноб бўлиб кириб келди, ҳа, десам "Анави қабристонни олдидаги хола бор-ку, ўша мени сенсираб гапирди. Нимага сен дейди, бешигимни тебратиб, катта қилиб қўйганми?" деди йиғламоқдан бери бўлиб. Ўшанда "Нима қилибди сенлаган бўлса, ахир, битта маҳаллада яшагандан кейин, бегона эмас-да. Маҳалла ҳам битта хўжалик (оила демоқчи). Унда бир-бирига бегона бўлмайди дегандим".

Ўшанда бувим гапларининг мағзини дарров чақмаган бўлсам-да, энди унинг нақадар тўғри эканлигига иқрор бўламан. Қўқонда бир одат бор, чиройли удум. Оиланинг энг кичик аъзосига ҳам сизлаб мурожаат қилишади. Гарчанд мен катта бўлган Бувайда тумани Қўқоннинг ён биқинида бўлса ҳам, айнан шу удум бизда йўқ. Аксинча, катталар кичикларни сенлаб чақиради. Маҳаллада-ку ўз-ўзидан шу ернинг боласига сизлаб мурожаат қилинмайди. Туғишгандай яқин олишади, ҳадди сиғиб иш ҳам буюришади, вақти келса танбеҳ ҳам бераверишади. Чунки улар бегонасирашмайди. "Бегона" деган сўзни эшитсам, маҳалламизга бир пайтлар, ҳали биз туғилмасимиздан аввал келин бўлиб тушган шаҳарлик Ҳалима ая кўз ўнгимда гавдаланади. Негаки у жуда ёмон кўрарди бу сўзни. Болалигимизда бизни ширинликлар билан кўп сийлайдиган Ҳалима аяни яхши кўрардик. Эртадан-кечгача унинг кўчасида, ариқ бўйида чуғур-чуғур қилиб қишлоқни бошимизга кўтариб ўйнардик. Ора-сирада ая чиқиб, ўзи пиширган нарсалар, ёпган иссиқ нонни улашарди. "Ҳа боласи тушмагурлар ҳали мен ўлсам, тепкилаб кўмасанлар", деб таъкидлагани -таъкидлаган эди. Бизнинг ҳам шумлигимиз тутарди: "Ҳалима ая шаҳарлиқча гапириб қўйинг", деб ҳоли-жонига қўймасдик. У ҳам ҳазилимизни тушуниб, "Балалар шатта турингглар, мен ҳозир" деб уйига кириб кетар, зум ўтмай бир этак шафтолими, олмами териб чиқарди. Хуллас, Ҳалима аянинг фарзанди йўқ эди. Чоли ўтгандан кейин шу аҳволида бир ўзи қолди. Шаҳардаги қариндошлари кўчириб олиб кетишмоқчи ҳам бўлишди. Аммо ая кўнмади. Қишлоқ қабристонига қўйилган чолини ташлаб кетгиси келмади. Лекин тез-тез кексаларга "мени бегона кўрманглар, айланайлар, шу қишлоқнинг одамиман. Агар ўлсам икки қулоч жойни бегона қилманглар, шу маҳалланинг болалари кўмишсин, уларни яхши кўраман. Сиз маҳалладошлардан бошқа суянчиғим йўқ", дерди у. Нияти вожиб бўлди ҳам. Умри поёнига етганда маҳалла-кўй иззат-икромини жойига қўйиб, сўнгги йўлга кузатди. Таомилдаги расм-русумлар ўтказилди. Ҳеч ким уни бегона деб билмади. Умуман, маҳалламиз одамларида бир-бирига нисбатан бегоналик бўлмасди.

... Оилада олтита қиз эдик. Бир-биримизга эш, кўмакчи бўлиб улғаярдик. Маҳалламизда Тўйди эна деган кампир бўларди. Қизларини турмушга узатган, чоли оламдан ўтгандан кейин бир ўзи қолди. Бир гал у уйимизга келиб "Қурбонбой, қизларингни биттасини менга берсанг, шерик бўларди, ошовқатимга қарашиб турарди, ёлғиз яшаш қийин экан", деди. Отам бизни қанчалик яхши кўрмасин Тўйди энанинг райини қайтармади. Мени унга қўшиб берди. Уч йил бирга яшадик, уй юмушларига ёрдамлашдим. Шу даврда энамдан эшитмаган чўпчак қолмади. Тўйди энам юмшоқ табиатли, меҳрибон эди. Биз она-боладай қадрдон бўлиб қолдик. Мактабни тамомлаб, Тошкентга ўқишга кетганимдан кейин ҳам уйга борсам, биринчи навбатда энамдан хабар олардим. Қариб, кўзи хиралашиб қолганига қарамай, у мени дарров танирди. Бувим билан бирга Тўйди энанинг дуои-фотиҳаларини олиб катта бўлдим.

Отамнинг маҳаллада ўз ўрни бор эди. Кексалар билан маслаҳатлашиб иш кўрардилар. Кимникида тўй, кимникида маърака, яна кимникида ҳашар бўлишини режалаштирардилар. Наврўзга, турли байрамларга, маҳалла кўчаларига дарахт экиш, ободонлаштириш, қабристонни тозалаш сингари ишларга ёшу қари жалб этиларди. Отам уларга бош-қош бўларди. Ҳатто оиладаги жанжаллар, турли муаммолар ҳам кексаларнинг иштироки билан ҳал этиларди. Шунданми, "Агар маҳаллада кексаларнинг ўрни, ҳурмати йўқ экан, баҳамжиҳатлик, иттифоқлик ҳам бўлмайди. Ҳамма ўзича, бош-бошдоқлик, айирмачилик, фисқу-фасод кўпаяди. Бундай ёмон иллатлар маҳалладошларни бир-бирига дўст-қадрдон эмас, ғанимга айлантиради. Ҳамма яшаётган маҳалласи, унинг одамлари билан ҳисоблашиши ҳамда уларга нисбатан андишали бўлиш керак", дерди отам.

Қилинган биргина айб ёки нотўғри хатти-ҳаракат учун киши биринчи навбатда маҳалла-кўйдан хижолат бўлади. "Маҳалладагилар нима дейди?", "Маҳаллада қандай бош кўтариб юраман?" деган ўй ҳамиша одамларнинг ёдида туради.

... Маҳалламизда бир оила бор эди. Эрхотин ўқитувчи бўлиб ишлашарди. Тез орада аёли бетоб бўлиб ётиб қолди. Касали жиддий шекилли, бир неча маротаба жарроҳлик столига ётди. Оиланинг, рўзғорнинг бутун оғирлиги, фарзандлар тарбияси Фозил домланинг гарданида эди. Ўғил-қизлари эсликкина болалар эдию, Фозил домла қизларига кун бермасди, тиндирмасди. Агар айтган гапи, буюрган юмуши кўнглидагидай бўлмаса, тушунтириш ўрнига уларни урарди. Бир сафар қизи қочиб бизнинг уйга келиб, отамга йиғлаб бўлган воқеани айтиб берди. Отам учтўрт оқсоқолни олиб домланинг уйига борди. "Фозилжон, ҳозир сизга оғир, биламиз, аммо қизларингизни бундай урманг, ҳали улар навниҳол, жуда ёш, майиб қилиб қўясиз. Қолаверса, қиз болани отаси урса бахтиқаро бўлади", деб насиҳат қилгандилар. Ўшанда домла: "Биламан, аммо мени ҳам тушунинглар, қиз боланинг тарбияси оғир экан, онаси бўлса, бошқа гап эди. Агар буларга шундай қаттиқ турмасам, «бузилиб» кетади», деганди. Бироқ домла қанчалик қаттиқ турмасин қизлари «бузилиб» кетди. Бири уйдан қочиб кетди, яна бирининг тўртта боласи бор киши билан "гапи" чиқиб қолди. Фозил домла маҳаллада бош кўтариб юролмай қолди. Тўю маъракаларга бормайдиган, одамларга қўшилмайдиган бўлди. Охири, иснодга чидай олмай кўчиб кетди.

Маҳаллада яшайдиган ҳар бир инсоннинг феъл-атвори, табиати, хатти-ҳаракати бу ердагиларнинг диққат-эътиборида бўлади. Касбидан, эгаллаб турган мавқеи, лавозимидан қатъи назар, эл-юрт, маҳалла-кўй олдида ҳамма бир хил. Ҳеч кимга сўз бермайдиган катта оғизлар ҳам маҳаллада кексаларнинг ҳурмати олдида бош эгиб туради. Агар биров икки-уч кун кўринмай қолса, "тинчликмикан" деб суриштиришга тушишади, бемор бўлса, хабар олишади. Кўпинча отам бомдод номозидан кейин уч-тўрт кексалар билан бир бўлиб, касал ётганларни бориб кўриб келишарди. Ҳозир-чи? Ҳозир ҳам шундай. Буни бувимдан биламан. Маҳаллада қайсидир келинчакнинг кўзи ёриса ҳам, биров касалхонадан даволаниб чиқса ҳам, сафарга бориб келса ҳам йўқлашади. Ёзда "ёз бўлди" деб, қишда "қиш келди", деб йўқлашади. Уйимизга келгувчилар кўп. Дастурхон йиғилмайди. Бувим бир ҳафта менинг уйимда туриб кетса, бориб бир ҳафта йўқловчиларни кузатади. Ўзимни айтинг, борганимда "Назира келибди" деб кўргани келувчилар кўп. Кимдир нонуштага бир пиёла қаймоқ илинса, кимдир иккитагина иссиқ нон олиб келади, яна кимдир қиши билан сақлаган бир бош узумини, кимдир иккитагина хурмосини раво кўради. Суҳбатга суҳбат, гурунгга гурунг уланади. Дил тафтини дил олади, соғинч дийдор билан қондирилади.

Кунлар ойлар билан юз кўришади. Ойлар эса йилларни туташтиради. Баъзан қишлоққа бориб, менга таниш бўлган кимнингдир қазо қилганини эшитаман. Ён қадрдон қўшни ҳолами, ё ота-онамнинг яқин дўстларидами ва ёки қариндошлардан кимдир оламдан ўтган бўлади. Эшитиб жуда изтиробга тушаман, кўзларимга ёш тўлади. Бувим ҳам шу маҳалланинг бир парчаси бўлганим учун уларнинг уйларига бориб икки калима дуо тиловат қилиш фарз эканлигини таъкидлаб йўл бошлайди. Мен бувимга эргашаман...

Маҳалла деб аталмиш ошённинг улуғлиги ҳам шундаки, у катта бир оила, кичик бир мамлакатдир. Шу мамлакатнинг китобларда ёзилмаган, таърифларда айтилмаган қоидалари, удумлари, қадриятлари бор. Бу амалларни бажаришга ҳеч ким мажбур қилмайди, билъакс, ҳар ким кўнгил амри билан унга ларни бажаришга ҳеч ким мажбур қилмайди, билъакс, ҳар ким кўнгил амри билан унга бўйсунади. Яна бир қадрдон амаким Абдумалик ака маҳалланинг кучи, мавқеи ҳақида сўзлайди. Собиқ шўролар даврида "Маҳалла масжидига бир бева аёл Қуръонни келтириб, уни сотиб олишларини илтимос қилади. "Нега муқаддас китобни сотмоқчисиз?" деб сўрашсалар, аёл Россиянинг узоқ ўлкаларидан бирида ҳарбий хизматдаги ўғли аскарлар орасидаги муштлашув туфайли ўлганлигини, унинг жасадини олиб келишга пули йўқлигини айтиб йиғлайди. Шунда маҳалла имоми онахонга Қуръонни уйингизга олиб бориб осиб қўйинг, у уйингизнинг тумори, биз сизга бусиз ҳам ёрдам берамиз", дейди. Шу куни маҳаллада юз ёшдан ошган табаррук отахон бандаликни бажо келтиради. Жанозага келган тумонат одамнинг охири кўринмасди. Жаноза пайтида маҳалла имоми ўтган одамнинг шаънига илиқ сўзлар айтиб, савоб, меҳр-оқибат ҳақида ваъз қилади ҳамда фарзандидан ажралган бечора онанинг ҳолатини тушунтиради. "Биродарлар, мана шу онаизор ўз жигаргўшасини олис Россиядан олиб келиб жойига қўйиши керак. Аммо у ёқларга бориш учун онанинг пули йўқ. Шу боис савоб учун ҳар ким қўлидан келганча, унга ёрдам берсин", дейди. Жуда фожеали манзара: ҳовлининг бурчагида қора кийинган аёл юзини қўллари билан ёпганча йиғлаб ўтирарди. Одамлар унинг олдидаги рўмолга атаганларини ташлаб ўтишарди. Маҳалла-кўй, ҳамқишлоқларининг кўмаги туфайли, йигит она тупроғига дафн этилди. Кўрдингми, қандай оқибатли, бағрикенг халқимиз бор", дейди амаким.

Дарҳақиқат, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, қариндошлик, қондошлик, бағрикенглик ришталари маҳаллада — кичик Ватанда туғилади, ривожланади. Шу боис, жорий йилнинг "Обод — маҳалла йили" деб номланишида ҳам ўзгача рамзий маъно бор. Миллий қадриятларимизни тиклаш ва уни янада бойитиш ана шу рамзийликнинг замиридаги хислатлардир.

... Ватан ҳақида гап кетганда, Ватан ҳақида ёзганимда, Ватан ҳақида суҳбатлашганимда, даставвал, қишлоғим, жонажон маҳаллам ҳақида ўйлайман. Эшигимиз олдида қийғос гуллаган икки туп олча дарахти кўз олдимда гавдаланади. Хаёлимга ўрнашган ана шу манзара, менинг назаримда, энг зўр рассомнинг табиат тасвиридан кўра устун. Ана шу манзара, ана шу уй, маҳалла, қишлоқ, Фарғона мени оҳанрабодай бағрига чорлайди. Унга талпинаман. Ҳар гал она юртим сўлим Фарғонага ошиқарканман, дилимни ҳам соғинч, ҳам ифтихор туйғуси эгаллайди. Шу заминни, шу бағрикенг, соддадил меҳнатсевар халқимнинг бир парчаси эканлигимдан фахрлансам, ундан олисда бўлсам-да, шу юрт, шу қишлоқ, шу маҳалла хаёли билан яшашим, муҳаббатини, ишончини оқлашга, унга муносиб фарзанд бўлишга интилишим, эзгулик, яхшилик уруғини сочишга ҳисса қўшишимдан кўнглим тоғ бўлади.

... Кўнгилдан кечган содда бу ўйларни таърифлашга энг сара сўзларни ахтариш керак эмас. Уни фақат ҳис қилиш керак. Шу боис, Ватан менинг кўнглимда, қалбимнинг тўридадир.

Назира ҚУРБОН қизи,
журналист

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА ИБРАТ МАНБАИ

Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асарида диний бағрикенгликнинг айрим масалалари

Ўзбек халқи маънавий меросининг улкан ғоявий аҳамиятга молик хусусиятларидан бири — бошқа халқларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, турли миллат вакиллари билан тинч-тотув яшашга интилиш, бошқа динга эътиқод қилувчиларга нисбатан диний бағрикенгликдир. Инсонпарварликнинг энг гўзал белгиларидан бўлмиш ушбу маънавий ахлоқий фазилат диёримизда етишиб чиққан йирик мутафаккирлар, алломаларнинг асарларида ўзининг назарий, ҳуқуқий ифодасини топган.

Бошқа дин вакилларига нисбатан ҳурмат, диний бағрикенгликнинг айрим намуналари исломий қадриятлар, хусусан, фиқҳ (мусулмон қонуншунослиги)да ҳам маълум даражада ўз ифодасини топган. Бунга диёримиздан етишиб чиққан буюк ҳуқуқшунос олим Бурҳониддин Марғиноний (1123-1197)нинг машҳур "Ҳидоя" асарини ўқиб ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Марғиноний "Ҳидоя"да, закот кимларга берилади ва кимларга берилмаслиги керак, деган масалада диний бағрикенглик нуқтаи назаридан катта ғоявий аҳамиятга молик ҳукмни чиқаради. Унингча, гарчи закот олишга фақат ислом динига эътиқод қилувчилар ҳақли, деб ҳисобланилса ҳам, лекин бошқа динга эътиқод қилувчилар ичида ҳам моддий ҳимояга муҳтож табақаларга хайр-садақанинг бошқа ҳамма турлари берилиши мумкин.

Марғинонийнинг фикрлари катта маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, маълум даражада ғоявий-сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки уларда, биринчидан, инсонпарварлик, инсоний мурувват, меҳр-шафқат нуқтаи-назаридан фикр юритилаётган бўлса, иккинчидан, бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг ислом давлатида нафақат моли ва жони ҳимояга олиниши ҳақида, шу билан бирга, уларнинг моддий ёрдамга эҳтиёж туғилганида ижтимоий ҳимояга ҳам олиниши ҳақида ҳукм чиқарилаяпти. Шунингдек, азалдан халқимизга хос диний бағрикенглик, маълум даражада, ҳуқуқий томондан ҳам эътироф этилмоқда. Бу жиҳатдан аллома қарашлари кўп миллатли ва турли динларга эътиқод қилувчи республикамизда миллатлараро ва динлараро тотувликни яна ҳам мустаҳкамлашда ва ҳатто ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда катта ғоявий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

"Ҳидоя"да закотни кимлар олишга ҳақли, деган масалада чиқарилган ҳукмлар билан бирга, закот кимларга берилмайди, деган масала ҳам айрим жиҳатлари билан ғоявий-сиёсий аҳамиятга эгадир. Жумладан, закот ҳақиқатан ҳам унга муҳтож бўлмаган одамларга берилмаслиги, чунки улар фақир-мискинларга ва закотга муҳтожларга нисбатан "бой" ҳисобланиши ва бошқа мантиқий далиллар келтирилади. Шу нуқтаи назардан, Марғинонийнинг: "Шуни қайд этиш лозимки, закот берувчи кимга закот бераётганини синчиклаб, мулоҳаза қилиб, текширган ва ушбу одамнинг закот олишга муносиб эканига тахмини кучлироқ бўлгани ҳолда берган бўлиши керак", деган фикри закот берувчи мусулмонларни ҳушёрликка чақирувчи бир даъватдек. Шунингдек, Марғинонийнинг топиб олинган бойликдан бериладиган закот ҳақидаги фикрларида ҳам шариат ҳукмини мумкин қадар диний бағрикенглик нуқтаи-назаридан таҳлил қилишга интилганига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Чунончи, Марғиноний: "Агарда бирон киши бойлик топиб олса, ундан хумс (бешдан бирини) бериши вожиб бўлади", деб таъкидлаган ҳолда, топиб олинган бойлик кимники бўлишидан қатъи назар эгасига қайтарилиши керак, чунки бундай қилмаслик хиёнат билан баробар, деб ҳисоблайди: "Мусулмонлардан бир киши омонлик (ҳимояга кафолат) олиб дорулҳарбга (ғайридинлар юртига) борса ва ғайридинлардан бирортасининг ҳовлисидан рикоз (бойлик) топиб олса, бу бойликни ўз эгасига қайтариб бериши лозим. Шундай қилса, хиёнатдан йироқ бўлади, зеро, ислом хиёнатдан қайтаради, унга хиёнат қилмаслик шарти билан омонлик берилган, чунки ушбу ҳовлидан топилган нарса хусусий мулкдир."

"Ҳидоя"да келтирилган Марғинонийнинг ушбу фикрларидаги катта ғоявий аҳамиятга эга бўлган бир ҳукмига эътиборни қаратмоқ лозим. Мусулмон қонуншунослиги бўйича, мусулмон давлатига савдо ёки бошқа бирон сабаб билан кирган дорулҳарб, яъни ғайридин давлати фуқароси омонлик (ҳимояга кафолат) олиши шарт. Марғинонийнинг таъкидлашича, дорулҳарб бирон сабаб билан кирган мусулмон давлати фуқароси ҳам худди шундай омонлик, яъни ҳимояга кафолат олиш ҳуқуқига эга бўлади. Демак, илк ўрта асрлардаёқ турли динга эътиқод қилувчи давлатлар ўртасида фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлган ва бунга қатъи риоя қилиш талаб этилган. Шундай экан, ҳар икки ҳолда ҳам бир хил қонун-қоидага амал қилмоқ зарур.

Ушбу ҳукмлар ўрта асрлардаёқ, бир томондан, мусулмон ва ғайридин мамлакатлари ўртасида тинчлик-омонлик ўрнатиш, иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантириш борасида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, мусулмон ва ғайридин халқлари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат ва диний бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлашда улкан ғоявий аҳамиятга эга бўлган. Бунинг исботини ўзбек халқи тарихида, хусусан, Амир Темурнинг давлатчилик фаолиятида кўришимиз мумкин. Чунончи, Амир Темур ўз давлатчилик фаолиятида турли динга ва миллатга мансуб бўлган давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашга катта эътибор берган ва бу борада улкан муваффақиятга ҳам эришган. Буни Президентимиз И.А.Каримов фахр билан таъкидлайди: "Амир Темурнинг тарихий хизмати шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди. Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди. Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муросага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир". Шу муносабат билан Марғинонийнинг ғайридинларга нисбатан диний бағрикенглик ҳис-туйғуси билан ёндашишнинг маънавий асослари ҳақидаги қуйидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовор, деб ҳисоблаймиз: "Улар мусулмонларнинг барча молларини олиб қўйган тақдирда ҳам, бизлар уларнинг барча молини олмаймиз. Чунки барча молни олиб қўйиш хиёнатдир ва бундай қилиш биз мусулмонларнинг шаънимизга лойиқ эмасдир. Агар улар бизлардан ҳеч нарса олмаётган бўлсалар, бизлар ҳам ҳеч нарса олмаймиз. Шунда улар ҳам бизнинг тижоратчилардан тўлов олмайдилар. Зеро, биз мусулмонлар макорими аҳлоқ (юқори аҳлоқ) соҳиби бўлишга лойиқ кишилармиз".

Демак, Марғиноний бошқа дин ва миллат вакилларига нисбатан бундай бағрикенг муносабатда бўлиш олий даражадаги аҳлоқийлик намунасининг намоён бўлиши, деб ҳисоблайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари, шу жумладан, унинг закот ва солиқ ҳақидаги ҳукмлари ўзининг реал ҳаёт шароитига мосланганлиги, инсонпарварлик ғояларига таянганлиги туфайли бир томондан неча асрлар давомида фақҳлар таълимоти учун ғоявий манба бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, айрим ҳукмдорлар томонидан давлатчилик ишларида энг мақбул ва нуфузли шариат қўлланмаси бўлиб хизмат қилди. "Ҳидоя"га асосий ғоявий манба сифатида таяниб, ундан улкан ғоявий озуқа олиб, мусулмон ҳуқуқшунослиги бўйича туркий тилда асар яратган, уни ўз давлатчилик фаолиятида қўллашга ҳаракат қилган улкан давлат арбоби, маърифатли подшоҳ, истеъдодли шоир ва йирик олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Бобур Бурҳониддин Марғинонийни фахр билан тилга олиб, унинг "Ҳидоя" асарини фиқҳ бўйича тенги йўқ асар, деб ҳисоблайди. Марғинонийни энг йирик "аиммаи ислом", яъни исломнинг энг нуфузли имомларидан бири, деб эътироф этади ва уни имом Бухорий, имом Мотуридий билан бир қаторда қўйиб, Мовароуннаҳр диёридан чиққанлигидан фахрланади. Фикримизнинг исботи учун "Бобурнома"дан қуйидаги сатрларни келтирамиз: "Ҳазрати рисолат замонидан бери ул миқдор аиммаи исломким, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлибтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским, шунча пайдо бўлмуш бўлғай. Шайх Абдумансурким аиммаи каломдиндур. Яна соҳиби "Саҳихи Бухорий" хожа Исмоил Хартанг ҳам Мовароуннаҳрдиндур. Яна соҳиби "Ҳидоя"ким, имом Абу Ҳанифа мазҳабида "Ҳидоя"дин мўътабарроқ китоби фиқҳда кам бўлғай, Фарғонанинг Марғинон отлиқ вилоятидиндур, ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур". Ажаб эмаски, Марғинонийга нисбатан бундай ҳурмат ва фахр Бобурни "Мубаййин" асарини ёзишга ундаган бўлса.

"Мубаййин"дан ғайридинлардан олинадиган турли солиқлар миқдори ҳақидаги Бобурнинг фикрларини келтирамиз.

Кофири зиммий бўлса
гар тожир[1],
Бистйак[2] молидан
олур ошир[3]
Кофири ҳарбий бўлса
гар тужжор[4]
Мен сенга дей-ки,
анда не сўз бор
Ҳар нима тожири
мусулмондин,
Куфр эли олса сен
ҳам ол ондин.

Демак, мусулмон давлатида жони, моли ва бошқа ҳуқуқлари ҳимояга олинган ғайридин савдогардан молининг йигирмадан бир қисми миқдорида солиқ олинади. Ғайридин давлатига мансуб савдогардан эса, уларнинг мамлакатида мусулмонлардан қанча миқдор солиқ олинаётган бўлса, шунча миқдорда олинади. Бу, биз юқоридаги баён қилиб ўтганимиз, Марғиноний ҳукмлари билан деярли бир хилдир. Шуниси муҳимки, Бобур айрим ғайридин давлатларда қандайдир сабаблар билан мусулмон савдогарлари моллари тўлиқ тортиб олинган ҳоллар аниқланганда ҳам мусулмон мамлакатларида бунга йўл қўйилмаслиги зарурлигини таъкидлайди.

Гар тамом олса
молини куффор,
Ул тарийқ олмасун
мусулмонлар.
Онга онча қўйингки,
чун кеткай,
Маъманиға[5] озуқ
олиб еткай.

Меҳр-шафқат, умуман, юксак инсонийлик нуқтаи-назаридан баён қилинган ушбу фикрлар нафақат ғайридин давлатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда, балки турли динга эътиқод қилувчи халқлар ўртасида ўзаро ишонч, бир-бирига нисбатан ҳурмат ва ҳамжиҳатликка интилиш туйғуларининг вужудга келишида ҳам катта аҳамият касб этиши табиийдир. Муҳими шундаки, Бобур Марғинонийдан катта ғоявий озуқа олган ҳолда, ушбу ғояларни баён қилар экан, уларни ўз мамлакатидаги давлатчилик фаолиятида амалий қўллашга ҳаракат қилган ва айтиш мумкинки, бу борада маълум муваффақиятларга ҳам эришган. Ўрта асрларга оид бошқа манбалар ҳам, уларнинг таҳлилига доир тадқиқотлар ҳам бундан ишончли далолат беради. Бу турли ирққа, миллат ва диний эътиқодга мансуб халқлар истиқомат қилган Ҳиндистондек улкан мамлакатда катта ғоявий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир. Бу нарса демократик жамият қуришга интилаётган Ўзбекистоннинг ҳозирги шароити учун ҳам муҳим сиёсий ва ғоявий аҳамиятга молик. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасида мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда".

Миржалол УСМОНОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

1 Тожир — савдогар.
2 Бистйак — йигирмадан бири.
3 Ошир — ушр олувчи.
4 Тужжор — тожирнинг кўплиги
5 Маъманн — уй, манзил, паноҳгоҳ.

Meros

"Jurnalistikaning 10 qoidasi" o'quv qo'llanmasida bu sohaning amaliyoti bilan cheklanmay, jurnalistika nazariyasi asoslari ham bayon etilgan. Shu qatorda bu kitob Shvetsiya ommaviy axborot vositalarining tashkil etilishi hamda ildizlari, XVIII asrga borib taqaladigan demokratik matbuot an'analari haqida tasavvur beradi.

«ХАЛҚ ТАЪЛИМИ»НИНГ ЯНГИ СОНИДА

"Халқ таълими" журналининг 4-сони нашрдан чиқди. Журнални очган ўқувчи дастлаб буюк маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг "Мактаб" номли шеърини ўқиши мумкин.

Журналдаги илк мақола (муаллифи Убайдулло Олтинов) "Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг ижтимоий педагогик масалалари" деб номланган. Мазкур мақолада ижтимоий педагогика фани ва ушбу фаннинг тарихи, унинг миллий истиқлол ғояси фанига алоқадорлиги ҳақида сўз боради.

"Маънавий меросимизда ижтимоий муҳит", Ўзликни англаш — истиқлолнинг маънавий асоси", "Комил инсон тарбиясида ватанпарварлик туйғуси", "Талабаларни ғоявий чиниқтириш: муаммолар ва ечимлари" каби мақолаларда бугунги кунда долзарб ҳисобланган миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш вазифалари айтиб ўтилган.

Инсоният тарихидан маълумки, савдо-сотиқ, жамиятдаги инсоний муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллайдиган касблардан биридир. Шарқ халқлари савдо-сотиқ билан жуда қадим замонлардан бошлаб шуғулланганлар. Савдогарлар ўз моллари ни ҳатто Ғарб мамлакатларига ҳам етказиб бериб, шу йўл билан фойда кўрганлар. «Миллий қадриятлар ва тижорат одоби» мақоласи шундай бошланади. Муаллифлар Г.Зарипова, К.Зариповлар тижорат одобини ўқувчиларга керакли манбалар ёрдамида чиройли тушунтириб бера олганлар. Р.Маматқуловнинг "Жамият — табиат алоқадорлиги: фалсафий илдизлар" мақоласи бугунги кунда кўпчилик назарида турган экология муаммосининг ечиш йўлларини кўрсатади.

Журнални қўлга олган ўқувчи шу каби қизиқарли, илмий мақолалар билан танишиши мумкин.

Шарифа РАЖАБОВА

ПОЛИМЕРЛАР АТАМА ЛУҒАТИ

Ўзбекистон Фанлар академияси институтларида олий ўқув юртлари талабалари, аспирант ва илмий ходимларга мўлжалланиб, фаннинг турли йўналишларига қаратилган дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Полимерлар кимёси ва физикаси институтида ҳам олиб борилаётган тадқиқотлар асосида қатор янги ўқув адабиётлари юзага келди. Шу ўринда полимерлар кимёси ва физикаси бўйича босмага тайёрланган атамалар луғатини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Институт раҳбари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Сайёра Рашидова муаллифлигида нашрдан чиққан бу янги луғат русча-ўзбекча-инглизча атамаларни ўз ичига олган.

Илмий муассаса олимлари "Полимерлар физикаси" деб номланган дарслик устида ҳам жиддий иш олиб бордилар.

Акбар АЛИЕВ

ЖУРНАЛИСТ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

Ҳозирги замон журналистининг фикр доирасини ўстирувчи, фақат ҳозирги кун эмас, келажакда ҳам қандай ишлаш ҳақида журналистнинг кундалик ишига амалий маслаҳатлар билан ёрдам берувчи қўлланмалар бизга зарур. Ана шу эҳтиёжни ҳисобга олиб Шарқ НМК бош таҳририяти Швециянинг энг машҳур ва тажрибали мухбирларидан бири Эрик Фихтелиуснинг "Журналистиканинг 10 қоидаси" китобини нашр этди. Бу китобни швед тилидан Вероника Менжун, рус тилидан эса Фарҳод Рўзиев, Абдуқаюм Пардаев таржима қилиб, журналистика тажрибаларини ўрганишда асқотадиган қўлланмани яратиб бердилар.



Китоб "Муаллиф муқаддимаси", "Швед тилидан таржимон муқаддимаси", "Ўзбек таржимонлари муқаддимаси" билан бошланади.

"Жон-дилдан ишланг!" номли 1-бўлимда янгилик, нуқтаи назар (ракурс), газеталарнинг биринчи саҳифаларига бериладиган ўта муҳим янгиликлар, уларни баҳолаш ва танлаш ҳақида сўз боради.

2-бўлим эса "Энг муҳимини айтинг" деб номланиб, унда журналистнинг вазифалари, жумладан, ОАВнинг 4 муҳим функциялари — хабар бериш, шарҳлаш, назорат ва боғловчилик вазифалари кўрсатиб берилган.

3-бўлим "Режали ишланг" ва 4-бўлим "Тайинли нарса ҳақида гапиринг!" деган қоидалар асосида тайёрланган.

"Тайёрланмоқ ва эшитмоқ!" номли 5-бўлимда интервьюларнинг турлари, унга ҳозирланиш, саволни тўғри қўйиш ҳақида сўз боради. Китобда интервью олувчи журналистнинг "бало-қазоли" савол турлари берилганки, бундан воз кечишимиз керакка ўхшайди, жумладан, бирваракайига икки савол, мураккаб, кўп маъноли, жавоби ўзида бўлган, муболағага йўл қўйилган саволлардан воз кечиш лозим.

"Тил маданиятига риоя қилинг!", "Янги версияларни топинг!", "Воқеалар тасвирида холислик", "Замон билан ҳамнафаслик" каби бўлимлардан "Анонс нима учун керак?" "Радиомонтаж", "Ички монологлар", "Журналистга янгича талаблар" билан танишасиз.

"Журналистиканинг 10 қоидаси" ўқув қўлланмасида бу соҳанинг амалиёти билан чекланмай, журналистика назарияси асослари ҳам баён этилган. Шу қаторда бу китоб Швеция оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши ҳамда илдизлари, XVIII асрга бориб тақаладиган демократик матбуот анъаналари ҳақида тасаввур беради.

Наргиза ВАЛИЕВА



МАГИСТРАНТЛАРНИНГ МУНОСИБ СОВҒАСИ



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Магистратура талабаларининг илмий ишлари тўплами (Журналистика, Хорижий филология, Ўзбек филологияси)" ни нашрдан чиқарди.

Мўъжазгина ушбу рисолага Я.Маматова, Б.Эрматова, М.Чоршанбиевлар муҳаррирлик қилишган.

Тўплам журналистика факультети 2-курс магистранти Ш.Мадраҳимованинг "Италия матбуоти: ривожланиш босқичлари ва тараққиёти" мақоласи билан бошланади. Магистрант демократик жамиятда ОАВларнинг роли ҳақида тўхталиб, ўзбек журналистикаси ривожига ёрдам берадиган омиллардан бири ривожланган чет мамлакатлар журналистикасини ўрганиш, дейди ҳамда Италия ОАВлари, хусусан, матбуотини ўрганиш жараёнида жуда асосли хулосаларга келганлигини таъкидлайди.

"Ахборот глобаллашуви шароитида ахборот агентликларининг аҳамияти" (муаллиф Б.Собиров) мақоласида эса ахборот агентликларининг ўрни, бу жараёнда Интернет тармоғининг роли ҳақида сўз юритади.

Ўзбекистонда On-line журналистикаси борми? On-line журналистикасининг ўзи нима? Унинг шаклланиш тамойиллари қандай бўлмоғи керак? Мана шунга ўхшаш саволларга магистрант Ф.Азимовнинг "Ўзбекистонда On-line журналистикасининг шаклланиш тамойиллари" мақоласида жавоб олишингиз мумкин. Худди шу мавзуни И.Явмитов ўзининг "On-line — ахборот глобаллашувининг ютуғи сифатида" мақоласида давом эттиради.

Шунингдек, тўпламдан "Таржимон" саҳифаларида Туркистон хабарлари" (муаллиф ЎФФ 2-курс магистранти А.Давлатова), "Туркистонда биринчи "усули жадид" мактаби", "Беғуборлик тасвири" каби мақолалар жой олган.

Мазкур тўплам Миллий Университетнинг 85 йиллигига магистрантларнинг ўзига хос совғаси бўлди, дейиш мумкин.

Қамар АСРОРОВ

ҲАММАСИ ТИББИЁТ ҲАҚИДА

"Абу Али ибн Сино" нашриёти ўз ўқувчиларига яна тўртта янги китобни туҳфа қилди.

Мазкур китобларнинг биринчиси Тиббиёт институти талабалари учун мўлжалланган ўқув адабиёти бўлиб, у "Нутрициология" деб номланган. Мўъжазгина ушбу китоб ўзбек тилида биринчи марта чоп этилаётган дарсликдир.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида илм-фаннинг ҳамма соҳаларига, жумладан, овқатланиш, яъни нутрициология соҳасига ҳам қизиқиш ортиб борди. Шунингдек, у давлат аҳамиятига молик муаммо бўлиб қолди. Озиқ-овқатнинг бутун дунёда танқислиги ҳамда унинг одам организмига бўлган таъсирининг доимийлиги егулик ишлаб чиқариш ва уни тақсимлашга катта эътибор қаратишни талаб этаётганлиги сир эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларида таъкидланишича, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш муаммолари ер юзида инсоният тақдирини ҳал этувчи кучга эга бўлиб, уни илмий ҳал қилишда фан ва техниканинг илғор ғояларини халқаро соҳаларда бирлаштиришга чорлайди.

"Нутрициология" китобида шу ва шу каби масалалар беш қисмга бўлиб ўрганилган. "Овқатланишнинг янги назариялари", "Овқат маҳсулотларининг озуқавий ва биологик қиймати", "Аҳоли овқатланишининг гигиеник асослари", "Овқатдан заҳарланиш", "Давлат санитария назоратининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари" деб номланган бўлимлардан ўқувчи овқатланиш маданияти, назарияси, умуман озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишгача бўлган жараёнларни билиб олади.

Китоб муаллифлари Ш.Баҳритдинов, А.Худойбергановлар яратган қўлланмага тиббиёт фанлари доктори Н.Бобохўжаев тақризчи бўлган.

Иккинчи китоб муаллифи К.Ярашевдир. "Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш" деб номланган дарслик Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Республика олий ўқув юртлари жисмоний тарбия факультетларининг талабалари ҳамда Олимпия ўринбосарлари коллежлари ўқувчилари, шунингдек, малака ошириш факультети тингловчилари учун мўлжалланган.

Китоб билан танишиб чиққанингиздан сўнг сиз энг оммавий спорт турлари, республикамизда спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирларнинг 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган сони, республикамизнинг барча ҳудудларида ривожланаётган спорт турлари, энг йирик халқаро мусобақаларда Ўзбекистон спортчилари қўлга киритган медаллар сони каби бир-биридан қизиқарли маълумотларга эга бўласиз.

Комил инсон руҳан тетик, ақлан етук, жисмонан бақувват бўлмоғи керак. Инсоннинг ақлий, аҳлоқий, жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, иш қобилиятини ошириш, жамоаларда қулай соғлом муҳитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги ушбу китобнинг дунёга келишига сабабчи бўлган омиллардан бири, десак янглишмаймиз.

Гулнорахон Мадраҳимованинг "Фармацевтик кимё" китоби Тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, қўлланма тиббиёт коллежларининг "фармация" йўналиши учун ўқув дастури асосида ёзилган. Кириш ва тўрт қисмдан иборат дарсликнинг ҳар бир бобида дори моддалари таърифи берилиб, уларнинг олиниши, миқдори, тозалигини аниқлаш усуллари кўрсатилган.



Фармацевтик кимё фани — доришунос мутахассисларни тайёрлашда етакчи фанлардан бири бўлиб, барча кимёвий қонунларга асосланиб, дори моддаларининг олиниш усуллари, кимёвий тузилиши, физик ва кимёвий хоссалари ҳамда дори моддаларининг организмга таъсирида уларнинг кимёвий тузилиши орасидаги муносабатлари, дориларнинг сифатини таҳлил қилиш усуллари ва сақлаш шарт-шароитларини ўрганади.

Ушбу ўқув адабиётида, шунингдек, фармацевтик кимё тарихи ҳам батафсил очиб берилган.

"Микробиологиядан амалий машғулотлар" ўқув адабиёти биз юқорида номини зикр этган нашриёт туҳфа қилган тўртинчи китобдир.

Э.Эшбоев, Я.Файзиев, Н.Назаров муаллифлигида чоп этилган қўлланма ҳам тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган.

Микробиология фани эгаллаган соҳа жуда кенг бўлиб, уни ўқувчига тўлиқ етказиш учун бир неча қисмга бўлиб ўрганилади.

Биринчи қисмда — микроорганизмлар морфологияси ва физиологияси, уларнинг табиатда тарқалиши ҳақида умумий маълумотлар берилган. Хусусий микробиология қисмида юқумли касалликларни қўзғатувчи микроорганизмларнинг барча хоссалари ўрганилади.

Дарсликда асосий эътибор микробиология амалиётида бажариладиган лаборатория машғулотларига қаратилган.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

G'arbiy Tyanshan o'lkasining biologik xilma-xilligini saqlashga xizmat qiluvchi davlatlararo loyihada 13 nafar chet el ekspertlari, Qirg'iziston, Qozog'iston va O'zbekistondan 20 nafar mutaxassislar ishtirok etdilar.

Kasb-hunar kollejlarida

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Жиззах вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 32 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицей мавжуд бўлиб, унда 70 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича 18508 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларда 1700 нафардан ортиқ педагог, педагог-муҳандислар таълим-тарбия жараёни билан шуғулланмоқда. Кейинги йилларда барпо этилган шинам, замонавий ўқув иншоотлари вилоят кўркига кўрк қўшиши билан бирга, ўқувчиларнинг унда тинимсиз изланишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, вилоятда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларига ҳам эътибор берилмоқда. 2000 йилнинг 31 январида республикамизга Япония Халқаро ҳамкорлик ташкилоти томонидан "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш учун кредит ажратилди. 2001 йилнинг 29 мартидан бошлаб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ва РНИКО Интерненэшнл Корпорейшн Япония Консалтинг фирмаси ўртасида тузилган шартнома асосида мазкур лойиҳа ўз фаолиятини бошлади. Жиззах вилоятидан Япония кредити лойиҳасига 6 та қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи киритилган. Улар Мирзачўл, Дўстлик, Бахмал, Зарбдор, Пахтакор ва Зомин туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларидир. Лойиҳани амалга оширишда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ўқув моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Таълим масканларида қишлоқ хўжалик соҳасидаги 7 та мутахассислик йўналиши бўйича жиҳозлар ва асбоб-ускуналар келтирилади. Ҳозирда вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртларида жиҳозларни қабул қилиш ва ўрнатиш учун ишлаб чиқариш устаханалари ва ўқув хоналари тайёр ҳолга келтирилди.

Лойиҳа дастурига кўра, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг чет элда малака оширишларини таъминлаш ҳам мўлжалланган. Ўтган йилнинг ноябрь ойида вилоятдан 6 нафар касб-ҳунар таълими ходимлари Японияда малака оширишда бўлиб қайтдилар. Бу йил ҳам мазкур дастур лойиҳасига кўра июль ва октябрь ойларида қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталаридан 12 нафарини кунчиқар мамлакатга малака оширишга юбориш режалаштирилган. Лойиҳани амалга оширишда васийлик кенгаши тузишга, мониторинг ва баҳолашга ҳамда амалий семинар-тренинглар ўтказишга эътибор берилмоқда. Бунда япон мутахассислари ҳам амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлидаги ҳамкорлик бўйича японияли бир гуруҳ мутахассислар яқинда Жиззах вилоятига ташриф буюрдилар. Япония молия вазирлиги Сиёсий тадқиқот институти Президентининг махсус маслаҳатчиси, Япония ривожланиш банкининг ижрочи директори, Васеда Университети проректори жаноб Ташихару Китамура бошчилигидаги делегация аъзолари иштирокида Жиззах шаҳридаги транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Вилоятдаги иқтисодиёт соҳаси йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари директорлари, банк ва молия мутахассисликлари бўйича ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда жаноб Ташихару Китамура Японияда банк ва молия соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва дунёнинг ривожланган давлатлари банк тизими бўйича бир қатор мулоҳазаларни тилга олиб ўтди. Анжуман иштирокчилари Япония давлатида таълим тизимининг тузилиши, ўқитувчиларга яратилган шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг таҳсил олиши, уларнинг ижтимоий ҳимояси, яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқ бир қатор маълумотларга эга бўлдилар.

— Улкан илмий салоҳиятга эга японияли ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик туфайли, янги имкониятлар туғилмоқда, — дейди Жиззах вилояти ўрта махсус, касб ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор Илҳом Тиркашев. — Эндиги вазифа ана шу шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга боғлиқ. Қолаверса, ишимизнинг самараси фидойи ўқитувчиларимизнинг масъулиятли вазифаларига нечоғли ёндашишларига ҳам боғлиқдир.

И. ИСКАНДАРОВ,
Ў. ҚАРШИЕВ

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК!

Tadbir

Бутун инсоният нафас олаётган ташқи оламнинг мусаффолигини сақлаш, уни келажак авлодларга муносиб, мукаммал тарзда етказиб бериш муҳим вазифа саналади. Кечагидай эсимда, 8-синфда ўқиётганимизда биология ўқитувчимиз табиатдаги барча жониворлар ва ўсимликлар олами бир-бирига занжир каби боғлиқлигини ҳамда улардан бири талофатга учраса, албатта, бошқасига ҳам зарар етишини яққол мисоллар билан тушунтириб берган эди. Бугунги кунда экологик инқирозлар рўй бераётган маълум бир ҳудуддаги йўқотишлар дунёнинг бошқа бурчагидаги тириклик дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу борада нодир дарахтлар, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини доимий сақлаш, ўрганиш ва уларни кўпайтиришга ихтисослашган қўриқхоналар муҳим аҳамиятга эга. Ғарбий Тяншань ҳудудида ҳам алоҳида ғамхўрликка муҳтож жойлар 4 та қўриқхонада ўз ифодасини топган. Улар Саричелак, Бешорол қўриқхоналари (Қирғизистон ҳудудида), Чотқол қўриқхонаси (Ўзбекистон ҳудудида), Аксу-Жабагли (Қозоғистон ҳудудида жойлашган) қўриқхоналардир. Уларнинг ҳар бири маълум йўналишда, яъни алоҳида бир жонивор ёки ўсимликни асрашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мазкур учта республика аҳолиси ҳам бозор иқтисодиёти ва ўтиш даврининг қийинчиликларини бошларидан ўтказмоқдалар. Табиийки, бундай ҳолатда жониворларни ноқонуний овлаш ва истеъмол қилиш авж олди. Мана шундай нохуш ҳолатларни бартараф этиш, ўсимлик ва жониворларни табиий ҳолда сақлаш ҳамда кўпайтириш, уларнинг барҳаётлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш мақсадида давлатлараро ТАСИС лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Ғарбий Тяншань ўлкасининг биологик хилма-хиллигини сақлашга хизмат қилувчи давлатлараро лойиҳада 13 нафар чет эл экспертлари, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистондан 20 нафар мутахассислар иштирок этдилар. Лойиҳа 2001 йил 15 февралдан 2003 йил 31 январгача давом этди. Куни кеча бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу давр мобайнида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар хусусида тўхталиб ўтилди. Хусусан, бу борада республикамизда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ирода ЙЎЛДОШЕВА

БЛЭР: ТАРИХ БИЗНИ КЕЧИРАДИ

Вашингтонга сафари чоғида АҚШ Конгресси олдида чиқиш қилган Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Ироқ масаласи ҳақида тўхталди. Унинг айтишича, Ироқдаги урушга бош сабабчи бўлган оммавий қирғин қуроллари топилмасада, лекин тарих иттифоқчиларни кечиради. Негаки, иттифоқчилар мамлакатдаги мустабид тузумни йўқ қилганлар ва халққа озодлик берганлар. Шунингдек, Америка президенти ва унинг халқига миннатдорчилик билдирар экан, Тони Блэр британияликлар озодлик йўлида американликлар билан бирга эканлигини урғулаган.



Ундан аввалроқ эса Оқ уй раҳбарияти Жорж Бушнинг 28 январдаги йиллик маърузасида тасдиқланмаган маълумот эълон қилинганлигини тан олган эди. Маълум бўлишича, ўшанда Марказий Разведка Бошқармаси президент маърузасига Ироқнинг Нигериядан уран моддаси сотиб олганлиги ҳақидаги ишонарсиз маълумотни киритган экан.

САДДАМНИНГ ОВОЗИ ЯНА ЯНГРАДИ

"Ал-Арабия" телеканали собиқ президент Саддам Ҳусайннинг беш дақиқалик навбатдаги аудиоовозини эфирга узатди. Ироқдаги собиқ БААС партиясининг ҳокимият тепасига келганига 35 йил тўлганлиги арафасида эфирга берилган аудиоёзувда Саддам Ҳусайн Америка ва Британия аскарларининг оммавий қирғин қуроллари қидиришлари фойдасиз эканлигини айтиб, ироқликларни иттифоқчиларга қарши туришга чақирган ҳамда американликларга хайрихоҳ бўлганларни айблаган. Ўз тузуми ағдарилганидан сўнг, учинчи бор эфирга узатилган Саддамнинг овози ҳали тўлиқ тасдиқланганги йўқ.

Бағдоддаги меҳмонхонада турган "Ал-Арабия" телеканали мухбирига номаълум киши телефон қилиб, ташқарида қолдириб кетилган аудиоёзув жойини айтган. Шундан сўнг журналист Сааду ал-Силави кассетани топган.

ХАМАС АЪЗОЛАРИ ОЗОД ЭТИЛАДИ

"Ha'aretz" газетасининг ёзишича, Исроилнинг "Шин Бет" махсус хизмати 400 нафар фаластинлик маҳбусларни озод этиш бўйича тузилган рўйхатни тасдиқлаган. Улар орасида 40-60 нафар ХАМАС ва Ислом жиҳоди ташкилотлари аъзолари ҳам бор. Лекин ҳозирда рўйхатдагиларни текшириш ишлари давом этмоқда. Агарда улар озод этилсалар, бу тинчликка эришиш борасида Исроил томонидан қўйилган муҳим қадам саналади.

"АЛ-ҚОИДА" ЕТАКЧИЛАРИДАН БИРИ УШЛАНДИ

Қувайт давлати ҳукумати ўзининг собиқ фуқароси, "Ал-Қоида" ташкилотининг етакчиларидан бири саналган Сулаймон Абуғоит Эрон ҳуқуқ-ни муҳофаза қилиш органлари назоратида сақланаётганлигини тасдиқлади, лекин, уни ўз ихтиёрига олишдан бош тортди, дея хабар беради BBC News. Қувайт ички ишлар вазири шайх Наваф ал-Сабоҳнинг айтишича, расмий Ал-Қувайт бир неча террор актларида айбланаётган ушбу инсон тақдирининг жавобгарлигини ўз зиммасига олишни хоҳламайди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Сулаймон Абуғоит Қувайт фуқаролигидан чиқарилган эди. Бир неча террор актларининг жавобгарликларини ўз зиммасига олган "Ал-Қоида"нинг ҳозирга қадар эфир юзини кўрган аудио-видео тасмаларида Абуғоит ҳам намойиш этилган эди. Лекин унинг қачон ҳибсга олинганлиги номаълум.



ГУАНТАНАМО: МАҲБУСЛАР УЙЛАРИГА ЖЎНАТИЛМОҚДАЛАР

АҚШнинг Кубадаги Гуантанамо ҳарбий базасида сақланаётган 11 нафар Покистон фуқароси озод этилиб, ватанларига қайтарилган. Жорий йилнинг аввалида эса 4 нафар покистонлик озод этилган эди. "Ал-Қоида" ташкилоти ва Толибон ҳаракатига аъзоликда гумон этилиб, Афғонистондаги аксилтеррор операциялари вақтида ҳибсга олинган 42 давлатнинг 680 нафар фуқароси ҳозирда Гуантанамо базасида сақланмоқда. Шулардан тахминан 50 нафари покистонликлар ҳисобланиб, Покистон хавфсизлик хизматларининг фикрича, улар "Ал-Қоида" аъзолари эмаслар. Кузатувчиларнинг билдиришларича, ўтган июнь ойида Вашингтонга сафар қилган Парвез Мушарраф Жорж Бушдан Покистон фуқароларини озод этишни сўраган бўлиши керак.

Гуантанамо базасида маҳбуслар учун етарлича шароит яратилган бўлса-да, айрим сабабларга кўра жорий йилнинг ўзида 29 марта ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кузатилган, дея хабарини якунлайди "Рейтер" агентлиги.

ҚИЗИЛ ХОЧ ТАШВИШЛАНМОҚДА

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятлари федерациясининг билдиришича, терроризмга қарши қўлланилган кенг миқёсли ҳаракатлар ривожланаётган давлатларни инсонпарварлик ёрдамларидан маҳрум этмоқда. Федерация маърузасида ёзилишича, инсонпарварлик ташкилотлари ва донор давлатлар Ироқ, Афғонистон каби мамлакатларга кўпроқ эътибор қаратиб, Сомали ва Ангола каби давлатларда юзага келган муаммоларни назардан четда қолдирмоқдалар. Жумладан, Қўшма Штатлар Ироқдаги тикланиш ишларига 1,7 млрд. доллар ажратган бўлса, БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастурига кўра Африка қитъасидаги қашшоқликнинг олдини олиш учун 1 млрд. доллар керак. Бундай ҳолатда нафақат донор давлатлар, балки ҳамжамият эътиборини ижтимоий муаммоларга қарата олмаётган инсонпарварлик ташкилотларининг ҳам айби бор, дейилади маърузада.



«Интернет» тармоғидан олинди

"Jurnalistikaning 10 qoidasi" o'quv qo'llanmasida bu sohaning amaliyoti bilan cheklanmay, jurnalistika nazariyasi asoslari ham bayon etilgan. Shu qatorda bu kitob Shvetsiya ommaviy axborot vositalarining tashkil etilishi hamda ildizlari, XVIII asrga borib taqaladigan demokratik matbuot an'analari haqida tasavvur beradi.

«ХАЛҚ ТАЪЛИМИ»НИНГ ЯНГИ СОНИДА

"Халқ таълими" журналининг 4-сони нашрдан чиқди. Журнални очган ўқувчи дастлаб буюк маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг "Мактаб" номли шеърини ўқиши мумкин.

Журналдаги илк мақола (муаллифи Убайдулло Олтинов) "Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг ижтимоий педагогик масалалари" деб номланган. Мазкур мақолада ижтимоий педагогика фани ва ушбу фаннинг тарихи, унинг миллий истиқлол ғояси фанига алоқадорлиги ҳақида сўз боради.

"Маънавий меросимизда ижтимоий муҳит", Ўзликни англаш — истиқлолнинг маънавий асоси", "Комил инсон тарбиясида ватанпарварлик туйғуси", "Талабаларни ғоявий чиниқтириш: муаммолар ва ечимлари" каби мақолаларда бугунги кунда долзарб ҳисобланган миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш вазифалари айтиб ўтилган.

Инсоният тарихидан маълумки, савдо-сотиқ, жамиятдаги инсоний муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллайдиган касблардан биридир. Шарқ халқлари савдо-сотиқ билан жуда қадим замонлардан бошлаб шуғулланганлар. Савдогарлар ўз молларини ҳатто Ғарб мамлакатларига ҳам етказиб бериб, шу йўл билан фойда кўрганлар. «Миллий қадриятлар ва тижорат одоби» мақоласи шундай бошланади. Муаллифлар Г.Зарипова, К.Зариповлар тижорат одобини ўқувчиларга керакли манбалар ёрдамида чиройли тушунтириб бера олганлар. Р.Маматқуловнинг "Жамият — табиат алоқадорлиги: фалсафий илдизлар" мақоласи бугунги кунда кўпчилик назарида турган экология муаммосининг ечиш йўлларини кўрсатади.

Журнални қўлга олган ўқувчи шу каби қизиқарли, илмий мақолалар билан танишиши мумкин.

Шарифа РАЖАБОВА

ПОЛИМЕРЛАР АТАМА ЛУҒАТИ

Ўзбекистон Фанлар академияси институтларида олий ўқув юртлари талабалари, аспирант ва илмий ходимларга мўлжалланиб, фаннинг турли йўналишларига қаратилган дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Полимерлар кимёси ва физикаси институтида ҳам олиб борилаётган тадқиқотлар асосида қатор янги ўқув адабиётлари юзага келди. Шу ўринда полимерлар кимёси ва физикаси бўйича босмага тайёрланган атамалар луғатини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Институт раҳбари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Сайёра Рашидова муаллифлигида нашрдан чиққан бу янги луғат русча-ўзбекча-инглизча атамаларни ўз ичига олган.

Илмий муассаса олимлари "Полимерлар физикаси" деб номланган дарслик устида ҳам жиддий иш олиб бордилар.

Акбар АЛИЕВ

ЖУРНАЛИСТ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

Ҳозирги замон журналистининг фикр доирасини ўстирувчи, фақат ҳозирги кун эмас, келажакда ҳам қандай ишлаш ҳақида журналистнинг кундалик ишига амалий маслаҳатлар билан ёрдам берувчи қўлланмалар бизга зарур. Ана шу эҳтиёжни ҳисобга олиб Шарқ НМК бош таҳририяти Швециянинг энг машҳур ва тажрибали мухбирларидан бири Эрик Фихтелиуснинг "Журналистиканинг 10 қоидаси" китобини нашр этди. Бу китобни швед тилидан Вероника Менжун, рус тилидан эса Фарҳод Рўзиев, Абдуқаюм Пардаев таржима қилиб, журналистика тажрибаларини ўрганишда асқотадиган қўлланмани яратиб бердилар.



Китоб "Муаллиф муқаддимаси", "Швед тилидан таржимон муқаддимаси", "Ўзбек таржимонлари муқаддимаси" билан бошланади.

"Жон-дилдан ишланг!" номли 1-бўлимда янгилик, нуқтаи назар (ракурс), газеталарнинг биринчи саҳифаларига бериладиган ўта муҳим янгиликлар, уларни баҳолаш ва танлаш ҳақида сўз боради.

2-бўлим эса "Энг муҳимини айтинг" деб номланиб, унда журналистнинг вазифалари, жумладан, ОАВнинг 4 муҳим функциялари — хабар бериш, шарҳлаш, назорат ва боғловчилик вазифалари кўрсатиб берилган.

3-бўлим "Режали ишланг" ва 4-бўлим "Тайинли нарса ҳақида гапиринг!" деган қоидалар асосида тайёрланган.

"Тайёрланмоқ ва эшитмоқ!" номли 5-бўлимда интервьюларнинг турлари, унга ҳозирланиш, саволни тўғри қўйиш ҳақида сўз боради. Китобда интервью олувчи журналистнинг "бало-қазоли" савол турлари берилганки, бундан воз кечишимиз керакка ўхшайди, жумладан, бирваракайига икки савол, мураккаб, кўп маъноли, жавоби ўзида бўлган, муболағага йўл қўйилган саволлардан воз кечиш лозим.

"Тил маданиятига риоя қилинг!", "Янги версияларни топинг!", "Воқеалар тасвирида холислик", "Замон билан ҳамнафаслик" каби бўлимлардан "Анонс нима учун керак?" "Радиомонтаж", "Ички монологлар", "Журналистга янгича талаблар" билан танишасиз.

"Журналистиканинг 10 қоидаси" ўқув қўлланмасида бу соҳанинг амалиёти билан чекланмай, журналистика назарияси асослари ҳам баён этилган. Шу қаторда бу китоб Швеция оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши ҳамда илдизлари, XVIII асрга бориб тақаладиган демократик матбуот анъаналари ҳақида тасаввур беради.

Наргиза ВАЛИЕВА





МАГИСТРАНТЛАРНИНГ МУНОСИБ СОВҒАСИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Магистратура талабаларининг илмий ишлари тўплами (Журналистика, Хорижий филология, Ўзбек филологияси)" ни нашрдан чиқарди.

Мўъжазгина ушбу рисолага Я.Маматова, Б.Эрматова, М.Чоршанбиевлар муҳаррирлик қилишган.

Тўплам журналистика факультети 2-курс магистранти Ш.Мадраҳимованинг "Италия матбуоти: ривожланиш босқичлари ва тараққиёти" мақоласи билан бошланади. Магистрант демократик жамиятда ОАВларнинг роли ҳақида тўхталиб, ўзбек журналистикаси ривожига ёрдам берадиган омиллардан бири ривожланган чет мамлакатлар журналистикасини ўрганиш, дейди ҳамда Италия ОАВлари, хусусан, матбуотини ўрганиш жараёнида жуда асосли хулосаларга келганлигини таъкидлайди.

"Ахборот глобаллашуви шароитида ахборот агентликларининг аҳамияти" (муаллиф Б.Собиров) мақоласида эса ахборот агентликларининг ўрни, бу жараёнда Интернет тармоғининг роли ҳақида сўз юритади.

Ўзбекистонда On-line журналистикаси борми? On-line журналистикасининг ўзи нима? Унинг шаклланиш тамойиллари қандай бўлмоғи керак? Мана шунга ўхшаш саволларга магистрант Ф.Азимовнинг "Ўзбекистонда On-line журналистикасининг шаклланиш тамойиллари" мақоласида жавоб олишингиз мумкин. Худди шу мавзуни И.Явмитов ўзининг "On-line — ахборот глобаллашувининг ютуғи сифатида" мақоласида давом эттиради.

Шунингдек, тўпламдан "Таржимон" саҳифаларида Туркистон хабарлари" (муаллиф ЎФФ 2-курс магистранти А.Давлатова), "Туркистонда биринчи "усули жадид" мактаби", "Беғуборлик тасвири" каби мақолалар жой олган.

Мазкур тўплам Миллий Университетнинг 85 йиллигига магистрантларнинг ўзига хос совғаси бўлди, дейиш мумкин.

Қамар АСРОРОВ

ҲАММАСИ ТИББИЁТ ҲАҚИДА

"Абу Али ибн Сино" нашриёти ўз ўқувчиларига яна тўртта янги китобни туҳфа қилди.

Мазкур китобларнинг биринчиси Тиббиёт институти талабалари учун мўлжалланган ўқув адабиёти бўлиб, у "Нутрициология" деб номланган. Мўъжазгина ушбу китоб ўзбек тилида биринчи марта чоп этилаётган дарсликдир.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида илм-фаннинг ҳамма соҳаларига, жумладан, овқатланиш, яъни нутрициология соҳасига ҳам қизиқиш ортиб борди. Шунингдек, у давлат аҳамиятига молик муаммо бўлиб қолди. Озиқ-овқатнинг бутун дунёда танқислиги ҳамда унинг одам организмига бўлган таъсирининг доимийлиги егулик ишлаб чиқариш ва уни тақсимлашга катта эътибор қаратишни талаб этаётганлиги сир эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларида таъкидланишича, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш муаммолари ер юзида инсоният тақдирини ҳал этувчи кучга эга бўлиб, уни илмий ҳал қилишда фан ва техниканинг илғор ғояларини халқаро соҳаларда бирлаштиришга чорлайди.

"Нутрициология" китобида шу ва шу каби масалалар беш қисмга бўлиб ўрганилган. "Овқатланишнинг янги назариялари", "Овқат маҳсулотларининг озуқавий ва биологик қиймати", "Аҳоли овқатланишининг гигиеник асослари", "Овқатдан заҳарланиш", "Давлат санитария назоратининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари" деб номланган бўлимлардан ўқувчи овқатланиш маданияти, назарияси, умуман озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишгача бўлган жараёнларни билиб олади.

Китоб муаллифлари Ш.Баҳритдинов, А.Худойбергановлар яратган қўлланмага тиббиёт фанлари доктори Н.Бобохўжаев тақризчи бўлган.

Иккинчи китоб муаллифи К.Ярашевдир. "Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш" деб номланган дарслик Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Республика олий ўқув юртлари жисмоний тарбия факультетларининг талабалари ҳамда Олимпия ўринбосарлари коллежлари ўқувчилари, шунингдек, малака ошириш факультети тингловчилари учун мўлжалланган.

Китоб билан танишиб чиққанингиздан сўнг сиз энг оммавий спорт турлари, республикамизда спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирларнинг 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган сони, республикамизнинг барча ҳудудларида ривожланаётган спорт турлари, энг йирик халқаро мусобақаларда Ўзбекистон спортчилари қўлга киритган медаллар сони каби бир-биридан қизиқарли маълумотларга эга бўласиз.

Комил инсон руҳан тетик, ақлан етук, жисмонан бақувват бўлмоғи керак. Инсоннинг ақлий, аҳлоқий, жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, иш қобилиятини ошириш, жамоаларда қулай соғлом муҳитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги ушбу китобнинг дунёга келишига сабабчи бўлган омиллардан бири, десак янглишмаймиз.

Гулнорахон Мадраҳимованинг "Фармацевтик кимё" китоби Тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, қўлланма тиббиёт коллежларининг "фармация" йўналиши учун ўқув дастури асосида ёзилган. Кириш ва тўрт қисмдан иборат дарсликнинг ҳар бир бобида дори моддалари таърифи берилиб, уларнинг олиниши, миқдори, тозалигини аниқлаш усуллари кўрсатилган.



Фармацевтик кимё фани — доришунос мутахассисларни тайёрлашда етакчи фанлардан бири бўлиб, барча кимёвий қонунларга асосланиб, дори моддаларининг олиниш усуллари, кимёвий тузилиши, физик ва кимёвий хоссалари ҳамда дори моддаларининг организмга таъсирида уларнинг кимёвий тузилиши орасидаги муносабатлари, дориларнинг сифатини таҳлил қилиш усуллари ва сақлаш шарт-шароитларини ўрганади.

Ушбу ўқув адабиётида, шунингдек, фармацевтик кимё тарихи ҳам батафсил очиб берилган.

"Микробиологиядан амалий машғулотлар" ўқув адабиёти биз юқорида номини зикр этган нашриёт туҳфа қилган тўртинчи китобдир.

Э.Эшбоев, Я.Файзиев, Н.Назаров муаллифлигида чоп этилган қўлланма ҳам тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган.

Микробиология фани эгаллаган соҳа жуда кенг бўлиб, уни ўқувчига тўлиқ етказиш учун бир неча қисмга бўлиб ўрганилади.

Биринчи қисмда — микроорганизмлар морфологияси ва физиологияси, уларнинг табиатда тарқалиши ҳақида умумий маълумотлар берилган. Хусусий микробиология қисмида юқумли касалликларни қўзғатувчи микроорганизмларнинг барча хоссалари ўрганилади.



Дарсликда асосий эътибор микробиология амалиётида бажариладиган лаборатория машғулотларига қаратилган.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

G'arbiy Tyanshan o'lkasining biologik xilma-xilligini saqlashga xizmat qiluvchi davlatlararo loyihada 13 nafar chet el ekspertlari, Qirg'iziston, Qozog'iston va O'zbekistondan 20 nafar mutaxassislar ishtirok etdilar.

Kasb-hunar kollejlarida

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Жиззах вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 32 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицей мавжуд бўлиб, унда 70 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича 18508 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларда 1700 нафардан ортиқ педагог, педагог-муҳандислар таълим-тарбия жараёни билан шуғулланмоқда. Кейинги йилларда барпо этилган шинам, замонавий ўқув иншоотлари вилоят кўркига кўрк қўшиши билан бирга, ўқувчиларнинг унда тинимсиз изланишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, вилоятда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларига ҳам эътибор берилмоқда. 2000 йилнинг 31 январида республикамизга Япония Халқаро ҳамкорлик ташкилоти томонидан "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш учун кредит ажратилди. 2001 йилнинг 29 мартидан бошлаб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ва РНИКО Интерненэшнл Корпорейшн Япония Консалтинг фирмаси ўртасида тузилган шартнома асосида мазкур лойиҳа ўз фаолиятини бошлади. Жиззах вилоятидан Япония кредити лойиҳасига 6 та қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи киритилган. Улар Мирзачўл, Дўстлик, Бахмал, Зарбдор, Пахтакор ва Зомин туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларидир. Лойиҳани амалга оширишда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ўқув моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Таълим масканларида қишлоқ хўжалик соҳасидаги 7 та мутахассислик йўналиши бўйича жиҳозлар ва асбоб-ускуналар келтирилади. Ҳозирда вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртларида жиҳозларни қабул қилиш ва ўрнатиш учун ишлаб чиқариш устаханалари ва ўқув хоналари тайёр ҳолга келтирилди.

Лойиҳа дастурига кўра, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг чет элда малака оширишларини таъминлаш ҳам мўлжалланган. Ўтган йилнинг ноябрь ойида вилоятдан 6 нафар касб-ҳунар таълими ходимлари Японияда малака оширишда бўлиб қайтдилар. Бу йил ҳам мазкур дастур лойиҳасига кўра июль ва октябрь ойларида қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталаридан 12 нафарини кунчиқар мамлакатга малака оширишга юбориш режалаштирилган. Лойиҳани амалга оширишда васийлик кенгаши тузишга, мониторинг ва баҳолашга ҳамда амалий семинар-тренинглар ўтказишга эътибор берилмоқда. Бунда япон мутахассислари ҳам амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлидаги ҳамкорлик бўйича японияник бир гуруҳ мутахассислар яқинда Жиззах вилоятига ташриф буюрдилар. Япония молия вазирлиги Сиёсий тадқиқот институти президентининг махсус маслаҳатчиси, Япония ривожланиш банкининг ижрочи директори, Васеда Университети проректори жаноб Ташихару Китамура бошчилигидаги делегация аъзолари иштирокида Жиззах шаҳридаги транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Вилоятдаги иқтисодиёт соҳаси йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари директорлари, банк ва молия мутахассисликлари бўйича ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда жаноб Ташихару Китамура Японияда банк ва молия соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва дунёнинг ривожланган давлатлари банк тизими бўйича бир қатор мулоҳазаларни тилга олиб ўтди. Анжуман иштирокчилари Япония давлатида таълим тизимининг тузилиши, ўқитувчиларга яратилган шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг таҳсил олиши, уларнинг ижтимоий ҳимояси, яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқ бир қатор маълумотларга эга бўлдилар.

— Улкан илмий салоҳиятга эга японияник ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик туфайли, янги имкониятлар туғилмоқда, — дейди Жиззах вилояти ўрта махсус, касб ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор Илҳом Тиркашев. — Эндиги вазифа ана шу шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга боғлиқ. Қолаверса, ишимизнинг самараси фидойи ўқитувчиларимизнинг масъулиятли вазифаларига нечоғли ёндашишларига ҳам боғлиқдир.

И. ИСКАНДАРОВ,
Ў. ҚАРШИЕВ

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК!

Tadbir

Бутун инсоният нафас олаётган ташқи оламнинг мусаффолигини сақлаш, уни келажак авлодларга муносиб, мукаммал тарзда етказиб бериш муҳим вазифа саналади. Кечагидай эсимда, 8-синфда ўқиётганимизда биология ўқитувчимиз табиатдаги барча жониворлар ва ўсимликлар олами бир-бирига занжир каби боғлиқлигини ҳамда улардан бири талофатга учраса, албатта, бошқасига ҳам зарар етишини яққол мисоллар билан тушунтириб берган эди. Бугунги кунда экологик инқирозлар рўй бераётган маълум бир ҳудуддаги йўқотишлар дунёнинг бошқа бурчагидаги тириклик дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу борада нодир дарахтлар, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини доимий сақлаш, ўрганиш ва уларни кўпайтиришга ихтисослашган қўриқхоналар муҳим аҳамиятга эга. Ғарбий Тяншань ҳудудида ҳам алоҳида ғамхўрликка муҳтож жойлар 4 та қўриқхонада ўз ифодасини топган. Улар Саричелак, Бешорол қўриқхоналари (Қирғизистон ҳудудида), Чотқол қўриқхонаси (Ўзбекистон ҳудудида), Аксу-Жабагли (Қозоғистон ҳудудида жойлашган) қўриқхоналардир. Уларнинг ҳар бири маълум йўналишда, яъни алоҳида бир жонивор ёки ўсимликни асрашга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мазкур учта республика аҳолиси ҳам бозор иқтисодиёти ва ўтиш даврининг қийинчиликларини бошларидан ўтказмоқдалар. Табиийки, бундай ҳолатда жониворларни ноқонуний овлаш ва истеъмол қилиш авж олди. Мана шундай нохуш ҳолатларни бартараф этиш, ўсимлик ва жониворларни табиий ҳолда сақлаш ҳамда кўпайтириш, уларнинг барҳаётлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш мақсадида давлатлараро ТАСИС лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Ғарбий Тяншань ўлкасининг биологик хилма-хиллигини сақлашга хизмат қилувчи давлатлараро лойиҳада 13 нафар чет эл экспертлари, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистондан 20 нафар мутахассислар иштирок этдилар. Лойиҳа 2001 йил 15 февралдан 2003 йил 31 январгача давом этди. Куни кеча бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу давр мобайнида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар хусусида тўхталиб ўтилди. Хусусан, бу борада республикамизда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ирода ЙЎЛДОШЕВА

БЛЭР: ТАРИХ БИЗНИ КЕЧИРАДИ

Вашингтонга сафари чоғида АҚШ Конгресси олдида чиқиш қилган Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Ироқ масаласи ҳақида тўхталди. Унинг айтишича, Ироқдаги урушга бош сабабчи бўлган оммавий қирғин қуроллари топилмасада, лекин тарих иттифоқчиларни кечиради. Негаки, иттифоқчилар мамлакатдаги мустабид тузумни йўқ қилганлар ва халққа озодлик берганлар. Шунингдек, Америка президенти ва унинг халқига миннатдорчилик билдирар экан, Тони Блэр британияликлар озодлик йўлида американликлар билан бирга эканлигини урғулаган.



Ундан аввалроқ эса Оқ уй раҳбарияти Жорж Бушнинг 28 январдаги йиллик маърузасида тасдиқланмаган маълумот эълон қилинганлигини тан олган эди. Маълум бўлишича, ўшанда Марказий Разведка Бошқармаси президент маърузасига Ироқнинг Нигериядан уран моддаси сотиб олганлиги ҳақидаги ишонарсиз маълумотни киритган экан.

САДДАМНИНГ ОВОЗИ ЯНА ЯНГРАДИ

"Ал-Арабия" телеканали собиқ президент Саддам Ҳусайннинг беш дақиқалик навбатдаги аудиоовозини эфирга узатди. Ироқдаги собиқ БААС партиясининг ҳокимият тепасига келганига 35 йил тўлганлиги арафасида эфирга берилган аудиоёзувда Саддам Ҳусайн Америка ва Британия аскарларининг оммавий қирғин қуроллари қидиришлари фойдасиз эканлигини айтиб, ироқликларни иттифоқчиларга қарши туришга чақирган ҳамда американликларга хайрихоҳ бўлганларни айблаган. Ўз тузуми ағдарилганидан сўнг, учинчи бор эфирга узатилган Саддамнинг овози ҳали тўлиқ тасдиқланганги йўқ.

Бағдоддаги меҳмонхонада турган "Ал-Арабия" телеканали мухбирига номаълум киши телефон қилиб, ташқарида қолдириб кетилган аудиоёзув жойини айтган. Шундан сўнг журналист Сааду ал-Силави кассетани топган.

ХАМАС АЪЗОЛАРИ ОЗОД ЭТИЛАДИ

"Ha'aretz" газетасининг ёзишича, Исроилнинг "Шин Бет" махсус хизмати 400 нафар фаластинлик маҳбусларни озод этиш бўйича тузилган рўйхатни тасдиқлаган. Улар орасида 40-60 нафар ХАМАС ва Ислом жиҳоди ташкилотлари аъзолари ҳам бор. Лекин ҳозирда рўйхатдагиларни текшириш ишлари давом этмоқда. Агарда улар озод этилсалар, бу тинчликка эришиш борасида Исроил томонидан қўйилган муҳим қадам саналади.

"АЛ-ҚОИДА" ЕТАКЧИЛАРИДАН БИРИ УШЛАНДИ

Қувайт давлати ҳукумати ўзининг собиқ фуқароси, "Ал-Қоида" ташкилотининг етакчиларидан бири саналган Сулаймон Абуғоит Эрон ҳуқуқ-ни муҳофаза қилиш органлари назоратида сақланаётганлигини тасдиқлади, лекин, уни ўз ихтиёрига олишдан бош тортди, дея хабар беради BBC News. Қувайт ички ишлар вазири шайх Наваф ал-Сабоҳнинг айтишича, расмий Ал-Қувайт бир неча террор актларида айбланаётган ушбу инсон тақдирининг жавобгарлигини ўз зиммасига олишни хоҳламайди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Сулаймон Абуғоит Қувайт фуқаролигидан чиқарилган эди. Бир неча террор актларининг жавобгарликларини ўз зиммасига олган "Ал-Қоида"нинг ҳозирга қадар эфир юзини кўрган аудио-видео тасмаларида Абуғоит ҳам намойиш этилган эди. Лекин унинг қачон ҳибсга олинганлиги номаълум.



ГУАНТАНАМО: МАҲБУСЛАР УЙЛАРИГА ЖЎНАТИЛМОҚДАЛАР

АҚШнинг Кубадаги Гуантанамо ҳарбий базасида сақланаётган 11 нафар Покистон фуқароси озод этилиб, ватанларига қайтарилган. Жорий йилнинг аввалида эса 4 нафар покистонлик озод этилган эди. "Ал-Қоида" ташкилоти ва Толибон ҳаракатига аъзоликда гумон этилиб, Афғонистондаги аксилтеррор операциялари вақтида ҳибсга олинган 42 давлатнинг 680 нафар фуқароси ҳозирда Гуантанамо базасида сақланмоқда. Шулардан тахминан 50 нафари покистонликлар ҳисобланиб, Покистон хавфсизлик хизматларининг фикрича, улар "Ал-Қоида" аъзолари эмаслар. Кузатувчиларнинг билдиришларича, ўтган июнь ойида Вашингтонга сафар қилган Парвез Мушарраф Жорж Бушдан Покистон фуқароларини озод этишни сўраган бўлиши керак.

Гуантанамо базасида маҳбуслар учун етарлича шароит яратилган бўлса-да, айрим сабабларга кўра жорий йилнинг ўзида 29 марта ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кузатилган, дея хабарини якунлайди "Рейтер" агентлиги.

ҚИЗИЛ ХОЧ ТАШВИШЛАНМОҚДА

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятлари федерациясининг билдиришича, терроризмга қарши қўлланилган кенг миқёсли ҳаракатлар ривожланаётган давлатларни инсонпарварлик ёрдамларидан маҳрум этмоқда. Федерация маърузасида ёзилишича, инсонпарварлик ташкилотлари ва донор давлатлар Ироқ, Афғонистон каби мамлакатларга кўпроқ эътибор қаратиб, Сомали ва Ангола каби давлатларда юзага келган муаммоларни назардан четда қолдирмоқдалар. Жумладан, Қўшма Штатлар Ироқдаги тикланиш ишларига 1,7 млрд. доллар ажратган бўлса, БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастурига кўра Африка қитъасидаги қашшоқликнинг олдини олиш учун 1 млрд. доллар керак. Бундай ҳолатда нафақат донор давлатлар, балки ҳамжамият эътиборини ижтимоий муаммоларга қарата олмаётган инсонпарварлик ташкилотларининг ҳам айби бор, дейилади маърузада.



«Интернет» тармоғидан олинди

To'g'risi, o'qishga kirayotganimda, fakultetning ta'lim berish tizimi boshqa oliy o'quv yurtlarinikidan unchalik farq qilmasa kerak, deb o'ylovdim. Sir emas, ayrim ta'lim maskanlarimizda bilim pul bilan o'lchanadi, ammo bizda unday bo'lmadi.

Биринчи қалдирғочлар

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг жамиятни демократлаштириш, одамлар онги ва тафаккурини ўзгартириш вазифаси ОАВ зиммасига тушди.Бу эса ўзбек журналистикасида янгидан-янги қирраларнинг очилишига олиб келди. Чунки бугун жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турган воқеалар ва улар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида етказиб бериш жараёни ҳамиша теран мулоҳаза билан иш тутадиган мутахассисларни талаб қилади. Шу сабабли 1999 йил ЎзДЖТУ қошида халқаро журналистика факультети очилиб, мутахассислар тайёрлашга киришилган эди. Бу йил эса ана шу факультетнинг илк қалдирғочлари учирма қилинди. Шунинг учун биз факультетда таҳсил олиш билан биргаликда, ОАВнинг турли йўналишларида фаолият олиб борган талабалар билан суҳбатда бўлдик. Суҳбатнинг асосий мавзуси журналистика факультетида ўқиш давомида талабаларнинг нималарни ўрганганликлари хусусида бўлди.

Ботиржон ҒОФУРОВ, "Халқ сўзи" мухбири:

—Мен халқаро журналистика факультетига ўқишга киришдан олдин, аслида ҳуқуқшунос бўлиш ниятида эдим. 1998 йил мактабни тамомлагач, Тошкент давлат юридик институтига ҳужжат топширганман. Аммо насиб қилмаган экан, ўқишга кира олмадим. Кейин бир йил давомида Тошкентда ўқишга қайта тайёрландим. Бироқ ана шу бир йил ичида дунёқарашим бутунлай ўзгарди ва менда ҳуқуқшуносликка яқинроқ, аммо бу касбга қараганда қизиқроқ бўлган журналист бўлиш иштиёқи шу даражада ортиб кетдики, натижада ниятимни ўзгартирдим. Айни ўша пайтда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети ташкил этилганини эшитиб қолдим. Бу орада "Ma'rifat" газетасида илк мақолаларим босилди. Шу зайл журналистикага қадам қўйдим.

Ишонч билан айтаманки, бу қадамим асло хато бўлмаган ва худо хоҳласа, ҳеч қачон журналистлик касбини танлаганимдан афсусланмайман. Факультетимизда ўқиш давомида жуда кўп етук журналистлар, таниқли олимлардан бутун умрга эсда қоларли сабоқ олдик, бизга чет эллик домлалар ҳам таълим берди. Шунингдек, хорижий тиллардан бирини ҳам етарли даражада ўргандик. Бу, албатта, жуда катта ютуғимиздир. Талабалик давримда журналистлик ўта оғир касб эканини ва бу машаққатларга дош бера олган одам миллатнинг ҳақиқий фарзандига айланишини англаб етдим.

Ўзимдан кейинги курсларнинг талабаларига жуда ҳавас қиламан. Чунки факультетнинг илк ташкил қилинган йилларидан бошлаб таҳсил олганимиз сабабли, имкониятлар чекланган эди. Иш нуқсонсиз бўлмаганидек, орамизда нега бу факультетда ўқиганини ўзи ҳам ҳалигача тушунмайдиганлар йўқ эмас. Бундайлар келгуси битирувчилар орасида бўлмаслигига умид билдириб қоламиз. Чунки бизга ўта юксак масъулият — ўзбек журналистикасини янада юқори чўққиларга олиб чиқиш вазифаси юклатилган. Буни бошқа курсдошларим, қолаверса, ука-сингилларимиз ҳам чуқур ҳис қилмоқда.

Нилуфар ОЧИЛОВА, «Ёшлар» радио каналининг «Аср» ахборот-таҳлил муҳаррири:

—Тўрт йил кўз очиб юмгунча ўтди-кетди. Кимдир факультетда таълим берган ўқитувчилардан ниманидир ўрганиб, ниманидир ўргана олмай қолди. Нима бўлганда ҳам, "ғалвир сувдан" кўтариладиган вақт келди. Биз хоҳлаймизми-йўқми ҳаёт имтиҳонлари олдинда, жаҳон саҳналарида шу факультетда олган билимларимизни кўрсатишимиз керак.

Чунки тўрт йил аввал Президентимиз ташаббуси билан яхши ниятда очилган бу факультет талабалари халқимиз олдида масъулиятли вазифаларни бажариши керак. Сабаби республикамиз ижтимоий ҳаётини ривожлантиришда журналистларнинг ўрни беқиёсдир. Шуни таъкидлаб айтиш керакки, бугун шу факультетни тамомлаётган талабаларнинг кўпчилиги аллақачон ўз йўлларини топиб улгурди. Ҳатто оммавий ахборот воситаларининг қайсидир турида каттагина ютуқларни ҳам қўлга киритиб, журналист деган номни оқлаётган сафдошларимиз ҳам бор. Агар факультетимиз ютуқларини санайдиган бўлсак, беихтиёр достон битиб қўйишимиз мумкин.

Шерзод АҲМАТОВ, "Ma'rifat" газетаси махсус мухбири:

— Бу даргоҳда 4 йил давомида жуда кўп нарсани ўргандим. Журналистиканинг сир-асрорларидан бошлаб назарий билимларимнинг заррачаларини ҳам шу ерда ўргандим.

Биринчи курсда таҳсил олаётган вақтларим ҳеч эсимдан чиқмайди, устоз Маҳмуд Саъдий маърузалардан кейин бўладиган амалий машғулот дарсларининг бирида "Пресс релиз" асосида бир хабар ёзишимни вазифа қилиб берди. Вазифани бажариб бўлганимдан сўнг, устозга мурожаат қилганимда у, мен ёзган хабарга бир кўз югуртириб чиқди-да, бошидан охиригача бошқатдан ёзиб берди. Сўнгра "Сенда ҳаракат бор, бўш келма" — дея мийиғида кулиб, жойимни эгаллашимни айтганди.

Бу сўзлар менга шиор бўлди, шу асосда ички бир ғалаён пайдо бўлдики, устозимнинг сўзини оқлаш учун ҳаракат қилдим. Бу тўрт йил ичида назарий ва амалий билимимни чуқурлаштирдим. Устознинг мийиғида кулиб қўйганлигини эса 4 йилдан сўнг тушундим.

Инсон тафаккури кенгая боргач, жамиятдан, ўзи ўқиётган жойидан кўпгина нарсаларни талаб қила бошларкан. Шу аснода ўзим ҳам факультетимиз домлаларидан, раҳбариятидан кўпгина нарсани талаб қилгим келиб қолади. Масалан, ўзим 4 йил олдин эшитмаган, билмаган интернет тармоғини билиб олиб, энди бўлса,унинг факультетимизда ҳам бўлишини орзу қилиб юрардим. Умуман, хабар ёзишда қийналиб юриб, шу ерда хабар, мақолалар ёзишни ўрганиб олганимдан сўнг эса, домлалардан бундан-да кўпроқ нарса ўргатишларини талаб қиламан. Ўзимча нималарнидир қилмоқчи ҳам бўламан. Шундай вақтларнинг бирида устоз Маҳмуд Саъдийга дуч келиб қолдим. Шунда устоз "мана маҳоратларинг ҳам ошиб қолди, ўқишни тамомлаяпсан", дея яна мийиғида кулиб қўйди. Дарҳол биринчи курсдаги воқеа ёдимга тушди-да, сергакландим, демак, яна кўп изланишим керак экан...

Аслиддин СУЮНОВ,- «Ёшлар» телеканали "Камолот" студияси муҳаррири:

—Ўқишни ҳам тамомладим. Тўғрироғи, халқаро журналистика факультетини битирдим. Ҳеч қачон беш қўл баробар бўлган эмас. Ҳар кимнинг ўзига хос интилиши, ҳаракати бор. Шу маънода айтар сўзи ҳам. Худди ана шу "айтар сўз" назаримда кўпроқ журналистларга тегишлидек. Қайсидир битирувчи ўз соҳаси бўйича илдамлаб кетдию, яна қайсиси... Халқаро журналист бўлиб ҳеч кимнинг туғилмаслиги аниқ. Лекин инсон ҳаёти давомида ўқиб-ўрганиб бир нарсага эришади. Мен бу факультетда икки хил вазиятнинг гувоҳи бўлдим. Айрим талабалар яхши ўқишади, дарсларни яхши ўзлаштирган, лекин ўз соҳаси бўйича бирор бир иш қўлидан келмайди, бирор жумлани тузукроқ ёзаолмайди. Иккинчи тоифа эса фанлардан нўноқ, дарсларга келиши ҳам ҳаминқадар. Лекин юқорида айтилганидек, ўз соҳасида у қадар профессионал бўлмаса-да, айтар сўзи бор, ёзишга қалами.

Юнус БЎРОНОВ, «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири:

— Ҳар ўқув йили якунланаётганида нималарга эришдим, нималарни ўргандим, қайси мақсадларим амалга ошдию қайсилари ошмади дея ҳисоб-китоб қилиб қўярдим. Мана, бу йил халқаро журналистика факультетининг илк қалдирғочлари қаторида, шу даргоҳ дипломини қўлга киритмоқдаман. Агар мендан "халқаро журналист бўлдингизми?" деб сўрашса, "ҳа" деган жавобни беришим қийин. Балки буни ўзимга ишонмаётганим учун айтаётгандирман.

Факультетга дастлаб қабул қилинганимда олдимга улкан мақсадларни қўймаганлигимга жуда афсусланаман. Шунинг учун бўлса керак, бугун ўзимни халқаро журналист бўлдим, дея айта олмаётгандирман! Мен факультет домлаларидан журналистик ижод сирларини яхши ўргандим.

Яна бир таклиф талабаларга кўпроқ амалиётчи домлалар дарс берганда яхшироқ бўларди.

Усмон МУРОДОВ, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси масъул котиби:

— Халқаро журналистика факультети буюк мақсадлар билан очилган эди. Жўжа кузда саналишини эътиборга олганда, факультетга илк битирувчилари мисолида баҳо берилади.

Тан олиб айтганда, битирувчиларнинг бир қисми айнан оммавий ахборот воситаларида фаолият юритиши мумкин. Уларнинг журналистлик қобилияти эса бошқа масала. Қолган битирувчилар "адашиб" ўқиганлари боис, бошқа соҳада ишлашга аҳд қилишган бўлса, ажаб эмас.

Бундан ташқари, ўқув даргоҳи талабаларни фикрлашга, яъни жамиятнинг танқидга лойиқ томонларини кўрсатиб бериб, уларни таҳлил этишга ўргатди. Буни факультетнинг энг катта ютуғи, дейиш мумкин.

Рустам РИЗАЕВ, Ёшлар телеканалининг "Давр" дастури мухбири:

— Бошқа курсдошларимнинг факультетимиздан нималар ўрганганлигини билмадиму,лекин менинг энг катта ютуғим шу ерда ўзлаштирган билимларимнинг "Давр" дастурида фаолият олиб боришимга имконият яратиб берганидир.

Бундан ташқари, Хитой давлатида ҳам ўз билимларимни ошириб келдим. Бундай яратиб берилган шароитлардан кимдир унумли фойдаланди, кимдир...

Факультетда эришилган ютуқларнинг барчаси факультет ички ҳаётидаги демократияга нисбатан имкониятнинг мавжудлигидадир, қолаверса, миллий ва жаҳон журналистикаси тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда таълим-тарбия берилганида деб биламан.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги халқаро ахборот таҳририяти ходими:

Жаҳон Тиллари университетидаги тўрт йиллик таҳсил менга нима берди? Мен нима олмоқчи бўлдиму, нималарга аслида эришолмадим? Мана бугун мен шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилмоқдаман. Аниқроқ айтганда, бугун тўрт йиллик умримиз сарҳисоб килинадиган кундир.

Мен ушбу ўқув масканидан энг аввало, ўзим истаган билимларни олдим. Бу энг муҳим жиҳатлардан биттасидир. Бундан ташқари, мен бу ерда ўнлаб дўстлар орттирдим. Бу ҳам менинг бойлигимдир. Бироқ бу ердан олган энг асосий нарсам шу бўлдики, мен устозларимдан қаноат ва тинмай меҳнат килишни ўргандим. Устозларим менга сабр-тоқатли бўлишни, ҳаёт сабоқларини ўргатди.

Менинг фикримча, илк битирувчилар сифатида анча мустаҳкам билимли, пухта журналистлар етишиб чиқаяпти. Аксарият талабалар мамлакат ОАВларида ўзининг иқтидори ва салоҳиятини кўрсатишга ҳам улгурди. Бу, албатта, қувонарли ҳолдир. Факультет янги бўлгани учун, айрим пайтларда қийинчиликларни ҳам бошдан кечирдик. Асосийси, бизга устозлар хорижий тилларни ўрганишда катта ёрдам берди. Яъни, хорижий тил, ўша «тил ташувчиси» томонидан ўргатилди. Бу бизга бир вақтнинг ўзида чет эллик журналистлар билан бевосита боғланиш имконини берди.

Сафимиздаги дўстларимизнинг кўпчилиги ақли расо, келажаги ёруғ йигит-қизлардир. Фақат бир нарсани ачиниш билан эслайман, ўқиш давомида барча иқтидорли талабаларнинг ҳам хорижда малака ва билим олиб қайтишига етарли имкон бўлмади. Бу, албатта, имкониятларимизнинг ҳали бироз чекланганидан дарак беради. Бироқ, афсус қилишга менимча асло ўрин йўқ. Факультет ташкил қилишдан Ўзбекистон ҳукуматининг асосий мақсади ҳам мамлакатимизни хорижга танита биладиган зукко журналист кадрларни тайёрлашдан иборат эди. Назаримда, бундай журналистлар бор. Фақат уларни ажрата олиш, илғаш зарур.

Жамшид САЪДИНОВ, "Синфдош" журнали масъул котиби:

Тўғриси, ўқишга кираётганимда, факультетнинг таълим бериш тизими бошқа олий ўқув юртларидагидан унчалик фарқ қилмаса керак, деб ўйлагандим. Сир эмас, айрим таълим масканларида билим пул билан ўлчанади, аммо бизда ундай бўлмади. Домлаларимиз ўз ишларига масъулият билан ёндашишди. Ҳатто университетимизнинг бошқа факультетларида бир гурухда ўттиз - қирқ киши ўқиётганида ҳам бизда кўпи билан 7-8 киши таълим оларди. Бу жиҳатдан бизда Европа таълим тизими намуналарига амал қилинди ва бу ўз самарасини берди: аудитория қанча кичик бўлса, таълим беришда домланинг талабаларга индивидуал ёндашуви кучаяди, ўзлаштириш ҳам анча осон кечади. Чет эл профессорларининг мунтазам келиб дарс ўтиши бизга анча асқотди. Энг асосийси, ўзлигимизни, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни англашга, аксарият ўзбек журналистларимизга хос бўлган «эҳтиёткорлик»дан холи бўлишга ўргандик. Аммо таълим жараёнида ўқув дастурларидаги нопухталик сезилиб турди. Масалан, 3-ёки 4- курсда ўтилиши лозим бўлган ва айнан шу даврда талабалар томонидан ўзлаштирилиши осон кечадиган айрим фанлар биринчи курсда ўқитилди. Бизга зарур бўлган ҳуқуқ фани нисбатан кам ўтилди. Ҳаммамиз билишимиз лозим бўлган дизайн соҳаси бўйича-ку, бизга ҳеч қандай таълим берилмади. Ахир, талабалар нашр стили, саҳифалаш кабилар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмасалар, келгусида улардан ҳақиқий муҳаррирлар, масъул котиблар чиқармиди?! Мана шуни ҳисобга олишса, нур устига нур бўларди.

Умуман олганда эса, мен бу масканда ўқиб, ўз устимда кўпроқ ишлашга, соҳамга катта масъулият ила ёндашишга ўргандим, учинчи тил — инглиз тилини мукаммал ўргандим. Қолаверса, Бойбўта Дўстқораев, Муҳаббат Шарафиддинова, Галина Кан, Саодат Султонсаидова, Сайди Умиров каби устозлар қўлида ўқиш мен учун катта шараф бўлди. Устозларимнинг ҳаммаларига берган билимлари учун миннатдорлик билдираман ва келгусида ишончларини оқлашга сидқидилдан ҳаракат қиламан!

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз фикрларни халқаро журналистика факультетини тугатмасданоқ таҳририятларда фаол ишлай бошлаган, бакалавр — журналистлардан олдик.

Негаки, энди улар ўз касбларидан ҳеч қачон юз ўгирмасалар керак. Буни уларнинг фикрларидан уқиб олиш қийин эмас. Хоҳ ижобий, хоҳ танқидий бўлсин, ҳар бирининг айтмоқчи бўлган мустақил фикри бор. Бу фикрлар тўғри ёки баҳслидир!..

Биз уларнинг машаққатли ишларида сабр, матонат, лозим бўлганда жасорат тилаймиз.

Toza-urug' — G'allaorol tumanidagi chekka qishloqlardan biri. Uning yoshlari bo'sh vaqt topildi deguncha, Habibullo akaning xonadoniga, o'zlarining qadrdon «kurash maydon»lariga oshiqadilar.

ТАҚДИРГА ТАН БЕРМАГАН УСТОЗ

ёхуд I гуруҳ ногирони Ҳабибулло Саримсоқовнинг матонати

Ҳаёт — тасодифларга тўла, унинг кутилмаган синовлари кўп. Бундай синовлар инсон имконияти нималарга қодир эканлигини яна бир бор чиғирикдан ўтказади. Ҳар қандай тасодиф, ҳар қандай синов олдида одамзод ҳеч қачон ожиз бўлиб қолмаган. Аксинча, ана шундай ҳолатда инсон ўзининг метин иродасини намоён этади. «Тақдири азал» деган ақидани пешонага ёзилган қисмат деб эмас, балки ҳар ким тақдирини ўз қўли билан яратади, деган хулосага бориш — мардлик ва шижоатнинг бир кўриниши эмасми? Агар шундай бўлмаганда, Ҳабибулло ака ҳам бир умр тўшакда михланиб,умрининг қолган қисмини шифтга тикилиб ўтказган бўлар эди. Лекин у тақдирга тан берадиганлар сирасидан эмасди.

Гап шундаки, мақоламиз қаҳрамони Ҳ.Саримсоқов ақлини танигандан буён жисмоний тарбия билан муттасил шуғулланиб келади. У Фарғона педагогика институти (ҳозирги ФарДУ)нинг жисмоний тарбия факультетини тугатиб, ички ишлар тизимида 22,5 йил хизмат қилди. Мана, нафақага чиққандан кейин ҳам 15 йилдан буён ўз тажрибасини ёш авлодга ўргатиб келмоқда. Аввалига футбол ва самбо-дзюдо бўйича спорт усталигига номзод Ҳабибуло ака Дўстлик тумани Ойбек қишлоғидаги 15-мактабда кураш тўгарагига бошчилик қилди. Иқтидорли шогирдлар билан олиб борилган машаққатли машқлар, изланишлар ўз самарасини бериб, унинг ўқувчиларидан Шариф Абдуазизов дзюдо, Нуриддин Умурзоқов эса кураш бўйича республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари бўлишди. Лекин бу Ҳабибулло акадек тиним билмас, серғайрат устоз учун чегара эмасди. Унинг мақсади янада катта муваффақиятларга эришишдан иборат эди.

Афсуски, 1993 йили 17 апрель куни тўсатдан унинг оёқ-қўли ишламай қолди. 55 кун касалхонада даволаниш натижасида хасталикнинг ривожланиш хавфи бартараф этилган бўлса-да, бироқ устознинг жисмоний ҳаракат даражаси нолга тушиб қолганди. Лекин тўшакка михланиб қолган Ҳабибулло ака ҳаётдан умид узмади, аксинча, ҳали амалга ошмаган орзуларини рўёбга чиқариш учун имкониятлар эшиги ёпилмаганлигини англаб етди. Шундан сўнг у ётган жойида турмуш ўртоғи Фотима ая ва шогирдлари ёрдамида жисмоний тарбия йўли билан ўзини даволай бошлади. Муттасил қилинган машқлар самара бериб қўл, бел ҳаракатга келди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас ногиронлар аравачасида ҳаракатлана бошлаган Ҳабибулло ака оилавий шароит ва турмуш тақозоси билан 2002 йилнинг май ойида Ғаллаорол туманидаги Тоза-уруғ қишлоғига кўчиб келди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек собиқ қонун ҳимоячиси Ғаллаоролда ҳам ёшларга ўз тажрибасини ўргатишга киришди. У ўзи яшаб турган уйнинг 4х5 м² *ҳажмдаги хонасини жиҳозлаб, мушакларни чиниқтирувчи қўлбола мосламалар ясаб, қишлоқ болалари билан машғулотларга киришиб кетди. Тез орада 20 нафар ўспирин машғулотларга қатнай бошлади. Бу саъй-ҳаракатлардан хабар топган Ғаллаорол ХТБ мудираси З.Қосимова Ҳабибуло акани туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ)га мураббийликка таклиф этди. Тўғриси, биринчи гуруҳ ногиронининг болалар билан машғулот олиб боришига аввалига айримлар ишонишмади. Лекин дастлабки натижалар бундай иккиланишларнинг ўринсиз эканлигини кўрсатди. Наврўз байрамида ўтказилган вилоят биринчилигида миллий кураш бўйича унинг 3 нафар ўқувчиси: Улуғбек Шукуров, Достон Исканов, Суннат Саидалиевлар ғолибликни қўлга киритдилар. Шундан сўнг одамларда Ҳабибулло аканинг тўгарагига бўлган ишонч янада ортди, қатнашчилар сафи кўпайди. Ҳозир устоз уйида миллий кураш бўйича учта, Турон якка кураши (қизлар ўртасида) бўйича битта, шахмат бўйича битта тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иштирокчилари эса 60 нафардан ошиқ. Биз миллий кураш машғулотлари ўтказиладиган хонада бўлганимизда унинг жиҳозлари оддий — маҳаллий шароит имконияти даражасидалигини, мушакларни чиниқтирувчи қўлбола мосламалар оддий велосипеднинг камерасидан ясалганлигини, ерга тўшалган сат эса пахта тахламидан иборатлигининг гувоҳи бўлдик.*

— Мен бу ерда нималарга эришаётган бўлсам, атрофимдаги хайрихоҳ инсонлар, яхшилар туфайли сазовор бўлаяпман, — дейди Ҳ.Саримсоқов, — вилоят бўйича кураш федерацияси мураббийси А.Тилаков бизни доим қўллаб-қувватлаб турибди. Жиззах олимпиа заҳиралари коллежининг битирувчи талабаларини мунтазам равишда ёрдамга жўнатмоқда. Улар ўқув амалиётини шу ерда ўтказишаяпти. Шунингдек, Музбулоқ ширкат хўжалиги раҳбари Дилбар Сарибоева курашхона қуриб бермоқчи. Бундай эътиборларнинг самараси яхши бўлиб, шахматчи қизларимиз Фарида ва Насибалар «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг туман ҳамда вилоят босқичи ғолиблари бўлдилар.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, болалар спортини ривожлантириш борасида Ғаллаорол туманида кенг қамровли ишлар олиб борилаяпти. Ҳозир туман ўқувчилари ихтиёрида 1 та БЎСМ, 17 та спорт зали, 38 та баскетбол, 72 та волейбол, 45 та қўл тўпи, 62 та футбол майдони ва 23 та кичик футбол майдончалари мавжуд. 3265 нафар ўқувчига 120 дан ортиқ жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийлари сабоқ беришмоқда. БЎСМ учун туман машина-трактор паркига қарашли клуб биноси 10 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, қайта таъмирлаб берилди. Шунингдек, у 4 миллион сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди. Ҳозир эса туманда умумий қиймати 250 миллион сўмлик ёпиқ спорт комплекси ва иккита теннис корти ҳамда волейбол майдони қурилмоқда. Бугунга қадар эса 44 та футбол, 64 та волейбол, 42 та баскетбол ва 36 та қўл тўпи майдонлари 1 та теннис корти таъмирдан чиқарилди. Туман ХТБга қарашли таълим муассасаларида спортнинг 10 та тури бўйича 419 та тўгарак ишлаб турибди ҳамда уларга 9924 нафар ўқувчи жалб этилган.

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаётганлигидан хурсандман, — дейди Ҳабибулло ака, — Президентимизнинг болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузиш тўғрисидаги фармони ўзининг мазмун-моҳияти билан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, болалар соғлигини яхшилаш том маънода баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Насиб этса бизнинг мактаб ўқувчилари, қишлоғимиз ёшлари орасидан ҳам бўлажак чемпионлар чиқади.

Дарвоқе, Ҳ.Саримсоқов табиатан хушчақчақ ва самимий инсон. У ногиронлик аравачасида ҳам тиниб-тинчмайди. Вилоят миқёсида бўлаётган ҳар бир мусобақага шогирдлари билан етиб боради. Бу борада эса туман ҳокимлиги, ХТБ, хўжалик раҳбарлари унга яқиндан ёрдам беришади. Ҳабибулло ака машғулотларни қишлоқ шароитига мослаб ўтказади. Яъни биринчи гуруҳ эрталабки, қолган иккита гуруҳ эса кечқурунги машғулотларга келадилар. Қизлар эса асосан кундузги машғулотларда қатнашадилар. Тоза-уруғ — Ғаллаорол туманидаги чекка қишлоқлардан бири. Унинг ёшлари бўш вақт топилди дегунча, Ҳабибулло аканинг хонадонига, ўзларининг қадрдон «кураш майдон»ларига ошиқадилар.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ИП ОАО "ДЕМИР"

Порядковый номер сообщения — 06
(появление в реестре эмитента лица, владеющего 35 и более процентами ценных бумаг эмитента любого отдельного вида)

Полное фирменное наименование, приобретшего указанную выше долю	ГК "Народный банк" Адрес: г. Ташкент, ул.Катартал, 46
дата совершения сделки	14.07.2003 г
описание сделки	Приобретение 37% именных процентных облигаций ИП ОАО "Демир"

ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ИП ОАО "ДЕМИР"

Порядковый номер сообщения — 04
(факты разовых сделок эмитента, размер которых либо стоимость имущества по которым составляет более чем 10 процентов от активов эмитента по состоянию на дату сделки)

1	Полное фирменное наименование, место нахождения (почтовый адрес) контрагента	ГК "Народный банк" Адрес: г.Ташкент, ул Катартал, 46
	дата совершения сделки	14.07.2003 г.
	описание сделки	Реализация облигаций ИП ОАО "Демир" на сумму 500000000 сум.
2	Полное фирменное наименование, место нахождения (почтовый адрес) контрагента	Ташкентское гор. Управление ГК "Народный банк" г.Ташкент, пр-т Дружбы Народов, 6
	дата совершения сделки	15.07.2003 г.
	описание сделки	Реализация облигация ИП ОАО "Демир" на сумму 345000000 сум.

ЁШ СПОРТЧИЛАР ҚУТЛАНДИ

Куни кеча Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мазкур тизим ўқув масканларини тамомлаган, спортда яхши натижаларни қўлга киритган ёш йигит-қизларни қутлаш ва уларга мамлакат олий ўқув юртларига кириш учун сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтганлигини алоҳида мамнуният билан эслаш жоиз. Олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинган бу ёш спортчилардан келажакда янада улкан муваффақиятларни кутишга ҳақлимиз.

КЕНИЯ РИНГ ҚИРОЛЛАРИНИ КУТМОҚДА



Ўтган март ойида пуэрториколик Жон Руисдан WBA йўналиши бўйича чемпионлик камарини тортиб олган Рой Жонс Найроби шаҳрида собиқ чемпион Майк Тайсонга қарши рингга чиқиши мумкин. Ҳозирда Жонс вакиллари Тайсон ва Льюис вакиллари билан музокаралар олиб бораётган бўлиб, кўпроқ Тайсон билан шартнома имзоланиши кутилмоқда. 8 ноябрга мўлжалланаётган жангнинг айнан Найробида ўтишини тасдиқлаш учун 21 июль куни Рой Жонс Кенияга боради. Кузатувчилар наздида, бўлғуси учрашув 1974 йил Кенияда Муҳаммад Али ва Жорж Формэнлар жангидан кейинги энг муҳим учрашув бўлиши керак.

Ангрен шаҳридаги 4-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Шаханов Санжар Махмудович номига берилган O'R — A № 638224 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан 2001 йилда Эшбекова Ильгиза Тахировна номига берилган 444470 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 162-мактаб томонидан 1991 йилда Тураева Шахло Амановна номига берилган А № 518276 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда тарих факультети жамоаси «Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси Аброр Хидировга отаси

МЎМИН ҳожи отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Yomg'ir shitirlaydi... Tinmaydi sira,
Rohat-la yuvinib olar har daraxt.

Жон ВИЗЕР

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ!

— Бу ёқут тош жуда ажойиб. У менинг ягона қимматбаҳо нусхам, — деди заргар Бендер.

— Жуда тўғри, — жавоб берди хоним. — У жуда чиройли безатилган экан.

Ўз навбатида эри, "Сенга ёқдими?", деб сўраганида ҳам хоним қимматбаҳо тошга тикилиб маҳлиё бўлиб қолган эди.

— Ёқдими дейсизми? — сўради хоним ҳайрат ила. Бу ёқут ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб экан. Бунақасини шу пайтгача кўрмаганман.

— Қимматбаҳо тошингиз қанча туради? — сўради хоним.

Заргар Херман Бендер бироз хижолат тортди. У харидорнинг бирдан тошларнинг нархини суриштиришига ўрганмаган эди. Бу ёқутга қизиққан харидорлардан одатда бир йилда бир ёки иккитаси келар ва ҳар сафар улар билан узоқ суҳбатлашар эди. Баъзан бу нарса бир неча кун ва ҳатто ҳафталарга чўзилар эди. Лекин ҳалигича, афсуски, бу тошни сотиш насиб этмади. Негаки нархи жуда баланд.

— Тош, албатта, арзон эмас, — деди Бендер.

— Тушундим, қанча? — сўради жаноб.

Заргар Бендер чуқур нафас олиб "50000 евро" — деди. Бир неча дақиқа хонага жимлик чўкди ва ҳеч кимдан садо чиқмади. Сўнгра хоним норози бўлгандай оғзини очиб ҳомуза тортди ва эрига қаради. Лекин эри унинг норози маънода боқишларига шу ондаёқ чек қўйди.

— Чек оласизларми? — сўради у тўсатдан.

Херман Бендер бир мунча вақт ҳеч нарса дея олмай жим қолди. У жуда ҳайрон эди. Ҳатто унинг орқасида турган сотувчи аёллар ҳам эшитган гапларига ишонгилари келмас эди.

— Нима бўлди? Сизлар ўзим билан 50000 евро олиб юришимни кутмаганга ўхшайсизлар? — деди харидор ғазабланиб.

Заргар унга қараб:

— Йўқ, албатта. Лекин тушунинглар, аввало, биз бу тошни суғурта қилишимиз керак. Буни иложи борича тез ҳал этишга уринамиз. Сизлардан бироз кутиб туришингларни илтимос қиламиз, — деди.

Шундан сўнг заргар харидорларни қўшни хонага бошлади. Харидор чўнтагидан чек чиқариб тўлдирди, сўнг заргарга берди. Заргар Бендер чекка бир қараб қўйиб, уни сотувчи аёлга берди. Харидор "Карл Шурман" номи остида чекка имзо қўйган эди. Заргар Бендер чек ҳақиқийлигини фақатгина ўн минутлардан кейин билди. Беш минутлардан сўнг Карл Шурман ва унинг рафиқаси қимматбаҳо тош билан дўконни тарк этишди.

Заргар Бендер кўнгли тўлиб курсига ўтирди-да, чуқур нафас олди. Сўнг ичида хурсанд бўлди. Шубҳасиз, ёқут анча қиммат нархга сотилганди. Зўр иш бўлди. Лекин бу қойилмақом тошнинг бир камчилиги бор, уни фақатгина мутахассис билиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам 20000 евро нарх қўшиб бу қимматбаҳо тошнинг сотилганлиги мақсадга мувофиқ эди. Агар у ёқутни 30000 еврога сотганида ҳам, бу нарх уни, албатта, қониқтирган бўлар эди.

Бир неча кундан сўнг заргарлик дўкони эшиги кескин очилиб, Карл Шурман жиддий қиёфада кириб келди. Бендер эса шу лаҳзадаёқ уни таниди.

— Салом, жаноб Шурман. Сизни яна бу ерда кўриб турганимдан бағоят хурсандман. Нима хизматлар бор? — жилмайиб сўради заргар Бендер.

Шурман совуқ қараш билан чўнтагига қўлини солди. Бу лаҳзада Бендер безовталана бошлади. Аммо Шурман чўнтагидан ташриф қоғозини олдида, заргарга узатди.

— Бу менинг кейинги ҳафтада бўладиган жойим — янги адресим. Қисқаси, гап бундай. Хотиним сиздан сотиб олган қимматбаҳо тошдан ўзида йўқ хурсанд, у эрталабдан кечгача ўша тош ҳақида гапиргани гапирган. Агар бу сафар ҳам унга чиройли совға топа олсам хотинимни жуда хурсанд қилган бўлардим. Бу сафар унга ҳеч бўлманда ўшанга ўхшаш қимматбаҳо тош совға қилмоқчиман. Ўзимча ўйлаб қолдим, агарда мен бу сафарги туғилган кунига ҳам яна шунга ўхшаш қимматбаҳо тош совға қилсам, у мендан жуда хурсанд бўлар эди.

— Тушундим, иложи борича ўшандай ҳажмдаги ва қимматдаги ёқут бўлиши керак, тўғрими? — сўради заргар Бендер.

— Ҳа, — жавоб қилди Шурман.

Бендер чуқур хўрсиниб:

— Бунинг ҳеч иложи йўқ, — деди. — Мен бундай қимматбаҳо сифатли тошни яна топа олишимга ишонмаяпман.

— Афсус, — ғамгин жавоб берди Шурман. — Мен бу сафар ҳам сиздан бирор нарса топа оларман деб ўйлаган эди. Пул ҳақида ўйламасангиз ҳам бўлади. Бу таклифим ҳақида яна бир бор ўйлаб кўрсангиз яхши бўларди. Агар шу қимматбаҳо ёқутга ўхшаш тош топсангиз, албатта, менга қўнғироқ қилинг, илтимос.

Жаноб Шурман кетгач, заргар унинг ташриф қоғозини ўқиб кўрди. Ташриф қоғозида "Хелен ва Шурман" деган ёзув ва қуйида энг қимматбаҳо меҳмонхоналардан бирининг манзили ёзилганди.

Аввалига заргар Америка Қўшма Штатларига шундай қимматбаҳо ёқут қидириб борди. Олти ҳафта давомида у Канадада, Америка ва Европада бахтини синаб кўрди. У машҳур ва унчалик машҳур бўлмаган аукционларни кузатди, тегишли жойларга ёзди, юзлаб заргарлар билан хабарлашди. Анча вақт ўтгач Узоқ Шарқда, Рангунда бир одам ўша рубинга ўхшаш сифатдаги қимматбаҳо ёқут топилгани ҳақида хабар берди. Бунга қадар у ойлаб бекордан-бекор вақт ўтказди. Аммо минг афсуски, унинг эгаси ҳали-бери бу қимматбаҳо тошини сотмоқчи эмас эди.

Бир неча кундан кейин заргар Бендер ялина-ялина қимматбаҳо тош эгаси, семиз ва қўллари ҳар-хил тошларга тўла савдогар билан учрашиш шарафига муяссар бўлди.

— Умуман, мен бу қимматбаҳо тошимни сотмоқчи эмасман. Нимага энди сотишим керак? Чунки пулларим ўзимга етарли. Менга ортиқча пул керак эмас. Бу тошни ушлаб турганимнинг сабаби, уни ёқтираман, — деб бидирлай кетди савдогар.

Шундай бўлса ҳам заргар Бендер тошни бир кўрсатишни эгасидан илтимос қилди ва бир қарашдаёқ ўша қимматбаҳо ёқутга ўхшатиш учун уни бир оз қайта ишлаш кераклигини пайқади. Заргар бир ҳафта давомида овора бўлди ва охири Шурманга қўнғироқ қилди.

— Ёқут жуда ажойиб. Аммо савдогар жинни бўлиб қолганга ўхшайди. Унга 175000 евро сўраяпти. Бу тошни кўриш ва сотиб олиш учун яна бир оз пул сарфлашимга тўғри келаяпти, — деди Бендер телефонда.

Бир неча дақиқа жаноб Шурман ўйлаб кўргандай бўлди, сўнг "Ҳаммаси жойида, сотиб олинг", деди. Бендер банкка бориб, ўзига тегишли бор пулларини олиб, жомадонга жойлаб, ёқутнинг эгасига олиб келди, чунки у чек олишни хоҳламаган эди. Тошни олган заҳоти Бендер орқага қайтди. Сўнгра Эдуард Клингер, яъни бундай турдаги тошлар мутахассисини ёрдамга чақирди ва тошни унга текширтириб, ҳақиқатдан ҳам шунчалик қимматбаҳо тош эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди.

Мутахассис Эдуард Клингер тошни кўриб:

— Ўйлашимча, тошни сотишга улгурганга ўхшайсан-а? — деб сўради.

— Адашаяпсан. Сен назарда тутаётганинг аллақачон сотиб бўлинган. Бу бошқаси, янгиси. Аммо бу ҳам сотилади, — деди заргар Бендер.

Мутахассис Эдуард Клингер қимматбаҳо ёқутнинг у ёқ-бу ёғини текшириб кўриб:

— Аниғини бир-икки кундан кейин айтаман. Тошни ўзим билан олиб кетаман ва яна бир бор яхшилаб текшириб кўраман. Аммо аввалги рубиннинг бир жойида кичик айби бор эди. Менимча, бу тошни ҳам айнан ўша ерида айб борга ўхшайди, агар шундай бўлса, бу ўша рубиннинг айнан ўзи.

Унинг бу сўзларини эшитиб Бендернинг ранги оқариб кетди. Безовталаниб телефон олдига бордида, жаноб Шурман ва хотини истиқомат қилаётган меҳмонхонанинг телефон рақамларини терди.

Телефонда "Афсус, хоним ва жаноб Шурманлар икки кун олдин жўнаб кетишган, ўзларидан ҳеч қандай маълумот қолдирмаганлар", — деган жавоб олди. Шундагина заргар Бендер бўлиб ўтган воқеага тушунди ва тилини тишлаганича ҳангу-манг бўлиб қолди. Хуллас, "Ўғрини қароқчи урди!"

Немисчадан Шухратхон ИМЯМИНОВА ва Улуғбек ИМЯМИНОВЛАР таржимаси.

Ko'ngil bitiklari

ҲИЖРОН

Соғинчдан сарғаяр сукунат,
Ҳар лаҳза исмингни сўзлайди,
Жавобсиз саволлар қийнаса,
Юрагим ҳижрондан бўзлайди.

Тундан то тонггача тинмайин,
Хотирлар руҳимни тилкалар.
Ҳар нуқта эслатса исмингни,
Озурда бу жоним қийналар.

Йиғлайман, йўлингда йиқилиб,
Қайтар, деб кутарман туну кун.
Гар узун бўлса-да, фироқлар,
Қачондир келажак Висол кун!

Изингни излайди изларим,
Дийдоринг кутарман дил фиғон.
Севгилим, гар тезроқ келмасанг,
Ўлдириб қўяди бу ҳижрон!!!

Феруза ТОҒАЕВА,
Иштихон тумани 1-сонли иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси

САМОГА ГУЛ ЧИЗАР МОМАҚАЛДИРОҚ

Кимгадир шивирлар ажиб кун,
Поёнсиз дардларим ювмоқда ёмғир!
Юрак ришталарим узиб бутун,
Сабрга чўмилар қалбимдаги сир...

Ғойибдан табиат этгандек инъом,
Борлиқ таровати кўчади бу чоқ.
Кечадан олислаб оқшомга ором,
Самога гул чизар момақалдироқ.

Ёмғир шитирлайди... Тинмайди сира,
Роҳат-ла ювиниб олар ҳар дарахт.
Кейин тонг отади... масъум, бокира...
Тонг билан эргашиб келаётир бахт...

Дилрабо ҚАҲҲОРОВА,
Нарпай тумани 39-мактаб ўқитувчиси



Ватан манзаралари

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг шу йил 26 апрель сонида чоп қилинган «Нуфузли соҳа эгаларини тайёрлаймиз» (Фарғона давлат университети) сарлавҳали мақоладаги 2002-2003 ўқув йилида ФДУга кириш учун абитуриентларнинг кундузги бўлим бўйича тўплаган ўтиш баллари акс этган жадвалнинг 2026 «Немис тили» (рус гуруҳи) йўналишида тўлов шартнома ўтиш бали «1,40» ўрнига «71,40», 1152 «Чақириққача ҳарбий тайёргарлик» йўналишининг тўлов шартнома ўтиш бали «33,50» ўрнига, «133,50» сифатида тузатилиб ўқилсин. Шунингдек, «Қайси мутахассисликни танлайсиз?» сарлавҳали мақоладаги «Тиббиёт факультети», «Табиийёт факультети» сифатида, «Ботаника ва тиббиёт ўқитиш методикаси» эса «Ботаника ва табиийёт ўқитиш методикаси» тарзида тузатиб ўқилсин.

Университет манзили: Фарғона шаҳри, Б.Усмонхўжаев кўчаси, 19-уй.

«КАШТА» СКАНВОРДИ

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-566.
Тиражи 19619. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Камолиддин АЛИОХУНОВ.
Навбатчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лиля БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00